

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
И.КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 651.1:330.322

НАБИЕВА САИДАХОН АБДУВАХАБОВНА

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.03 – «Саноат иқтисодиёти» ихтисослиги бўйича

Ph.D. фалсафа доктори илмий даражасини
олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Махкамова Мамлакат Абдукодировна

Тошкент – 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
--------------------	---

I-БОБ.МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ТЕХНОЛОГИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА РАЎБАТЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ИЛМИЙ АСОСЛАРИ.....12

1.1.Саноат корхоналари инновацион фаолиятини ташкил қилишнинг илмий-назарий асослари.....	12
1.2.Технологик модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини иқтисодий асослари ва назарий-услубий жиҳатлари..	28
1.3. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва рағбатлантириш йўллари.....	44
<i>1-боб бўйича хулосалар</i>	54

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ ВА ГАЗ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА РАЎБАТЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ.....58

2.1. Республика нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари ривожланишининг иқтисодий-ижтимоий ҳолатининг таҳлили (ретроспектив таҳлил).....	58
2.2.Муборак нефт ва газни қазиб чиқариш бошқармаси корхоналарида инновацион салоҳиятни баҳолаш механизмини такомиллаштириш.....	72
2.3. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоқларида инновацион фаолият ривожланиши тенденциялари ва таҳлили.....	84
<i>2-боб бўйича хулосалар</i>	105

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ ВА ГАЗНИ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ РАЎБАТЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....109

3.1. Нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарида инновацион салоҳиятини рағбатлантириш усуллари ривожлантириш.....	109
3.2. Нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш моделини такомиллаштириш.....	122
3.3. “Ўзбекнефтегаз” АЖ корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг устувор йўналишлари.....	136
<i>3-боб бўйича хулосалар</i>	145

ХУЛОСА.....148

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....152

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув, давлатлар саноати ресурсларининг қисқариши, жаҳон бозорларида рақобатнинг кучайиши шароитларида, иқтисодийни самарали инновацион ривожлантиришни таъминлаш учун мавжуд техникаларни замонавийлаштириш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек дунё саноати ва ишлаб чиқариш комплекси корхоналарида инновацион жараёнлардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунё мамлакатлари саноати комплексининг инновацион ривожланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, турли инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда ХХР, Германия, АҚШ ва Япония каби мамлакатлар етакчилар ҳисобланади. Хитойда саноат тармоғидаги капитал қуйилмалар умумий ҳажмининг деярли 6,3%, Германия – 5,1%, АҚШ – 4,5%, Японияда – 3,5% саноати комплексида инновацияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга йўналтирилади. Бу эса ушбу жараёнларни рағбатлантириш механизмлари самарадорлигини билдиради.

Бугунги кунда саноат корхоналарида амалга оширилаётган инновацион фаолиятни ривожлантириш ва инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг самарали механизмларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқотларга алоҳида устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу борада саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновацион технологияларни қўллаб-қувватлаш, инновацион маҳсулотлар бозорини мақсадли ривожлантириш ва рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу долзарб илмий изланишларда инновацион фаолиятни амалга оширишни рағбатлантириш механизмларини самарали қўллаш масаласи устувор мавзулар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган нефт ва газ саноатини замонавий талаблар асосида ривожлан-

тириш, жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш юзасидан туб ислохотлар амалга оширилмоқда. “...энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳам - миллий иқтисодиётнинг таркибида саноат улушини кўпайтириш, юқори технологияли саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, модернизация ва диверсификация қилиш, ҳар бир ҳудуднинг саноат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш”¹ ҳисобланади. Бу борада саноат ишлаб чиқариш корхоналари инновацион салоҳиятини рағбатлантиришнинг назарий-услубий асосларини фанлараро ёндашув асосида такомиллаштириш, инсон капитали негизида инновацион салоҳиятни ривожлантиришга устуворлик бериш, инновацион салоҳиятни рағбатлантиришда ноанъанавий ечимларни қўллаш, тижоратлаштиришдан олинган фойданинг тақсимлаш ва қайта тақсимлашда инновацион фаолиятни фаоллаштириш каби йўналишларда илмий-тадқиқотларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697-сон “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефт-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 3.2 банди \\ lex.uz

тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш, ҳамда инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва назарий-услубий жиҳатларининг илмий муаммоларига хорижлик олимларнинг ишларида катта эътибор қаратилган. Жумладан, хорижлик муаллифлардан М.Додгсон, Г.Гросси, Ж.Генри, Д.Уолкер, П.Друкер, М.Портер, Ф.Вестлей, Г.Минцберг, Б.Такер, Й.Шумпетер кабиларнинг илмий-тадқиқотларида замонавий инновацион фаолият ва уни бошқариш, инновацион салоҳият шаклланиши ва уни рағбатлантириш назарияси масалалари кенг ёритилган².

МДХ мамлакатлари олимларидан инновацион фаолиятни ривожлантириш ва рағбатлантиришга тизимли ёндашув муаммолари А.Абалкин, В.Абрамов, Е. Балацкий, Н.Горфинкель, П.Завлин, Е.Лаптева, А.Мазин, В.Медынский, Р.Фатхутдинова, А.Уткин, И.Милькина, Е.Попова, каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.³

² Dodgson M. The management of technological innovation: An international and strategic approach. Oxford University Press, 2000, 248p.; Такер Р. Инновации как формула роста / Р. Такер. – М.: Олимп – Бизнес, 2006. – 240 с.; Grossi G. Promoting Innovation in a big business. Long range planning. Vol. 23, N1, 1990, 240p.; Henry, J. and Walker, D. Managing Innovation, London: Sage Publications, 1991, 367p.; Westley, F., Mintzberg, H. Visionary leadership and strategic management, Strategic Management Journal, 1995, P. 32., М.Портер. Теория конкурентных преимуществ, London:Sage Publications, 1990, 267, P.118., П.Ф.Друкер. Эффективное управление предприятием. (Managing for Results). Вильямс, 2008. Г.Минцберг, Десять ролей менеджмента по Минцбергу. Монреаль, 2016. Шумпетер Й. Теория экономического развития /Й. Шумпетер. -М.: Директ-Медиа, 2007.400 с.

³ Абалкин Л. И. Экономическая энциклопедия / Л. И. Абалкин. – М. :Экономика, 1999. – 1055 с.; Абрамов В.И. Методология оценки инновационного потенциала предприятия / В. И. Абрамов // Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки. – 2012. - №4. – С.130-137.

Балацкий О. Ф. Экономический потенциал административных и производственных систем: Монография/ под общ. ред. О. Ф. Балацкого. - сумы: Унив. книга, 2006. - 973с.; Завлин П. Н. Инновационная деятельность в современных условиях / П. Н. Завлин // Информационное агентство Финмаркет. – 2005. – 24 марта 2008г.; Лаптева Е.А. Проблемы оценки инновационного потенциала промышленных предприятий // Управление

Ўзбекистон Республикасида саноат тармоқларини модернизация қилиш ва саноат корхоналарида инновацион фаолиятни самарали ривожлантириш ҳамда уни рағбатлантиришнинг кенг қамровли масалалари С.С.Ғуломов, Ш.Н.Зайнутдинов, Н.Р.Алимова, Г.Ж.Аллаева, З.Т.Гаибназарова, Н.М.Махмудов, М.А.Махкамова, Ш.И.Отажонов, Н.А.Иминова, М.А.Икрамов, Ғ.А.Саматов, Ш.Э.Синдаров, И.С.Тухлиев, Т.З.Тешабаев, Д.Н.Рахимова, Г.Х.Разикова, А.М.Қодиров, А.Г.Шаробиддинов, Г.Б.Шаназарова ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганиб чиқилган⁴.

Диссертациянинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ПЗ-20170926232 “Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеллектуал ҳамкорлигини шакллантириш ва қўллаш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси корхоналари инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва

экономическими системами. - 2014. - № 8.; Мазин А. Классификация показателей оценки инновационного потенциала предприятия / А. Мазин // Alma mater. - № 5 (11). – С. 57-60; Медынский В. Г. Инновационный менеджмент / В. Г. Медынский. – М. : Финансы и статистика, 2005. – 295 с.; Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 6-е изд. СПб.: Питер, 2008. 448 с.

⁴⁴Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. – Т.: Академия, 2006. –С.267; Зайнутдинов Ш.Н. Теория пять «И» или новая система факторов процветания государства. LAPLAMBERT Academic Publishing RU, 2018. –С.49; М.А.Икрамов Некоторые вопросы государственного регламента инновационного процесса: зарубежный опыт и практика Узбекистана 2013; Г.А. Саматов Лойиҳаларни молиялаштириш, Дарслик 2014, Фан ва таълим; Аллаева Г.Ж. Эффективное развитие предприятий топливно-энергетического комплекса Республики Узбекистан., автореферат дисс. докт. философии, Т.: 2018г., Шоназарова Г.Б. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштириш., ф.д.диссер., Т.: 2018й., Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш., дисс. и.ф.д., Т.: 2018й., Расулев А.Ф., Алимов Р. Стимулирование инновационной активности в экономике // Общество и экономика. –М.: 2007. –№5-6; Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.:2012, 24-б; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на предприятиях машиностроения Республики Узбекистан., дисс.д.э.н., Ташкент 2004г., Кадыров А.М. Формирование национальной инновационной системы в условиях углубления экономических реформ. Актуальные проблемы развития инновационной деятельности. Сборник научных трудов международной конференции. – Т.: 2008. С.19-21.; Эргашев Ф., Рахимова Д., Сагдуллаев А., Парпиев О. Инновацион менежмент. Дарслик. – Т.: Академия, 2005. –Б. 90.; Тухлиев И.С. Организационно-экономический механизм реализации научно-технического потенциала юго-западного региона Республики Узбекистан. -Т.: ГФНТИ, ГКНТ РУз, 1995.

рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодий либераллаштириш шароитида нефт ва газ саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва рағбатлантиришга доир мавжуд илмий ва назарий ёндашувларни таҳлил қилиш;

саноат корхоналарида, жумладан Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли корхоналарда инновацион салоҳиятни шакллантириш ҳамда уни ривожлантириш омиллари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

республика нефт ва газ қазиб чиқариш тармоғи корхоналарида инновацион фаолиятни самарали ривожланишига таъсир қилувчи ички ва ташқи муҳит омилларини тадқиқ этиш ва тизимлаштириш;

технологик модернизациялаш шароитида нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарида тоғ-кон техникасини модернизациялашда инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий имкониятларини таҳлил қилиш;

инновацион иқтисодий шакллантириш шароитида нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари имкониятларини бозор конъюнктурасига мослаштириш ва ривожлантиришда мавжуд инновацион тенденцияларни аниқлаш;

республика нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарида инновацион фаолият субъектларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг иқтисодий механизминини такомиллаштириш;

саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва рағбатлантиришда жаҳон давлатларининг илғор тажрибаларини ўрганиш асосида илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизминини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб республика нефт ва газ саноати соҳасида фаолият олиб бораётган корхоналар, жумладан Муборак нефт ва газ қазиб

чиқариш бошқармаси корхоналари самарали ривожланишининг инновацион жиҳатлари ҳамда рағбатлантириш механизмлари ҳисобланади.

Тадқиқот предметини нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарида инновацион салоҳиятни баҳолаш ҳамда рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумлаштириш ва гуруҳлаш, қиёсий ва динамик таҳлил, илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик, эксперт баҳолаш ҳамда иқтисодий-математик моделлаштириш ва башоратлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқаришни, айниқса газни циолетли тозалаш ва куриштириш, газни бирламчи тайёрлаш ва нефт тайёрлаш жараёнини замонавий технологиялар билан таъминлашда тижоратлаштириш салоҳиятига эга бўлган технологияларни устувор даражада қўллашнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган;

нефт, газ конденсатини қазиб олиш ва суюлтирилган газни ишлаб чиқариш корхоналари инновацион салоҳиятини рағбатлантириш механизми янгиликларни қўллаш ва тижоратлаштиришдан олинган фойданинг муайян қисмини мазкур салоҳиятни мустақамлашга йўналтириш асосланган;

нефт-газ саноати корхоналари инновацион салоҳиятини рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми сиқув компрессор станциялари ва газ ҳайдаш агрегатларини модернизациялашда янгиликларни қўллаш ва киритиш харажатлари, уларга нисбатан тўлов қобилияти лаёқати, илмий ташкилотлар билан кооперациянинг устуворлигини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

суяқ углеводородлар ва табиий газни қазиб чиқариш самарадорлигини газ ва газконденсат конлари илмий-техник фаолиятига ходимларни тизимли равишда жалб қилиш асосида оширишни мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида нефт ва газ саноати корхоналарини стратегик ривожланиш имкониятлари аниқланган;

соҳада инновацион салоҳиятни рағбатлантириш механизмини такомиллаштиришнинг стратегик йўналишлари такомиллаштирилган;

инновацион салоҳиятни рағбатлантириш ва ички имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига нефт-газ саноати корхоналари инновацион салоҳиятини рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва “Ўзбекнефтегаз” акционерлик жамияти, ҳамда Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси ва унга қарашли корхоналарнинг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган услубий таклифлар, тавсия ва хулосалар саноат корхоналарида, хусусан “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти ва унга қарашли жамиятлар ва корхоналарда инновацион фаолиятни амалга ошириш ва инновацион салоҳиятни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, улардан инновацион фаолият субъектларида ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари асосларини рағбатлантиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республика саноат корхоналарида, жумладан нефт ва газ қазиб чиқариш жамиятлари ва корхоналарида инновацион фаолиятни рағбатлантириш асосида самарадорлигини таъминлашда ҳамда республика саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш бўйича ишлаб

чиқиладиган дастурий ҳужжатларда фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, нефт ва газ тармоғи корхоналарини самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

ишлаб чиқаришни, айниқса газни циолетли тозалаш ва куриштириш, газни бирламчи тайёрлаш ва нефт тайёрлаш жараёнини замонавий технологиялар билан таъминлашда тижоратлаштириш салоҳиятига эга бўлган технологияларни устувор даражада қўллашнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар “Ўзбекнефтегаз” АЖ МНГҚЧБ 2020 йил 18 октябрдаги 338-сон буйруғи билан ишлаб чиқаришга жорий қилинган (“Ўзбекнефтегаз” АЖ МНГҚЧБ 2020 йил 28 декабрдаги 5079-сон маълумотномаси). Натижада, корхоналарда инновацияларни қўллаш, илмий-техник натижаларни тижоратлаштириш фаолияти ривожлантириш негизидан синергетик самарадорлигини 24% ошириш имконини берган;

нефт, газ конденсатини қазиб олиш ва суюлтирилган газни ишлаб чиқариш корхоналарида янгиликларни қўллаш ва тижоратлаштиришдан олинган фойданинг муайян қисмини инновацион салоҳиятни мустаҳкамлашга йўналтириш бўйича таклифлар “Ўзбекнефтегаз” АЖ МНГҚЧБ 2020 йил 18 октябрдаги 338-сон буйруғи билан нефт-газ қазиб чиқариш тизимига жорий қилинган (“Ўзбекнефтегаз” АЖ МНГҚЧБ 2020 йил 28 декабрдаги 5079-сон маълумотномаси). Натижада, нефт-газ қазиб чиқаришнинг илмий–техник ва инновацион фаолиятни рационал ташкил қилиш имкониятини яратган;

нефт-газ саноати корхоналари инновацион салоҳиятини рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми сиқув компрессор станциялари ва газ ҳайдаш агрегатларини модернизациялашда янгиликларни қўллаш ва киритиш харажатлари, уларга нисбатан тўлов қобилияти лаёқати, илмий ташкилотлар билан кооперациянинг устуворлигини эътиборга олиш бўйича

таклифлар “Ўзбекнефтегаз” АЖ МНГҚЧБ 2020 йил 18 октябрдаги 338-сон буйруғи билан нефт-газ қазиб чиқариш тизимига жорий қилинган (“Ўзбекнефтегаз” АЖ МНГҚЧБ 2020 йил 28 декабрдаги 5079-сон маълумотномаси). Натижада, нефт ва газ қазиб чиқариш корхонасининг аниқ белгиланган инновацион сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда корхонани бошқа корхоналар ва илмий ташкилотлар билан кооперация жараёни стратегик режасини мақсадли ишлаб чиқилишига имкон яратган ҳолда Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг ушбу фаолиятидан олинган даромаднинг 2020 йилд 2019 йилга нисбатан 27,8 млрд. сўмга оширишга имкон берган;

сувоқ углеводородлар ва табиий газни қазиб чиқариш самарадорлигини газ ва газконденсат конлари илмий-техник фаолиятига ходимларни тизимли равишда жалб қилиш бўйича таклифлар “Ўзбекнефтегаз” АЖ МНГҚЧБ 2020 йил 18 октябрдаги 338-сон буйруғи билан ишлаб чиқариш тизимига жорий қилинган (“Ўзбекнефтегаз” АЖ МНГҚЧБ 2020 йил 28 декабрдаги 5079-сон маълумотномаси). Натижада, газ ва газконденсат конлари корхоналарида илмий-техник фаолиятни кенгайтириш асосида инновацион муҳитни яратиш имкониятининг 12,4% га ортишига имкон яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 9 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари учун тавсия этилган илмий нашрларда 16 та илмий ишлар, жумладан 3 та республика ва 2 та импакт факторли хорижий илмий журналларда мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 158 бетни ташкил этган.

**I-БОБ.МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ТЕХНОЛОГИК
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА
ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
РАЎБАТЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**1.1.Саноат корхоналари инновацион фаолиятини ташкил қилишнинг
илмий-назарий асослари**

Жаҳон ҳамжамиятининг ҳозирги ривожланиши давлатлар иқтисодиётининг тизимли интеграцияси, капиталнинг халқаро концентрацияси, жаҳон бозорининг ва компаниялар хўжалик фаолиятининг глобаллашуви билан тавсифланади. Бунинг муҳим омили илмий-техник тараққиёт ва ишлаб чиқаришнинг асосий интеллектуаллашуви ҳисобланади. АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг иқтисодий ва технологик устунлиги фан ютуқлари ва юқори технологияларга асосланган тармоқларга эгалигида намоён бўлади ва бу – давлатларнинг жаҳонда сиёсий ҳукмронлигини таъминлайди. Инновация соҳаси фаолиятининг муҳимлиги ва ўта муҳим аҳамиятини англаган ҳолда, бу давлатлар ҳукуматлари давлат қўллаб-қувватлаши ва маҳсус давлат дастурлари орқали зудлик билан инновация сиёсатига ўтдилар. Бу давлатлардаги маҳаллий компанияларга юксак технологик сакрашни амалга оширишга имконият яратади ва бошқа мамлакатларга нисбатан барча макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасида юқори тафовут бўлишини таъминлади. Давлат стратегиясининг стратегик моҳияти компанияларнинг инновацион фаолияти асосида шаклланади, унинг мазмуни янги товарларни ишлаб чиқариш ва бозорга олиб чиқиш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги билимларни яратиш ва уларни қўллашдан иборат бўлади.

Мавжуд шароитда давлатнинг илмий-техник сиёсатини самарали жорий этишнинг муҳим шарти фан ва техника сиёсатини самарали ривожлантиришнинг устувор йўналишларида илмий салоҳиятни, молиявий ва моддий ресурсларни концентрациялашдан (жорий этилаётган дастур ва лойиҳалар асосида) иборат. Умуман, марказий бўғин сифатида республика ва минтақа даражасидаги ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий сиёсатнинг истиқболи, инновация ва

инвестиция стратегияси, шунингдек, корхона, банк ва бошқа молиявий муассасалар стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Муваффақиятли инновацион ривожланиш масалаларини кўраётиб, фақат янгиликларнинг вужудга келиши ва уни тарқатиш механизмнинг муҳимлигини англаш эмас, балки жорий этиладиган янгиликларга бўлган талаб ва унга мос келадиган таклиф бозорини шакллантиришга имкон берадиган зарурий инфратузилмани яратиш тамойилларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Инновация таклиф бозори талаб бозорига нисбатан объектив ҳолда тўйинган ҳисобланади. Маълумки, инновацион янги ғоялар жуда камдан кам ҳолларда муваффақиятли амалга оширилади. Инновация жараёнларининг тадқиқи реал бўлиб кўринса ҳам, барча ғояларнинг фақатгина юздан бири, айрим ҳолларда мингдан биригина тижоратда ютуққа олиб келишини кўрсатади. Демак, бир ғояни бир томондан натижали, иккинчи томондан, амалга ошириш мумкин бўлиши учун жуда кўп таклифларни кўриб чиқиш керак. Оқибатда, инновация – бу зарурлик ғояси ва техник имкониятлар ғояси ўртасидаги иттифокдир. Бу ерда ўз моҳияти жиҳатдан, биринчи навбатда, инновация тизимидаги ахборот жараёнини аниқлаб берадиган инновациянинг синергетик самараси тўла ҳолда намоён бўлади.

Инновацион фаолият муаммолари тадқиқотларда турлича изоҳланишига қарамасдан, рақобатли бозор муҳитида амал қиладиган компанияни ривожлантиришнинг мақсади ва стратегияси шаклланаётган жараёнда, инновацион фаолиятни ташкил этиш ва уни салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муаммолар тўплами етарлича ўрганилмаган.

Инновацион жараён корхона фаолиятининг барча соҳаларидаги ишларни, ҳар бир бўғимдаги рентабелликни назорат қилиш асосида балансли ҳолда такомиллаштиришдир. Барча янгилик киритиш корхона ишининг ҳар томонлама тизимли, комплекс таҳлил қилиш асосида олиб борилади, муҳими олинган натижаларни эришилган натижаларга эмас, балки шу вақтдаги бозорнинг имкониятига (ҳажмига) таққосланади. Бундай таҳлилдан мақсад корхонанинг бозор имкониятларидан ҳар бир даврда қай даражада фойдаланганлигини аниқлашдир.

Янгиликлар бозорини билим олиш, инновацион коммуникациянинг фаолият кўрсатиш, илмий товарларни сотиш шароитлари билан боғлиқ бўлган иқтисодий шакллар ва механизмлар тизими сифатида изоҳлаш (аниқлаш) мумкин. Бозор механизми янгиликларни сотувчи ва олувчилар ўртасидаги алоқани (коммуникацияни), баҳо, кредит (мос фоизлар билан) ва бошқа қиймат категорияларини ўз ичига олади. Унга яна янгиликларга бўлган талаб ва таклиф, таклифни баҳолаш тизими ва келишилган баҳоларга эришиш, пул массасини қоплаш (инвестиция), янгиликнинг баҳоси ва бошқалар киради. Инновацион коммуникация товар айланишига хизмат қилади ва инновация жараёнини бошқариш имкониятини берадиган янгиликлар бозоридаги иштирокчиларга мақсадли йўналтирилган марказий механизм ҳисобланади.

Кўпгина илмий адабиётларда умумий таърифига кўра, инновация - бозорда сотиладиган янги ёки такомиллашган маҳсулот, хизмат, амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллашган ва ривожланган технологик жараён кўринишида ўз татбиқини топган инновацион фаолиятнинг пировард натижасидир.

Инновацион фаолиятнинг асосий қоида ва категорияларини ўрганиш учун «инновация» тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини тўлиқ англаб етишимиз лозим. Иқтисодий адабиётларда инновация (ингл. innovation) – янгилик, янгиликни ишлаб чиқиш ва қўллаш, илмий-техник тараққиётни (ИТТ) янги маҳсулот ва технологиялар кўринишида реал тараққиётга айланиши, деб таърифланади⁵.

Бозор иқтисодиётида инновацияларни тизимли тақдим этиш услубиёти халқаро стандартларга асосланган, ва уларга мувофиқ инновация деганда, бозорга кириб келган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалиётда қўлланилаётган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёки ижтимоий хизматларга бўлган янгича ёндашув кўринишидаги инновация фаолияти натижаси тушунилади.

⁵Борисов А.Большой экономический словарь / А.Б. Борисов. – М. :Книжный мир, 2003. С.428.

Ушбу муаммо бўйича кўп сонли тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамадан, бугунги кунда инновация фаолияти соҳасида ягона, умумий тарзда қабул қилинган терминология мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам адабиётларни қисқача таҳлилни келтириш ва инновация фаолияти соҳасидаги асосий тушунчаларни аниқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инновацион назарияни асосий ривожланиш босқичи В.Зомбарт, В.Митчерлих, Й.Шумпетер ишларига тўғри келган. Инновациялар назариясини шаклланиши ва ривожланишига австриялик олим Й.Шумпетер катта ҳисса қўшган. Й.Шумпетер конъюнктура силжишлари манбаларини таҳлил қилиш натижасида, ишлаб чиқариш ва бозор ривожланишидаги ўзгаришларнинг янги омилларини ажратди⁶ ва уларга қуйидагиларни киритди:

- янги хусусиятларга эга маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- янги илмий кашфиёт ёки тижоратлаштириш усулига асосланган ишлаб чиқаришнинг янги услубини жорий этиш;
- саноатнинг мазкур тармоғи тақдим этилмаган, янги савдо бозорларини ўзлаштириш;
- хом-ашё янги манбасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни тегишли тарзда қайта ташкил этилишини амалга ошириш, масалан, монополликни таъминлаш.

Муайян янгилик даражасини баҳолаш ва конъюнктура силжишларининг амплитудаси ва давомийлигини аниқлаш учун Й.Шумпетер янгилик мезонини киритди, ва ушбу мезон мазкур туркумлаштириш асосини ташкил этди. Кейинчалик, 1930-йилларда Й.Шумпетер томонидан инновация тушунчаси киритилди, ва у маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, етказиш жараёнларида янги ёки такомиллаштирилган техник, технологик, ташкилий характердаги қарорларни қўллаш оқибатида мумкин бўлган ўзгаришларни билдирар эди. Инновациянинг ушбу таърифи ва Й.Шумпетернинг ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациялари тўғрисидаги концепцияси инновациялар

⁶ Шумпетер Й. Теория экономического развития, М.: Прогресс, 2002. – С.255.

назариясига бўлган иккита энг тарқалган ёндашувдан бирининг асосини ташкил этади. Биринчи ёндашув – янги омиллар тўғрисидаги тушунчага асосланган, иккинчиси – янги маҳсулот ва/ёки технологияга асосланган.

Инновациялар иқтисодий самарадорлигини таъминлаш заруриятини ҳисобга олган ҳолда, бир қатор МДХ иқтисодчилари (М.Ионов, А.Кулагин, В.Логинов), инновацияни «харажатлар тежалишини ёки бундай тежаш учун шароит яратилишини таъминловчи янги маҳсулот ёки хизмат, ишлаб чиқариш услуги, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа соҳалардаги янгилик»⁷ сифатида кўришган.

А.Уткин эса бозор шароитида корхоналар муваффақиятли иқтисодий фаолияти учун инновациялар муҳимлигини таъкидлаган ҳолда, инновацияларни корхона иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий захиралардан бири сифатида тавсифлаган⁸.

Маҳаллий олимларимиздан Ш.Отажоновнинг фикрича, инновациялар бу – юзага келган ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ёки бошқа фойдали самарага эришиш мақсадида янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот (товар, иш, хизмат ва бошқ.), ишлаб чиқариш жараёни, янги маркетинг ёки бизнес юритишда ташкилий усул, иш жойлари ёки ташқи алоқаларни ташкил этиш кўринишидаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва (ёки) технологик ишлар натижасидир⁹.

М.Махкамованинг фикрича, инновация термини иқтисодиётда янги кўринишдаги маҳсулотлар, истеъмол товарлари, хизматлар, ишлаб чиқаришни ташкил қилувчи воситалар ва усуллардан фойдаланиш ва жорий қилиш мақсадида ижобий ўзгариши деб тавсифлаган¹⁰

Инновация бозорга ёки ишлаб чиқаришга жорий этилганда амалга оширилган ҳисобланади. Шунга мувофиқ технология инновацияси икки хил

⁷ Ионов М. Инновационная сфера: состояние и перспектива // Экономист. 1993. №10. -С.62-67.

⁸ Уткин Э.А., Морозова Г.И., Морозова Н.И. Инновационный менеджмент. – М.: АКАЛИС, 1996. – -С.192.

⁹Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш и.ф.д.(DSc) диссертацияси, Т.:ТДИУ, 2018., 259б.

¹⁰ Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на предприятиях машиностроения Республики Узбекистан., дисс.д.э.н., Ташкент 2004г.

турда бўлади: маҳсулот ишлаб чиқариш ва жараёнли турлари мавжуд.

Маҳсулот ишлаб чиқариш инновацияси – янги ёки такомиллашган маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳисобланади. Жараёнли инновация – бу янги ёки такомиллашган маҳсулотни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишдир. Бундай маҳсулотни мавжуд бўлган асбоблар ёки ишлаб чиқаришда қўлланилаётган усуллар ёрдамида амалга ошириб бўлмайди. Америка ва Япония инновацион тизимининг фарқи қуйидаги кўринишга эга: АҚШда 1/3 инновация жараёнли, 2/3 маҳсулот ишлаб чиқариш шаклига тўғри келса, Японияда бу кўрсаткичлар аксинча.

Инновация илмий-техникавий тараққиёт (ИТТ) билан боғлиқ бўлиб, унинг натижаси ҳисобланади. ИТТ – маҳсулот ишлаб чиқаришнинг муҳим омили, унга ишлаб чиқариш воситалари ва технологияларини такомиллаштириш, янги қонуниятларни очиш, атроф-муҳит, ҳодиса ва уларнинг хусусиятлари таҳлилига таяниб, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали эришилади.

Одатда инновациялар базис, такомиллашган ва рационаллаштирувчи турларга ҳам бўлинади. Базис инновация йирик ихтироларни татбиқ этади ва янги техникани яратиш унинг йўналишини аниқлашга асос бўлади, такомиллаштириш инновацияси, одатда, кичик ҳамда ўрта ихтироларга татбиқ этилади, унинг салмоғи тақсимлаш фазаси ва илмий техника цикли даврида юқори бўлади. Рационаллаштирувчи инновация эски авлод техникаси ва технологиясини қисман янгилашга йўналтирилган бўлиб, одатда, технологик жараёнларга тўсиқ бўлади (улар жамиятга самара бермайди ёки зарар келтиради)

Инновацион жараён – бу илмий билимларнинг инновацияга айланиш жараёни бўлиб, унга кетма-кет занжир ҳолатида амалга ошадиган, ғоядан аниқ маҳсулотга, технология ёки хизмат кўрсатишга ўтадиган ва амалиётда фойдаланиш учун тарқаладиган ҳодиса деб қараш мумкин. Инновация жараёни татбиқ этиш билан тугамайди (янги технологияни, хизмат кўрсатишнинг бозорда пайдо бўлиши ёки янги технологияни лойиҳадаги даражага етказиш). Бу жараён жорий этилгандан кейин ҳам тўхтамайди, у тарқалиш жараёнида ҳам такомиллаштирилади, самаралироқ ҳамда шу вақтгача маълум бўлмаган янги

истеъмол хусусиятларига эга бўлиб боради. Маҳсулотлардан фойдаланиш ва қўллаш учун янги бозорлар вужудга келади ва шу билан бирга янги истеъмолчилар пайдо бўлиб, улар янги маҳсулот, хизмат кўрсатиш ва янги технологияни ўзлари учун янгилик деб қабул қиладилар. Шундай қилиб, бу жараён бозор талаб этадиган янги маҳсулотларни янги хизматлар ва янги технологияларни яратишга йўналтирилади ва у муҳит билан (унинг йўналтирилганли, суръатлари, мақсади, ижтимоий-иқтисодий ҳолати) боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Инновацион жараён асоси – янги техника ва технологияларни яратиш ва ўзлаштириш (ЯТТЯЎ). Техника – ишлаб чиқариш омиллари мажмуи, яъни меҳнат қуроллари ва воситалари, билимлар ва кишилар укувининг моддийлашуви. Технология – техникани тайёрлаш ва қўллашнинг усуллари мажмуи, яъни табиий жисмларнинг саноат ва маиший маҳсулотларга айланиши.

Инновацион фаолият - илмий натижалар ва ишланмаларни тижоратлаштириш, ишлаб чиқариш технологиясини янгилаш ва сифатини ошириш, уларни ички ва ташқи бозорда самарали амалга оширишдир.

Инновация ва янгиликлар инновация фаолияти натижасида юзага келади, улар ўзаро боғлиқ ва бири иккинчисиз мумкин эмас. Уларнинг асосий фарқи шундаки биринчи ҳолатда – янги маҳсулот шаклланиши жараёни рўй берса, иккинчисида – уни тижоратлаштириш жараёни амалга оширилади.

Инновацион фаолият бу - илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, технологик ишларни яратиш, фойдаланиш ва тижоратлаштиришга, шунингдек инновацион инфратузилмани яратишга қаратилган илмий, технологик, молиявий ҳаракатларни ўзида ифодаловчи фаолият ҳисобланади¹¹.

Бир қатор манбаларда «инновация» жараён сифатида кўрилади. Ушбу концепцияда, инновация вақт мобайнида ривожланиши ва аниқ ифодаланган босқичларга эга бўлиши таъкидланади.

¹¹Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш и.ф.д.(DSc) диссертацияси, Т.:ТДИУ, 2018., 259б.

Инновацияга ҳам динамик, ҳам статик жиҳатлар хос. Статик жиҳатдан инновация – илмий-ишлаб чиқариш циклининг (ИИЦ) пировард натижаси сифатида қаралади ва ушбу натижалар ҳам ўз муаммоларига эга бўлади.

«Инновация» ва «инновацион жараён» атамалари ўзаро яқин бўлсада, аммо улар бир хил эмас. Инновацион жараён инновацияларни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш билан боғлиқдир. Инновацияни яратувчилар (новаторлар) маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли ва иқтисодий самарадорлик каби мезонлардан кенг фойдаланишади.

Инновацион фаолият ҳақиқатдан инновацияни амалга оширишга олиб келадиган ёки шу мақсад билан кўзлаб қилинган барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат, маркетинг ҳаракатлардир. Инновацион фаолият шунингдек қандайдир аниқ инновацияни тайёрлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган тадқиқотлар ва ишланмаларни ҳам ўз ичига олади.

Халқаро тажрибада инновацион жараёнларни ташкил этиш бўйича турли жиҳатларни С.Валдайцева, В.Кабакова, А.Казанцева, Г.Краюхина, А.Поршнева, К.Пузыня, А.Румянцева ва бошқа олимлар ишларида топиш мумкин. Таниқли Й.Шумпетер, Г.Менш, Дж.Форрестер ишларида иқтисодий ўсишнинг инновацион таркиби концепциясини таъминловчи макроиқтисодий моделлар механизмлари ишлаб чиқилган.

Инновацион салоҳиятни илмий-техник салоҳият сифатида шакллантириш ва баҳолашга бағишланган жуда кўп илмий ишлар мавжуд, буларга В.Громеки, Г.Добров, Ю.Копигин, А.Медведев, В.Соловьев ишларини киритиш мумкин.

Ўзбекистонда инновация фаолиятини ривожлантириш ва бошқарув тизимини ўрганиш бўйича Г.Ж.Аллаева, Н.Р.Алимова, А.Ш.Бекмуродов, Б.Б.Беркинов, З.Т.Гайбназарова, Ш.Н.Зайнутдинов, В.Г.Ким, Н.Қ.Йўлдошев, М.А.Маҳкамова, Ш.И.Отажонов, А.Ф.Расулов, Г.Б.Шоназарова, А.М.Қодиров ва бошқа олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар.

Хусусан, А.Расулев, Р.Алимов, Ш.Отажонов, А.Қодиров ва Н.Йўлдошевларнинг илмий асарларида миллий инновацион тизимни

шакллантириш асослари баён этилган бўлса¹², Ш.Зайнутдинов, Д.Раҳимова ва Ш.Отажоновлар инновацион менежментни ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатлари ва хусусиятларини тадқиқ этганлар¹³.

Г.Аллаева, З.Гаибназарова, М.Маҳкамвалар саноат корхоналарида инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ва бошқариш хусусиятларини тадқиқ этганлар¹⁴.

Н.Р.Алимова, В.Г.Ким ва Г.Б.Шоназаровалар саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ошириш ва баҳолаш хусусиятларини тадқиқ этганлар¹⁵.

Инновацияга капитал маблағларни сарфлаш билан боғлиқ бўлган фаолият инновацион-инвестицион фаолият дейилади. Инновацион фаолият илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат муносабатларини ўз ичига олади ва уларнинг барчаси биргаликда инновацияни ташкил этади.

Инновацион фаолият одатда қуйидаги фаолиятлар орқали амалга оширилади:

а) янги техникани ёки технологияни яратиш, фойдаланиш, эга бўлиш, ишга чиқариш ва технологик жараёнларни янгилаш;

б) янги технологик жараёнларни амалга ошириш учун ишлаб чиқариш асбоблари ва қурилмаларини, уларнинг ўзгаришларини, ишлаб чиқариш стандарти, усуллари ва сифатини назорат қилиш;

¹²Расулев А.Ф., Алимов Р. Стимулирование инновационной активности в экономике // Общество и экономика. –М.: 2007. –№5-6; Кадыров А.М. Формирование национальной инновационной системы в условиях углубления экономических реформ. Актуальные проблемы развития инновационной деятельности. Сборник научных трудов международной конференции. –Т.: 2008. С.19-21.

¹³Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. –Т.: Академия, 2006. –С.267; Оценка эффективности управления экономикой. Под ред. Ш.Н.Зайнутдинова, Э.Х.Махмудова. –Т.: ТГЭУ, 2008. –С.321; ЭргашевФ., Раҳимова Д., Сағдуллаев А., Парпиев О. Инновацион менеджмент. Дарслик. –Т.: Академия, 2005. –Б. 90.; Маҳкамова М.Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш. Монография. – Т.:Aloqachi, 2012. – Б.185.;

¹⁴ Аллаева Г.Ж. Эффективное развитие предприятий топливно-энергетического комплекса Республики Узбекистан., автореферат дисс. докт. философии, Т.: 2018г., Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш., дисс. и.ф.д., Т.: 2018й.; Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари. И.ф.н.дисс.-Т.:2012.;

¹⁵ Алимова Н.Р. Методы мотивации на предприятиях промышленности. Материалы международной научно-практической конференции 18-Плехановские чтения., Т.: 2015, С.108-112.; Ким В.Г.Повышение конкурентоспособности промышленных предприятий на основе инновационных технологий. Диссер.д.ф., Т.:2018.; Шоназарова Г.Б. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштириш., ф.д.диссер., Т.:2018.

в) ишлаб чиқаришдан олдин маҳсулот ва технологик жараёни янгилаш, технология ва асбобларни ишлатадиган ходимларни қайта тайёрлаш;

г) янги маҳсулотлар маркетинги – бозорни ўрганиш билан маҳсулотларни бозорга чиқариш, уни турли бозорларга мослаштириш, реклама компаниясини олиб боришга қаратилган фаолиятни амалага ошириш;

д) четдан товар сифатида бўлмаган технологияни, патент, лицензия, ноу-хау, савдо маркаси, конструкторлик, технологик қурилмаларни модель ва хизмат кўрсатиш шаклида харид қилиш;

е) товар сифатидаги технологияни машина ва қурилмалар, ўзининг технологик мазмунига кўра инновация корхоналарида (ИК) маҳсулотлар ва инновация жараёнларини харид этиш;

ж) ишлаб чиқариш жараёнлари техник йўналишини аниқлаш мақсадида режаларни ва чизмаларни ўз ичига оладиган лойиҳани амалага ошириш.

Бозорга кўпинча товарларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчи томон ҳаракатлантирувчи вазифасини бажарувчи техник-иқтисодий категория сифатида қаралади. Инновацион коммуникацияга бундай оддий тавсиф бериш, янгиликлар бозорининг хусусиятини тўғри акс эттирмайди, чунки у ўз табиатига кўра қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

-биринчидан, илмий-техника сиёсатида йўналтиришга хизмат қилади;

-иккинчидан, инвестиция жараёнига инновацион таъсир кўрсатади;

-учинчидан, давлат ташкилотларига илмий-техникавий салоҳиятни татбиқ қилишни тезлаштириш мақсадида инновацион коммуникацияни ривожлантириш зарурлигини аниқлатади;

-тўртинчидан, янгиликларга қўйиладиган илмий-техникавий талабларни (кўрсаткичларни) шакллантиради;

-бешинчидан, инновацион товарларга бўлган талабни кучайтириш билан янгиликларни яратишга тўғридан-тўғри таъсир ўтказади.

Ушбу изланишлар асосида биз юқорида кўрсатилган вазифаларни бажариш учун янгиликлар бозори, янги маҳсулотларини яратиш жараёни ва яратувчиларига иқтисодий таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлиши керак, деб

ҳисоблаймиз. Таъсир ўтказишнинг моҳияти, тадқиқотчи ва ишлаб чиқарувчининг янги маҳсулотни ҳамда технологияни ишлаб чиқиш, у ёки бу янгиликка бўлган манфаатдорлигининг пасайиши ёки кўтарилишига боғлиқлиги билан ифодаланади. Манфаатлар натижанинг қўлланишидан олинadиган даромад ва унинг тақсимланиши билан боғлиқ. Агар дастлаб инновация соҳасида даромад бутунлай чекланган, янгиликларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга боғлиқ бўлмаган ва янгиликлар бозори бўлмаган бўлса, бозорнинг таъсири, товарлар оқими ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари (қиймати) инвестиция конъюнктураси асосида ўзгариш имкониятига боғлиқ бўлади ва шу йўл билан янгиликлар бозорида иштирокчиларнинг манфаатини юқори ёки паст томонга ўзгартиради.

Инновация фаолиятини амалга ошириш механизмининг ўзига хос хусусиятлари инвестицияга бўлган талаб ва тақлифнинг шаклланишида, бозорнинг тавсифида намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда инновация соҳасидаги жаҳон тажрибаси, муваффиқиятли равишда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг турли тармоқларига татбиқ этилмоқда ва у мамлакат салоҳиятининг тизимли ҳолда ривожланишининг кафолати ҳисобланади. Шу билан бирга республика олимлари томонидан, янги соҳа бўлган инновацион менежментнинг илмий асослари ишлаб чиқилмоқда ва саноат, ишлаб чиқариш ва миллий иқтисодиётимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли тармоқларга жорий этилмоқда. Ушбу ишланмалар бошқариш тизимининг сифатини кўтаради, тубдан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бозорни сифатли товарлар билан тўйинтиришга хизмат қилади.

Янгиликни жорий этиш жараёнида ва унга ўзгаришлар киритилганда ахборотга эга бўлиш муҳим роль ўйнайди, рақобатчилар ахборотларга эга бўлиши қийин ёки уларда ахборотга эҳтиёж бўлмайди. Бу афзалликлардан фойдаланишнинг энг истиқболли усули инновация фаолияти, айниқса, унинг стратегик қиррасидир.

Тадқиқотлар кўрсатадики, камдан-кам истисноли ҳолларда инновация ноодатий ҳаракат натижаси бўлади. Компания ўз рақобат курашида ёки кучли

воситаларининг муваффақиятли татбиқ этаётганида мақсадига иккиланмасдан интилади, жиддий тўсқинликлардан чекинмайди. Ҳақиқатда янгиликни жорий этиш, муваффақиятга эришиш учун босим зарурлигини англаш, ҳатто айрим агрессивлик, йўқотишдан қўрқиш кўпинча муваффақият қозонишда умидга нисбатан етарли, қудратли ҳаракатлантирувчи куч бўлиб қолади. Компаниялар янгиликлар асосида рақобатда устунликка эришгандан сўнг, уларни такомиллаштириш ёрдамида сақлаб қолиш мумкин.


Рақобатчилар инновацияни такомиллаштириш ва уни жорий этишни тўхтатган компанияларни дарҳол айланиб ўтадилар. Баъзан истеъмолчилар билан бўлган муносабатларида мавжуд технологиялари маҳсулотларни сотишни қафолатлаганда ҳаракатсиз компаниялар ҳам узоқ вақт рақобатбардошликка эга бўладилар.

Инновациянинг манбаи компаниянинг ўз фаолияти давомида эришган билими ҳисобланади. Айнан илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ) натижасида эга бўлинган билимлар инновация, янгиликлар ва янги патент кўринишига киради, патентлар, ихтиролар ва муаллифлик гувоҳномалари кўринишида рўйхатга олинади. Билимларга эга бўлиш компаниялар учун инновацияларни амалга оширишни бошқариш нуқтаси ҳисобланади. Шунинг учун билимларга эга бўлиш, уни бошқариш ва уларни ИТТКИда қўллаш, инновацион жараёнларни амалга ошириш ва бошқаришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Умумий ҳолда билимларни бошқариш жараёни билимларни олиш, умумлаштириш, жамғариш, сақлаш, ҳимоя қилиш ва қўллашдан иборат. Билимларни бошқариш стратегияси, билимларга нисбатан уни ўзлаштиришга асосланган қобилият ва ресурслар баланси, инновациялар асоси сифатида тушунилиши мумкин.

Компаниялар ёки корхоналар ундан қўшимча равишда билимлар тарихини тиклаш ва келажак траекториясини яратишда фойдаланишлари мумкин.

Инновацион жараёнда билим олиш – фойдаланиш уйғунлиги ва билим олиш манбаини аниқлаш корxonанинг билимларини бошқариш услубини ифодалайди. Билимлар, инновация, технология устунлиги, рақобатда устунлик, стратегия,

компанияни стратегик бошқаришдаги кетма-кетлик, глобал рақобатда муваффақиятга эришишнинг босқичларини акс эттиради, рақобат курашида билимлар ва инновациянинг муҳимлигини асослайди, билимлар менежменти, инновацион технологик ва стратегик менежментларини узвий боғлайди. Бу – глобал компанияларни бошқаришда янги тушунчалар пайдо бўлишига, танланган ва амалга оширилаётган стратегияни юқори раҳбарлик томонидан рақобат курашидаги ютуқларини кўра олишига боғлиқ бўлади.



1.1-расм. Корхонанинг инновацион фаолият асосида ютуққа эришиш босқичлари¹⁶

1.1-расмда биз корхонанинг инновацион фаолият асосида рақобат курашида устунликка ва ютуққа эришишнинг асосий босқичларини ишлаб чиқдик. Унда бошланғич босқич билимлардан иборат. Компания қандай билимларга эга эканлиги, унинг у ёки бу инновацияларга янгилик киритишида ёки яратаётган янгиликларида акс этади ва ғояларини рақобатчилари бўлмаган технологияларда амалга оширади. Бу технологиялар рақобатдаги устунликни шакллантиради ва унга мос бўлган стратегия асосида, рақобат курашида муваффақиятга эришишини таъминлайди. Ўз навбатида бундай стратегия ИТТКИ натижаларига мосланган технологияларнинг талаб этади. Технологиянинг илмий сифимини аниқлайди.


Бизнингча, корхоналарни инновацион ривожлантириш куйидаги талаблардан иборат:

¹⁶ Муаллиф ишланмаси

1. Компаниянинг бозордаги ўзгаришларини ҳисобга олиш қобилияти ҳисобига, барқарор ўсишни таъминлаш ва зарурий билимлар асосида (шу жумладан фаолиятни ташкил этишда) инновацияларни ривожлантириш;

2. Жараёний ёндашувига нисбатан инновацияларни яратиш ва қўллашда корпоратив стратегия (интеграция)нинг бирламчилиги. Стратегия энг камида уч босқичдан иборат: умумкорпоратив, бизнес-стратегия, маҳсулот стратегияси ва ташкилий имкониятларнинг профилига асосланади;

3. Ташкилий имкониятлар профили, асосий имкониятларга, рақобат устунликларига, ходимларнинг қобилияти ва б. ларга боғлиқ. Шундай қилиб, компаниянинг барқарор ривожланиши билимларга асосланган инновация асосида амалга ошади (1.2- расм).



1.2-расм. Инновация – корхона самарали фаолиятининг истиқболли асоси

Инновацияга ўтиш зарурияти, биринчи навбатда, ривожланишнинг табиий жараёнидан келиб чиқади. Бунда бозорнинг тўйиниш даражаси ва рақобат кураши кескинлашуви оқибатида бизнес муваффақиятининг манбалари, у билан бирга бошқариш парадигмаси ҳам ўзгаради. Бу ҳолатда инновацион фаолият ҳақиқатдан инновацияни амалга оширишга олиб келадиган ёки шу мақсад

билан кўзлаб қилинган барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат, маркетинг ҳаракатлардир. Инновацион фаолият шунингдек қандайдир аниқ инновацияни тайёрлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган тадқиқотлар ва ишланмаларни ўз ичига олади.

Демак, инновацион фаолият ташқи ва ички муҳит омиллари таъсир этувчи илмий тадқиқотлар ёхуд илмий-техник ютуқларни амалий фаолиятда ишлатиладиган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технологик жараёнларга ёхуд ижтимоий хизматларга нисбатан янги ёндашувга айлантириш билан боғлиқ бўлган фаолият туридир (1.3-расм).



1.3-расм. Корхонада инновацияларни қўллаш ва инновацион сакрашларнинг даражалари


1.3-расмда келтирилган босқичлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирига тескари алоқа орқали таъсир кўрсатади. Инновацияни ишлаб чиқаришда ёндашувлар: инновация таклифларни ишлаб чиқаришнинг икки хил тури мавжуд.

Янги имкониятларни излаш учун “юқоридан” келадиган таклифлар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун эса “пастдан” келадиган таклифлар.

“Юқоридан” келадган ўзгаришлар, ўз навбатида, қуйидагиларга бўлинади:

– бизнесни ташкил этиш концепцияси ва стратегик маркетинг кўламидаги миқёсли ўзгаришлар.

– компаниянинг кўп тўпланиб қолган кичик ўзгаришларидаги имкониятларини (технологик камчиликлар, билимларнинг ақлий капитали, муносабатлар капитали ва ҳоказолар) буюртмачиларнинг муаммоларини тубдан янги тизимли даражада ҳал қилишга ўтказиш (1.4-расм).



1.4-расм. Корхонада инновацион ишланмаларга ёндашиш

“Пастдан” бўладиган ўзгаришлар, ўз навбатида, қуйидагиларга бўлинади:

– ривожланишнинг ҳал қилувчи чекловларини бартараф этишга эришиш ёки олиб ташлаш;

– тизимдаги тарқоқликни енгиш (асосий бўлақларнинг бир-бирига боғлиқлигини кучайтириш ёрдамида қўшимча синергетик самарага эришиш.

Барча кўрсатилган ўзгаришлар кўламли тавсифга эга ва компанияларнинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир ўтказади (ривожланишини жадаллаштиради).

Шундай қилиб, инновациянинг глобал рақобатдаги роли, компанияларнинг тўғри стратегияга асосланган ҳолда бозорда технологик устунликка эришишига имконият яратишидан иборат. Глобал рақобатда муваффақиятга эришиш, компания раҳбарларининг тўғри ишлаб чиқилган стратегияни изчил амалга оширишлари ва унинг устунлик омилларидан самарали фойдалана олишларига боғлиқ.

Демак, глобал иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши шароитида инновацион фаолият нафақат самара ва фойда олиш, балки компанияни рақобат бозорида усунликка эришишининг асоси бўлиб хизмат қилади.

1.2. Технологик модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини иқтисодий асослари ва назарий-услубий жиҳатлари

Бугунги кунда жамиятда ва иқтисодиётда инновацион жараёнларни ривожлантириш иқтисодий ўсиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. ХХІ аср тарихга инновация асри бўлиб кирди, бунда инновация, фан ва техниканинг бугунги кундаги янги технология, маҳсулот, ахборот ва коммуникация восталарида, техник ва ташкилий бошқаришнинг янги усулларида, янги хизмат турларида гавдаланган ютуғидир.

Инновациянинг назарий асослари А.Смит ва Д.Рикардолар томондан ишлаб чиқилган, инновацияни ривожлантириш ғояларига Й.Шумпетер ва Н.Д.Кондратьевлар катта ҳисса қўшганлар. Инновация фаолиятини тажрибада қўллаш ва унинг иқтисодиёт билан ўзаро бир-бирига таъсири Л.И.Абалкин, С.Ю.Глазьева, А.Э.Миндели, Ю.В.Яковец ва бошқалар томонидан таҳлил этилган¹⁷.

¹⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 36-37 бет.

Инновацион фаолият бозор муносабатларининг мустақил йўналиши сифатида XX асрнинг 10–20-йилларида ажралиб чиқди. Бу давр товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг технологик ва техник базаси вужудга келиши билан тавсифланади. Дунёда глобал умумжаҳон бозори вужудга келди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибида янги илмий тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг улуши ошиб борди. Техник жиҳозлар кўпгина моделларининг (радио-тележиҳозлар, ҳисоблаш машиналари, автомобиллар ва ҳ.к) ҳаёт даври қисқаради.

Инновацион жараёнларни ташкил этиш ва инновацияни ўзлаштириш – корхона фаолияти жараёнларининг барча томонларини янгилашни ифодалайди. У нафақат техник ёки технологик ишланмаларни, балки корxonанинг барча фаолиятининг томонларини яхши томонга ўзгаришини, шу билан бирга янгиликларни қўллаш ва самара олиш жараёнини ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда корхоналарда инновацион дастурнинг устувор йўналишларига: маҳсулотларнинг янгиларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, бозорнинг янги сегментларини ўзлаштириш, корхона рентабеллигини ошириш (шу билан бирга ҳар бир бўлимларида ҳам), мавжуд бўлган моддий ва илмий ресурслардан оптимал фойдаланиш ва бошқалар киради. Инновацион фаолиятнинг асосида илмий-техникавий билимларни техника ва фаннинг барча соҳаларида ривожлантириш, тарқатиш билан боғлиқ бўлган илмий-техникавий тараққиёт фаолияти ётади.

Инновацияларни асоси бўлган илмий-техник фаолият (ИТФ) атамаси ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро стандартларнинг фан ва техника статистикасидаги асосий категория ҳисобланади¹⁸. ЮНЕСКО тавсиясига биноан ИТФ статистик объекти сифатида унинг уч хил кўринишини қамраб олади:

а) илмий тадқиқотлар ва ишланмалар;

¹⁸ ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро стандартларнинг фан ва техника статистикасида асосий категория “илмий-техник фаолият”. ЮНЕСКО, Ҳалқаро стандартлар, 27.11.46-05. 15-бўлим, 47 б.

б) илмий-техника маълумоти ва кадрларни тайёрлаш; в) илмий-техника хизматлари.

Фикримизча корхонада инновацион жараён - илмий-техник тараққиётнинг микро даражада намоён бўлиши ҳисобланади.

1.1-жадвал

Нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарининг инновацион стратегияларини шакллантириш

Мақсади	Вазифалари	Инновация стратегиянинг моҳияти
Ишлаб чиқариш қўлами ўсиши		
– жуда тез ўсиш (йилига 20% дан ортиқ);	Жиддий қайта жиҳозлаш, кенгайтириш ёки янги қурилишни барпо этиш.	Янги жиҳозларни лойиҳалаш ва сотиб олиш. Янги маҳсулот турларини ва янги технология жараёнларини ишлаб чиқиш.
– жуда юқори (20%) ўсиш, юқори (10%) ўсиш;	Бозорга янги маҳсулотни чиқариш ва яратилган ҳамда татбиқ этилган қувватларни ўзлаштириш.	Ишлаб турган технологик жараёнларни такомиллаштириш ва маҳсулотларни янгилаш ҳамда кейинги даврлар учун илмий технология жараёнларини тайёрлаш.
– ўртача (5%) ўсиш, паст миқдорда (5% дан кам) ўсиш	Етуклик босқичида (ўсиш босқичининг охирида) бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш.	Маҳсулот таннархини камайтириш, уни яхшилаш ва янги маҳсулотларни бозорга чиқаришни тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқарувчи технологик жараёнларни мукамаллаштиришни таъминлаш.
Бозордаги улушни ошириш		
Рақобатчилардан афзалликка эга бўлиш асосида сотув ҳажмини ошириш	Ўзаро боғлиқ бўлган маҳсулотларни тайёрлаш. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш. Рақобатчиларни бозордан сиқиб чиқариш.	Ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш, рақобатчилар ишлаб чиқараётган маҳсулот тавсифларига нисбатан яхшироқ кўрсаткичли маҳсулотларни ишлаб чиқариш. Рақобатчиларнинг маҳсулотларига нисбатан маҳсулот харажатларини барқарор пасайтириб боровчи инновацияларни ишлаб чиқиш.
Бозордаги аҳволни мустаҳкамлаш		
Рақобат шароитида бозордаги мавқеини барқарорлаштириш	Маҳсулотнинг ҳаётий даврига амал қилиш. Маҳсулотларни бозорга ўз вақтида чиқариш. Маҳсулот таннархини паст даражада ушлаб туриш.	Юқори даражадаги маҳсулот ва технологияни яратиш. ИТТКИ белгилаган давр билан маҳсулот ҳаётий даврининг бир-бирига мос тушишини таъминлаш.
Янги бозорларни ўзлаштириш		
Инновацион маҳсулотлар ва хизматлар асосида бозорларни кенгайтириш	Бозор талабларини қониқтирувчи ҳар хил янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш. Турли масалаларни ҳал қилишга қодир бўлган мобил илмий-техник салоҳиятга эга бўлиш.	Турли хилдаги маҳсулот ва жараёнларни ишлаб чиқариш; маҳсулотни бозорга чиқаришни таъминловчи илмий-техник жараённи ривожлантириш.

Корхоналарни самарали фаоиятини шакллантиришда саноат корхона раҳбарлари инновацион соҳада стратегик режаларни бозор шароитида фирмаларнинг фаолияти учун асосий омил эканлигини тушуниб етдилар ва ички инвестицияларнинг айрим қисмини унинг ривожланиши учун йўналтирдилар (1.1-жадвал).

Корхонада инновациянинг ривожланишига қуйидагилар таъсир этади: илмий-техник салоҳият; моддий-техник база; кадрлар салоҳияти, ресурсларнинг асосий турлари; инвестициялар салмоғи; мавжуд бошқариш тизими. Ушбу омиллар ўртасидаги тўғри нисбат ва улардан тўғри фойдаланилганда, бошқариш тизими орқали инновация, ташкилотнинг ишлаб чиқариш ва маркетинг фаолиятлари ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик корхона инновацион ривожланишининг самарасини беради (1.5-расм).



1.5-расм. Корхонада инновацион ривожланишнинг самараси¹⁹

¹⁹ Муаллиф ишланмаси

Замонавий иқтисодий назарияларнинг деярли барчасида инновацион салоҳият инновациялар ривожланишининг манбаи сифатида тан олинган. Шунга кўра инновацион салоҳият нафақат алоҳида иқтисодий субъектнинг, балки бутун бир тизимнинг ҳам ривожланишини таъминловчи алоҳида асосий ўсиш манбаи ҳисобланади.

“Инновацион салоҳият” тушунчаси XX асрнинг 70 йиллари охиридан бошлаб фанга фаол кириб кела бошлади. У қатор олимларнинг услубий, назарий тадқиқотларида аниқлаштирилган ва ишлаб чиқилган. Бироқ, шу кунгача ҳам мазкур тушунчанинг дунёда умумқабул қилинган ягона таърифи ишлаб чиқилган эмас. Ҳар бир олим ёки мутахассис ўз давлатининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда инновацион салоҳиятни ўзига хос йўналишда талқин этади.

“Салоҳият” тушунчасининг турли хил талқинларини кўриб чиққан ҳолда, инновацион салоҳият таърифига тўхталамиз. “Салоҳият” тушунчаси латинча “*potentia*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “имконият, куч, кудрат” деган маъноларни билдиради. Катта иқтисодий луғатда “салоҳият” тушунчаси “мавжуд воситалар мажмуи”, “ҳар қандай соҳадаги имкониятлар, мавжуд манбалар, восита, захира” сифатида таърифланади²⁰. “Салоҳият” тушунчасининг юқорида келтирилган талқинларнинг умумий жиҳати сифатида муайян мақсадларга эришишда талаб қилинадиган, зарур бўлган баъзи воситалар мажмуининг, ниманидир амалга оширилишида қандайдир имкониятларнинг мавжудлигидан ташкил топган.

Корхонанинг ташкилий-иқтисодий ва технологик ҳаётининг цикли инновацион салоҳиятни баҳолашда, унинг самарадорлигини ва рақобатбардошлигини аниқлашда муҳим таркибий қисм сифатида қаралади ва мавжуд иқтисодий салоҳиятдан фойдаланилганлик натижаси, уни янада ривожлантириш асоси ҳисобланади.

²⁰ Борисов, А.Б. Большой экономический словарь / А.Б. Борисов. – М. :Книжный мир, 2003. С.428.

Иқтисодий адабиётларда кўрсатилишича, “инновацион салоҳият” атамаси биринчи марта К.Фримен томонидан қўлланилган. Олим салоҳиятни маълум бир шароитларда аниқ мақсадлар учун сафарбар қилишини маълум бўлган²¹.

Шунингдек, қатор муаллифлар иқтисодий-техник салоҳиятнинг “инновацион салоҳият” каби категория билан ўзаро алоқаларига турлича ёндашувлар асосида қарашади. Масалан, биринчи ёндашув намоёндаларида Б.Плыщевский, А.В. Тодосейчук, Ю.Лычкин ва А. Цыгичко каби МДХ олимлари иқтисодий салоҳиятнинг амалда мавжуд бўлган барча меҳнат, инвестицион, молиявий ресурслар сифатида талқин этишади²² ҳамда “салоҳият” тушунчасини мазмуни жиҳатдан “ресурслар”, “инвестиция”, “инвестицион ресурслар”, “иш билан бандлар сони” каби тушунчалар билан ўрнини алмаштиришади.

Ушбу талқинни иккинчи ёндашув намоёндаларида иқтисодий салоҳиятни миллий иқтисодиёт тармоқларининг барча имкониятлари сифатидаги талқини Л.И.Лопатникова, Л.П. Куракова, В.Н. Мосина ва Д.М. Крук иқтисодий салоҳиятни - “халқ хўжалигининг саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, капитал қурилишни амалга оширувчи, юк ташиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча имкониятлар” сифатида талқин этилади²³.

Учинчи ёндашув намоёндаларида “иқтисодий салоҳият” тушунчаси “иқтисодий куч” ва “халқ хўжалиги салоҳияти” тушунчалари билан бир хил,

²¹Freeman C.The National system of innovation historical perspectives. Camrige Journal of Economics, 1995.vol.19.№1

²²Горшков Р. К. Инновационно – ресурсный потенциал предприятия: вопросы теории и методологии. Монография / Р. К. Горшков. – М. : Экслибрис-Пресс, 2005. – 102 с.; Грибов В. Д. Инновационный менеджмент : учеб пособие / В. Д. Грибов, Л.П. Никитина. – М.: ИНФРА – М, 2000. – 2012. – 311 с.; Грошев, И.В. Проблемы оценки экономического потенциала предприятия: трудовой потенциал / И.В. Грошев, Е.М. Уланова // Вопросы оценки. – 2005. – №16.; Гунин В. Н. Управление инновациями : 17 - модульная программа для менеджеров «Управление развитием организации». /Под ред. В. Н.Гунина, В. П. Баранчеева, В. А. Устинова.М.: ЮНИТИ, 2000.С.328.; Дежкина И.П., Поташева Г.А. Инновационный потенциал хозяйственной системы и его оценка (методы формирования и оценки): Уч. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2012. – 122 с.

²³ Гершман М. А. Инновационный менеджмент / М.А. Гершман. М.: Маркет ДС, 2008. – 200 с.; Гилева Т. А. инновационный потенциал предприятия: структура, оценка, формирование / Т. А. Гилева, А. Р. Низаев // Актуальные вопросы управления в социальных и экономических системах: Межвузовский сборник научных трудов. Ч. II. – Уфа. УГАТУ. 2006. - С. 213-218. Глазьев С.Ю. Теория долгосрочного технико-экономического развития /С.Ю. Глазьев. М.: 1993. - 224с.; Голиченко О. Г. Российская инновационная система: проблемы развития /О.Г. Голиченко // ВЭ —№ 12. 2004.- С. 16-35.; Гончаров В.В. В поисках совершенства управления: руководство для высшего управленческого персонала /В.В. Гончаров. М.: Сувенир, 1993. - 83 с.

синоним деб қаралади²⁴. Бошқа бир муаллиф эса бунга қарама-қарши фикр билдириб “халқ хўжалиги” тушунчаси ўз навбатида “иқтисодиёт” тушунчасидан кенгроқ маъно касб этганлиги туфайли “халқ хўжалиги салоҳияти” категорияси “иқтисодий салоҳият” категориясига қараганда кенгроқ эканлиги таъкидлаб ўтилган²⁵.

Талқинни тўртинчи ёндашуви намоёндаларида эса, иқтисодий салоҳият хўжалик фаолияти субъектларининг ўзаро саноат ва иқтисодий муносабатларининг натижаси сифатида талқин қилинади. Л.С.Сосненконинг фикрича, иқтисодий салоҳиятга ижтимоий ва саноат тизимининг товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда уларнинг имкониятларидан тўлалигича фойдаланишига, саноат ва бошқарув алоқалари билан боғлиқ ҳолда қараш керак²⁶.

Тадақиқотлар кўрсатадики, “ресурслар” ва “салоҳият” тушунчалари илмий талқин ва моҳиятига нисбатан бир қатор фарқларга эга. Масалан, корхонада мавжуд ресурслар тизимининг ижтимоий-иқтисодий фаолияти субъектларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд, тизимнинг салоҳияти бўлса ижтимоий-иқтисодий фаолият субъектларидан ажралмасдир. Шунингдек, саноат корхоналарининг “салоҳият” категорияси кадрлар, моддий ва номоддий ресурслардан ташқари, ижтимоий-иқтисодий тизимнинг мавжуд ресурслар ёки воситалардан фойдаланган ҳолда юқори унумдорликка эришиш имкониятларидан, қобилият ва тайёргарликдан ташкил топади.

Саноат корхонасининг амалдаги салоҳияти асосан, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши ташкилий даражасида эришилган ва ишлаб чиқариш аппаратининг салоҳият имкониятларидан максимал фойдаланиш даражасида яратилган асосий фондлар мажмуи ва соҳаларнинг ялпи маҳсулоти қиймати ёки давлатнинг умумий ЯИМини тавсифлайди.

²⁴ Дежкина И.П., Поташева Г.А. Инновационный потенциал хозяйственной системы и его оценка (методы формирования и оценки): Учеб. пособие. – М.:ИНФРА-М, 2012. – 122 с.

²⁵ Дойль П. Менеджмент: Стратегия и тактика / Пер. с англ. под ред. Ю.Н. Каптуревского – СПб: Издательство «Питер», 1999.С.58.

²⁶ Дятлов С. А. Теория человеческого капитала : учеб. пособ. / С. А. Дятлов. –СПб. : СПбУЭФ, 1994. – 362 с.

Демак, юқоридаги фикрлар асосида айтишимиз мумкинки, инновацион салоҳият иқтисодий салоҳиятнинг энг муҳим қисмларидан бири саналади ва илмий адабиётларда инновацион салоҳият тушунчаси кенг тарқалган илмий-техник салоҳият тушунчаси билан ҳам бир қаторда қўлланилади.

Кенг маънода илмий-техник салоҳиятни, ушбу тизимнинг ривожланиш даражасини, ресурсларнинг сифат ва сонига боғлиқ ҳолда тавсифлайдиган, ушбу имкониятлардан амалиётда фойдаланишга мўлжалланган ғоя ва ишланмалар жамғармасининг мавжудлиги, иқтисодий тизимининг илмий-техник имкониятлари мажмуи сифатида белгиланади. Инновацияларни амалда жорий этиш жараёнида илмий-техник салоҳиятнинг қўлланилиши содир бўлади²⁷.

Шундай қилиб, илмий-техник салоҳият бир томондан давлатнинг фан ва техника тараққиёти (ФТТ) ютуқларидан объектив фойдаланишининг реал имкониятлари, бошқа томондан эса - унда бевосита иштирок этиши орқали тавсифланади. Демак, илмий салоҳият тушунчаси, илмий-техник салоҳият тушунчаси билан узвий боғлиқ. Илмий салоҳият эса- бу илмий-фундаментал ва фундаментал тадқиқотларни амалга оширишга йўналтирилган ресурслар ва шароитлар мажмуи. Илмий-техник салоҳият тушунчаси илмий адабиётларда - ўзида илмий-тадқиқот ишлари, турли лойихалар, тажриба конструкторлик ва техник ишларни қамраб олувчи амалий тадқиқот ишларини амалга ошириш шароитлари ва ресурслари мажмуи.

Илмий, илмий-техник ва инновацион салоҳиятлар ягона инновацион циклининг ўзаро боғлиқ ва бир-бирларини тўлдирувчи таркибий қисмлари ҳисобланади. Ушбу таркибий қисмлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва мантиқий кетма-кетликка эга бўлган ғоя пайдо бўлиши - фундаментал тадқиқотлар - амалий тадқиқотлар - тажриба конструкторлик ва техник ишланмалар - тажриба намунаси - саноат синовлари - ишлаб чиқаришда ўзлаштириш - серияли ишлаб чиқариш - тижоратлаштириш - маҳсулотни

²⁷ Махкамова М.А. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш масалалари. Монография. Т.: Aloqachi, 2012, 157б.

амалда қўллаш (машина, асбоб-ускуна, технологиялар) жараёнлари мажмуасини ташкил қилади. Ҳар қандай тизимнинг инновацион фаолияти унинг рентабеллигини, ривожланишини юқори суръатларда амалга ошишини ва рақобатбардошлигини таъминловчи асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Корхонанинг амалдаги салоҳиятини асосан, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши ташкилий даражасида эришилган ва ишлаб чиқариш аппаратининг салоҳият имкониятларидан максимал фойдаланиш даражасида яратилган асосий фондлар мажмуи ва соҳаларнинг ялпи маҳсулоти қиймати ёки давлатнинг умумий ЯИМини тавсифлайди²⁸.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, инновацион салоҳият иқтисодий салоҳиятнинг энг муҳим қисмларидан бири саналади ва илмий адабиётларда инновацион салоҳият тушунчаси кенг тарқалган илмий-техник салоҳият тушунчаси билан ҳам бир қаторда қўлланилади. Кенг маънода илмий-техник салоҳиятни, ушбу тизимнинг ривожланиш даражасини, ресурсларнинг сифат ва миқдorigа боғлиқ ҳолда тавсифлайдиган, ушбу имкониятлардан амалиётда фойдаланилишга мўлжалланган фоя ва ишланмалар жамғармасининг мавжудлиги, иқтисодий тизимининг илмий-техник имкониятлари мажмуи сифатида белгиланади. Инновацияларни амалда жорий этиш жараёнида илмий-техник салоҳиятнинг қўлланилиши содир бўлади.

Инновацион салоҳият тушунчаси турли ишланмалар ва тадқиқотларни амалга оширувчи ташкилотларнинг сони, фаолияти унумдорлиги, самарадорлиги, интеллектуал мулк объектлари, инновация соҳасидаги мутахассислар, олимлар, кадрлар сони, молиялаштириш ва моддий ишлаб чиқариш базаси, илмий ахборотлар, инновация ва инновацион фаолият

²⁸ Управление организацией: учебник / Под ред. А.Г.Поршнева, З.П.Румянцевой, И.А.Саломатина. - 2-е изд. перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2009.

ахборотлари, илмий мактаблар ва уларнинг миллий, дунё илм-фанида тутган ўрни кабиларни ўз ичига олувчи инновацион фаолият ресурсидир²⁹.

Диссертация ишида хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишларида инновацион салоҳият тушунчаларига берилган таърифлар ва ёндашувларни қиёсий ўрганиш асосида муаллиф ёндашуви ишлаб чиқилди (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

Турли олимлар томонидан “инновацион салоҳият” тушунчасига берилган таърифлар ва ёндашувлар³⁰

Муаллифлар	Таъриф
Казанцев А.К., Воронина Т.П., Молчанова О.П., Тихонова Е.А., Санто Б.И., Досумов Р.Я., Ивонина И.Э.	Корхонада инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий, молиявий, интеллектуал, илмий-техник ва бошқа ресурсларнинг йиғиндиси
Краюхин Г, Вальдайцев С.А., Канторович А.А., Черныш В.В., Тухлиев И.С., Шепелев В.М.	Корхона олдида турган илмий-техник ривожланиш муаммоларини ҳал қилишга мўлжалланган кадрлар, моддий-техник ва ахборот ресурсларининг йиғиндисидир
Коно Т., Лисин Б.К., Фридлянов В.Н., Рахимова Д.Н., Зайнутдинов Ш.Н.	Инновацияларни жорий қилиш ва янгиликларни киритишни таъминлаш бўйича илмий-техник, технологик, инфратузилмавий, молиявий, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий ва бошқа имкониятлардир
Бовин А.А., Чередникова Л.Е., Якимович В.Я. Менш С., Абдуллаев Б.Б., А.Ғозиев	Корхона ҳам ўзининг (ИТТКИ бўлимларида ўз кучи билан яратилган) ҳам бошқанинг (патент, лицензия, ноу-хау кўринишида сотиб олинган) лойиҳасини амалга оширишга тайёргарлик даражаси
Мазин А., Лисин Б.К., Фридлянов В.Н., Гунин В.Н., Баранчев В.П., Жиц Г.	Ишлаб чиқариш, бошқарув, маркетинг, молиявий ва бошқа фаолият соҳаларида инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш қобилияти
Голдман Й.Д., Кочетков С.В., Мазин А.А., Йўлдошев Н.К., Тешабаев Т.З., Рамазанов А.А.	Инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий, молиявий, ақлий, ахборот, илмий-техник ресурсларни олувчи турли хилдаги мажмуадир
Малхотра Н., Огарев Н.Ю., Алимова Г.А., Қодиров А.М., Мамаджанов Х.А.	Инновацион салоҳият мамлакат, тармоқ, корхонанинг техника ва технологияси янгиланиши, унда илмий-техниканинг ривожланиш даражасини, диверсификация сиёсатининг кучайишини англатади.
Горфинкель В.Я., Нурибегов Р.И., Рузиев Б.С., Шоназарова Г.Б.	Инновацион салоҳият тушунчаси кенг маънони англатиб, мамлакатда фан, иқтисодиёт, технология, тиббиёт, таълим ва бошқа соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиликларни ифодалайди.
Фатхутдинов А.И., Ильенкова С.Д., Умаров И.Ю., Саидқаримова С.С., Ш.Б.Облоқулова.	Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ташкил этувчи ва белгилувчи кўрсаткичларда, энг аввало, унинг инновацион ривожланиш индикаторлари асосий ҳисобланади. Инновацион ривожланиш индикаторлари иқтисодий, илмий ҳамда фаол инновацион фаолият соҳаларига бўлинган ҳолда ўрганилади.
Қаххоров А.Ж., Отажонов Ш.И., Алимова Н.А., Хонкелдиева Г.Ш., Шаробиддинов А.Г.	Корхонанинг инновацион салоҳияти—бу корхонанинг моддий-техник, кадрлар, илмий ва инновацион ғоялардан янгиликлар яратиши ва ўша янгиликларни амалиётга татбиқ этиш қобилиятини ифодаловчи хусусиятлар мажмуи ҳисобланади
С.С.Ғуломов, Махкамова М.А., Аллаева Г.Ж., Ибрагимова С.А., Гаибназарова З.Т.	Инновацион салоҳият – бу барча бозор муносабатлари иштирокчиларидан янги ғоя ва лойиҳаларни излаб топиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш, турли илмий-техника масалаларини ўз вақтида ечиш бўйича имкониятлар ва ресурслар.

²⁹ Управление организацией: учебник / Под ред. А.Г.Поршнева, З.П.Румянцевой, И.А.Саломатина. - 2-е изд. перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2009.

³⁰ Муаллиф томонидан тизимлаштирилган ва ишлаб чиқилган.

Бизнинг фикримизча ишлаб чиқариш жараёни хусусиятига кўра инновацион салоҳият - бу инновация яратувчи ёки истеъмол қилувчи субъектнинг янгиликларни яратиш ва ишлаб чиқиш, кашфиёт, ихтироларни, фойдали моделларни яратиш, самарали қўллаш ёки жорий этиш бўйича мавжуд барча интеллектуал, молиявий, кадрлар, ахборот, моддий-техник ва бошқа ресурслар ҳамда имкониятлари йиғиндисидир.

Фикримизча, инновацион салоҳиятни ташкил этувчи асосий таркибий қисмлар сифатида кадрлар салоҳияти, молиявий-иқтисодий, илмий-техник салоҳият, ишлаб чиқариш-технологик ва ташкилий-бошқарув салоҳиятидан иборат бўлиб, саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини ошириш учун уларни тизимли равишда такомиллаштириб бориш лозим.

Ишда муаллиф томонидан инновацион салоҳият қуйидагилар билан тавсифланиши тизимлаштирилди:

инновацион “қувват” - муайян ҳажмдаги инновацион фаолиятни амалга ошириш имконияти;

олим ва мутахассис кадрлар сони-фан соҳалари бўйича таркиби, малакавий таркиби;

моддий-техник базаси - илм-фан соҳалари бўйича иш жойлари билан жиҳозланганлиги, фойдаланиладиган ускуна, материал ва реактивларнинг тараққий этиш даражаси;

молиялаштириш - давлат, маҳаллий, хўжалик субъектларнинг буюртмалари, ўз маблағлари, бошқа манбалари;

илмий ахборот - илмий, шу жумладан чет эл адабиёти, халқаро ахборот тармоқларига киритиш;

илмий мактаблар - маҳаллий ва жаҳон илм-фанидаги ўрни ва роли;

интеллектуал мулк химояси - патентлар сони, фан соҳалари бўйича рўйхатга олиш ҳақидаги гувоҳнома, улардан фойдаланиш;

яқуний моддий ёки интеллектуал маҳсулотнинг чиқиши нуқтаи назаридан инновацион фаолиятни ташкил этиш бўйича замонавий шакллари.

Нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналар инновацион салоҳиятининг таҳлили унинг инновацион фаолияти муваффақиятини белгиловчи таркибий қисмлар бўйича амалга оширилиши мумкин. Умумий ҳолатда эса инновацион “қуввати”, кадрлар ҳолати, моддий-техник базаси, молиялаштириш, интеллектуал мулчилик объектларидан фойдаланиш кабилар таҳлил қилинади. Ҳар бир қайд этилган таркиблар ва ҳар бир ишлаб чиқариш хўжалик тизими инновацион салоҳиятнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, инновацион фаолиятни моддий-техник, илмий-техник, кадрлар таъминотининг қўп ёки кам аҳамиятлилиги эса барча санаб ўтилган унсурлар мавжуд бўлгандагина бутун тизимнинг инновацион салоҳияти тўғрисида гапириш мумкин.

Фикримизча, инновацион салоҳиятни юқоридагилар асосида баҳолаш нефт ва газ қазиб чиқариш корхонасини молиявий ва замонавий аҳволи асосида инновацион ривожланиш йўналишини ва имкониятларини тўғри баҳолаш имкониятини беради. Инновацион салоҳиятнинг бирон бир таркибий қисмининг йўқлиги ёки етишмаслиги, уни қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш зарурлигини тақозо этади. Саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини фақатгина уни таркибий қисмларини ривожлантириш орқалигина амалга ошириш мумкин. Шу сабабли, ҳар қандай корхона инновацион салоҳиятини ошириш учун унинг таркибий қисмларини ривожлантириши лозим. Чунки, корхона инновацион салоҳият даражаси муайян динамикада бўлиб, ундаги ўзгаришлар нафақат ўсишга, балки камайишга ҳам олиб келиши мумкин.

Инновацион жараёни рағбатлантиришнинг комплекс механизмини барпо этиш, жумладан, илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланувчиларга тегишли имтиёзлар белгилаш лозим. Давлат ресурсларнинг чекланганлигини ва устувор йўналишларни ҳисобга олган ҳолда илмий-техник тараққиётнинг фундаментал тадқиқотлардан бошлаб ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишгача бўлган бутун занжирини рағбатлантириши лозим.

Миллий иқтисодиётда бозор ислохотларини амалга ошириш шароитларида инновацион кўрсаткичлар энг муҳим рақобатли устунлик сифатига эга бўлади, таркибий нисбатларни инновацион йўналишда такомиллаштириш эса давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг мақсадли йўналишларидан бирига айланади. Буларнинг барчаси инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш учун керакли шарт-шароитларни яратиш, мақсадга йўналтирилган ва мувозанатлашган инновация сиёсатини ишлаб чиқиш заруратини белгилаб беради. Бундай инновацион сиёсатни амалга ошириш имконияти аввало мамлакатда юзага келган шарт-шароитлар ва омилларга мувофиқ иқтисодий стратегияни ва унинг инновацион таркибий қисмини ишлаб чиқишни кўзда тутати.

Инновация фаолияти билан яқиндан боғлиқ бўлган яна бир категория – бу инновацион салоҳият, инновацияларни амалга ошириш учун мўлжалланган кадр, моддий-техник, ахборот ва молиявий ресурсларнинг йиғиндисини белгилайди. Ҳар қандай иқтисодий объектнинг инновацион салоҳияти унинг фаолияти хусусиятлари ва миқёсига боғлиқ бўлади, ривожланиш даражаси эса корхонанинг реал инновацион имкониятларини тавсифлайди. Инновацион салоҳиятни сақлаш, самарали фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқариш учун тегишли хўжалик механизми шаклланган бўлиши лозим.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор инновацион тараққиётини таъминлаш нафақат тегишли миқдордаги илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларнинг мавжуд бўлишини, балки уларнинг амалда қўллашни рағбатлантиришни ҳам тақозо этади. Иқтисодиётнинг саноат ва илмий секторлари ўртасида алоқанинг суэтлиги, саноат корхоналарининг фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларини ўзлаштириш даражасининг пастлиги, илм-фан ютуқларидан фойдаланишда рағбатлантириш омилларининг етишмаслиги, инновацион ғояларнинг бозор эҳтиёжларига мувофиқ эмаслиги бугунги кунда саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятни рағбатлантиришда замонавий ва натижадор механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Фикримизча саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини баҳолашда куйидаги вазифаларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- саноат корхоналари инновацион салоҳиятини аниқлашда муаммоли вазиятларни ёритиб бериш, уни ташкил қилувчи таркибий қисмларини тўлиқ ва ҳар томонлама баҳолаш;

- корхона инновацион салоҳиятини баҳолашда унга таъсир ўтказувчи омиллар ва таркибий қисмларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш усулини танлаш;

- инновацион салоҳиятни баҳолаш жараёнини зарурий, ишончли ва аниқ ахборотлар билан таъминлаш;

- танланган усулга мувофиқ равишда корхона инновацион салоҳияти даражасини аниқлаш ва олинган олинган натижаларнинг таҳлил қилиш;

- инновацион салоҳият даражасини оширишни янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқиши.

Инновацион салоҳиятни баҳолашнинг асосий мақсади - корхонага бозорда ўз ўрнини мустақамлашга имкон берувчи инновацион стратегияни танлаш ва амалга ошириш ҳисобланади. Корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантириш усуллариининг ривожланишида баҳолаш кўрсаткичлари таркиби ва уларнинг мезон қийматларини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади.

Корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантириш усуллариининг ривожланишида баҳолаш кўрсаткичлари таркиби ва уларнинг мезон қийматларини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади. Баҳолаш кўрсаткичлари таркиби, корхона инновацион салоҳияти даражаси кейинчалик ҳам замонавий ва объектив қарорларни қабул қилиш мақсадида, инновацион салоҳиятнинг ҳолати ва уни ташкил қилувчи таркибий қисмлари ҳақида етарли маълумотлар билан таъминланиши зарур. Бу эса, саноат корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолашда унинг ташкил қилувчи таркибий қисмлари билан мос равишда тавсифловчи кўрсаткичларини тизимлаштириш зарурлигини тасдиқлайди. Бундай кўрсаткичлар мажмуи унинг қўлланилишида оддийлик ва

универсаллик талабларига жавоб бериши, лекин шу билан бир вақтда корхона инновацион фаолияти ва салоҳияти ҳақида тўлиқ ҳамда аниқ маълумот бериши лозим.

Бизнинг фикримизча, нефт ва газ саноати корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш учун инновацион циклнинг барча таркибий қисмлари ва бўғинларини шакллантириш ва рағбатлантириш зарур. Бундай йўналишларидан бири республика конларида сиқув компрессор станциялари ва газ ҳайдаш агрегатларини модернизациялаш шароитида амалга оширилаётган инновацион жараёнда бевосита иштирок этувчи субъектларнинг рағбатлантириш механизмларини яратишдир. Рағбатлантириш истиқболда ишлаб чиқариш, таълим ва фаннинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Ушбу соҳаларга етарли даражада молия маблағларини киритиш ҳисобига корхонанинг инновацион ривожланиши яхшиланади, улардан самарали фойдаланишда эса, унинг инновацион салоҳияти ошади. Буларнинг барчаси корхона фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Қуйидаги 1.3-жадвалда корхона инновацион салоҳиятини ташкил этувчи асосий таркибий қисмларидан кўринадикки, инновацион салоҳият ходимлар, молиявий-иқтисодий, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техник, ташкилий-бошқарув салоҳиятидан, инновацион фаоллик омилларидан ташкил топса, инновацион фаоллик инновацион тизимнинг асосий унсурлари – билим, технологиялар, АКТлардан самарали фойдаланиш имкониятлари, шунингдек барча янгиликларни жорий қилишга тайёрликни тавсифлайди.

Нефт ва газ саноати корхоналари инновацион салоҳиятини ўрганиш бўйича ўтказган тадқиқотларимиз натижасида биз инновацион салоҳиятни аниқлашда қуйидаги асосий ёндошувларни қайд этишимиз мумкин:

-инновацион фаолиятни амалга оширишга жалб қилиниши мумкин бўлган ресурслар мажмуи сифатида;

-инновацион фаолиятни амалга ошириш имконияти сифатида;

-инновацион фаолиятни амалга оширишга тайёрлик сифатида;

-инновацион фаолиятни амалга ошириш имконияти ва тайёргарлиги сифатида;

-инновацион фаолиятни амалга ошириш қобилияти сифатида.

1.3-жадвал

Нефт ва газ қазиб чиқариш корхонаси инновацион салоҳиятининг таркибий қисмлари³¹

Таркибий қисмлар	Таркибий қисмлар мазмуни
Корхонада фаолият олиб бораётган ходимлар салоҳияти	Илмий-техник ходимлар, асосий ва ёрдамчи ишчилар таркиби, ишчиларнинг малака даражаси, ходимларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими
Корхона молиявий-иқтисодий салоҳияти	Айланма маблағлар, молиявий ҳолат, молиявий барқарорлик, ликвидлик, фойдалилик, корхона рентабеллиги; бозордаги мавқеи, инновацияларнинг фойдалилиги, асосий капитал, ИТТКИга инвестициялар, молиялаштириш манбалари
Ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва технологик салоҳияти	Асосий фондлар, ишлаб чиқариш фондларининг ҳолати ва технологик даражаси, ишлаб чиқаришнинг замонавий инновацион ва ахборот технологиялари, илғор ускуналар, материаллар, лаборатория ва офис жиҳозлари
Илмий-тадқиқот ва илмий-техник салоҳият	Илмий тадқиқот ишлар, ИТТКИларни ўтказиш, ИТТКИлар натижаларини тижоратлаштириш даражаси, янги илмталаб ишланмаларни ишлаб чиқиш тажрибаси, интеллектуал мулк объектлари (рўйхатга олинган ва жорий қилиш босқичигача олиб борилган)
Ташкилий-бошқарув салоҳияти, корхона имиджи	Бошқарув ва ташкилий тузилма, инновацион инфратузилма, инновацион менежментнинг самарадорлиги, инновацияларни бошқаришнинг маркетинг стратегиялари, инновацияларни молиялаштиришни ташкил қилиш, интеллектуал мулк бўйича қонунчилик даражаси, интеллектуал мулкни бошқариш
Инновацион фаоллик омиллари, креативлик	Янгиликларга мойиллик, корхонанинг мулк шакли, ўлчамлари, тармоқ мансублиги, корхона ходимларининг инновацион фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилияти.

Бу ёндошувлар ўзаро таъсир кучига эга, инновацион фаолиятга, инновацион фаолиятни бажариш қобилиятига эга бўлиш бир қатор имкониятларнинг мавжудлиги бўлса, ўз навбатида бу инновацион салоҳиятни амалга оширишга имконият ва зарур бўлган тайёрлик даражасини таъминловчи муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Фикримизча, корхона инновацион салоҳиятини баҳолаш ва рағбатлантириш жараёнлари қуйидаги тамойилларга асосланган бўлиши лозим (1.4-жадвал):

³¹ Илмий адабиётларни тадқиқ этиш асосида муаллиф ишланмаси

Корхона инновацион салоҳиятини баҳолаш ва рағбатлантириш тамойиллари	
Мажмуавий	Инновацион салоҳиятни асосий жиҳатларини белгиловчи кўрсаткичларни кенг ва ҳар томонлама таҳлил этиш асосида рағбатлантириш
илмийлик	Инновацион салоҳиятни баҳолаш ва рағбатлантириш услубиятини замонавий ёндашувлар ва иқтисодий қонуниятлар асосида тадқиқ этиш
объективлик	Инновацион салоҳиятни баҳолаш ва рағбатлантириш усулларини аниқ ва ишончли маълумотлар билан таҳлил қилиш асосида ҳисоблаш
тизимлилик	Инновацион салоҳиятни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи кўрсаткичлар тизими сифатида баҳолаш
мақсадлилик	Инновацион салоҳиятни рағбатлантириш орқали аниқ мақсад ва келгуси режалар учун мослиги ва натижадорлиги
самарадорлик	Инновацион салоҳиятни рағбатлантириш орқали эришиши кутилган натижалар ва самарадорлигини таъминлаш
оптималлик	Инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг аниқ, тўғри ва оптимал кўрсаткичларидан фойдаланиш
устуворлик	Корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантиришда келгусида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш ва ишчи-ҳодимлар инновацион мойиллигини шакллантириш
демократлик	Корхона инновацион салоҳиятини баҳолашда очиқлик, шаффофлик ва ходимлар таклифи асосида ишончилигини таъминлаш

1.4-жадвал. Инновацион салоҳиятни баҳолаш ва рағбатлантириш тамойиллари³²

1.3. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва рағбатлантириш йўллари

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, янгиликлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бу нафақат корхона рақобатбардошлигини ошириш сари йўл, балки мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун рағбат ҳамдир. Ташкилотни ривожлантириш инновацион стратегияни шакллантириш масалаларига бағишланган иқтисодий адабиётлардаги илмий концепцияларни умумлаштириш шуни кўрсатадики, бу уларнинг рақобатдошлигини сезиларли даражада оширишга олиб келади, лекин бу ерда янгиликлар киритишга қаршилик кўрсатиш ўринга эга бўлади.

³² Муаллиф ишланмаси

Инновацион жараёни рағбатлантиришнинг комплекс механизмини барпо этиш, жумладан, илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланувчиларга тегишли имтиёзлар белгилаш лозим. Давлат ресурсларнинг чекланганлигини ва устувор йўналишларни ҳисобга олган ҳолда илмий-техник тараққиётнинг фундаментал тадқиқотлардан бошлаб ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишгача бўлган бутун занжирини рағбатлантириши лозим.

Миллий иқтисодиётда бозор ислохотларини амалга ошириш шароитларида инновацион кўрсаткичлар энг муҳим рақобатли устунлик сифатига эга бўлади, таркибий нисбатларни инновацион йўналишда такомиллаштириш эса давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг мақсадли йўналишларидан бирига айланади. Буларнинг барчаси инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш учун керакли шарт-шароитларни яратиш, мақсадга йўналтирилган ва мувозанатлашган инновация сиёсатини ишлаб чиқиш заруратини белгилаб беради. Бундай инновацион сиёсатни амалга ошириш имконияти аввало мамлакатда юзага келган шарт-шароитлар ва омилларга мувофиқ иқтисодий стратегияни ва унинг инновацион таркибий қисмини ишлаб чиқишни кўзда тутуди.

Ишда муаллиф томонидан инновацион салоҳиятни рағбатлантириш тушунчасига кенг қамровли ёндашув шакллантирилди, яъни инновацион салоҳиятни рағбатлантириш - бу инновацияни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъект ёки истеъмолчи томонидан янгиликни яратиш, сотиб олиш, ёки ўзлаштириш жараёнида ўзининг ички ва ташқи муҳитлари манфаатларини, унинг мақсадларига эришишни таъминлашга ундайдиган, рағбатлантирадиган ва эҳтиёжларни уйғотадиган рағбат кучларнинг фаоллаштирадиган жараёнидир. Рағбатлантириш усуллари эса - бу инновацион фаолиятни амалга оширувчи субъектларни янгиликни қўллашда мақсадли ҳаракатга келишга ундаш, рағбатлантириш омиллари ҳамда дастаклари йиғиндисидир. Шу муносабат билан, инновацион фаолликка ва sanoat корхоналари новаторлик фаолиятининг таъсири ташкилотларнинг

илмий ва технологик ўзгаришларни амалга оширишига ундайдиган рағбат ва сабабларни аниқламасдан амалга оширилмайди.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, мақсадларга эришиш ва инновацион соҳада муайян натижаларга эришиш учун корхонани зарур ўзгартиришлар киритишга рағбатлантириш зарур. Ўз навбатида, белгиланган вазифани ҳал қилиш "мотивация" ва "рағбат" атамаларини кўриб чиқишдан бошлаш лозим. Турли манбаларда мотивация шахсий мақсадлар ва ташкилот мақсадларига эришиш учун ўзини ва бошқаларни фаолият қилишга ундай жараёни сифатида талқин қилинади³³. Шубҳасиз, бундай нуқтаи назар корхона ёки ташкилотни мотивация қилиш жараёнининг моҳиятини, яъни алоҳида шахс (ходим) нинг мотивациясидан кўра мураккаброқ бўлган моҳиятини кўрсатмайди. Иқтисодий тизимнинг даражасига қараб, ушбу тизимлар доирасида инновацион ўзгаришларни ўтказишга ундайдиган турли хил мотивлар гуруҳлари ўринга эга бўлади.

Корхонанинг инновацион фаоллиги давлат структураларининг норматив ва қонунчилик ҳужжатлари пайдо бўлиши билан изоҳланади. Ушбу ҳолатда давлат томонидан белгиланадиган солиққа тортиш ставкалари, квоталар ва меъёрлар ўзгариши корхоналарни мос келувчи ўзгаришларни амалга оширишга мажбур қилади. Масалан, табиатни асраш билан боғлиқ қонунчиликнинг кучайтирилиши ўзгарган меъёрлар бажарилишини таъминлайдиган мос келувчи техник-технологик ўзгаришларга олиб келади. Учинчидан, миллий иқтисодиёт кўламида инновацион ўзгаришлар мотивацияси, шунингдек, корхоналар инновацион фаолиятини рағбатлантирадиган шароитлар яратиш. Бутун иқтисодиёт даражасида инновацион ўзгаришларга ундайдиган рағбатлар йиғиндисини ажратиб кўрсатиш жуда қийин, лекин, бизнингча, қуйидаги асосий рағбатларни ажратиб кўрсатиш мумкин, бу: технологик, ахборот, ишлаб чиқариш

³³Гамидов Г. С. Основы инноватики и инновационной деятельности / Г. С.Гамидов, В. Г. Колосов, Н. О. Османов. СПб.: Политехника, 2009. - 323 с.

жараёнлари, аграр маҳсулотлар ва саноат тармоқларини ривожланиши, озиқ-овқат ва ҳ.к. мустақилликларни таъминлашдир, шунингдек, бу миллий иқтисодиёт доирасида инновацион фаолиятга ҳам боғлиқ бўлади.

Замонавий шароитларда билимлар иқтисодиётининг шаклланиши иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омил бўлиб измат қилади. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, саноатдаги инновацион фаолият қанчалик жадал ва фаол бўлса, иқтисодий ривожланиш даражаси ва мос равишда, ҳам жорий, ҳам истиқболдаги муаммоларни ҳал қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган давлат бюджетининг даромадлар қисми даражаси шунчалик юқори бўлади. Кўриниб турибдики, инновацион ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишсиз ушбу муаммони ҳал этишни, айниқса, узок муддатли истиқболда амалга ошириш жуда қийин.

Таъкидлаш жоизки, инновацион фаолиятни барча даражаларда рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур, фақат шу ҳолатдагина инновацион фаолият соҳасида маълум бир натижаларга эришиш мумкин.

Ўзбекистонлик олима Г.Х.Разыкованинг тадқиқотларида қайд этишича: «Инновацияларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш технологик базани модернизация қилиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради»³⁴. Шубҳасиз, агар иқтисодиётда инновация жараёнлари учун қулай бўлган муҳит яратилган ва корхона даражасида инновацияларни рағбатлантириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмайдиган бўлса, унда ижобий натижаларни кутишдан ҳожат йўқ. Шунга қарамай, агар корхоналар ва корхона ходимлари асосий эътиборни инновацион фаолиятни амалга оширишга қаратган, лекин иқтисодиётда инновацион ўзгаришлар тарғиб қилувчи муносиб муҳит йўқ бўлса, натижада бир хил бўлади. Бошқача қилиб айтганда, биринчидан, бутун иқтисодиёт даражасида инновацион фаолиятни

³⁴ Г.Х.Разыкова. Эффективное развитие и стимулирование инновационных процессов. Монография. Т.: Молия.. 2012. – 210б.

рағбатлантириш бўйича мос келувчи чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган бўлиши керак; иккинчидан, корхона ёки ташкилот даражасида инновацион фаолликни рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича ишлар амалга оширилган бўлиши керак; учинчидан, менежерларнинг муайян ходимларни самарали ва натижалли инновацион фаолиятга мотивация қилиши лозим.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, иқтисодий тизимларни кўриб чиқиш даражаси бўйича таклиф этилган инновацион фаолият рағбатлар таснифи ягона эмас ва илмий адабиётларда ушбу масаланинг ечими бўйича бошқа нуқтаи назарлар ҳам мавжуд.

Хусусан, бир қатор тадқиқотчилар шуни кўрсатадики, инновацион корхоналар учун инновацияларга ундайдиган рағбатлар ички ва ташқи турларга бўлиниши мумкин³⁵. Турли даражаларда инновацион жараёнлар мотивацияларини кўриб чиқишга бундай ёндашув адолатли эканлигини қайд этиш лозим. Инновацион фаолликка ундовчи мотивлар объектив ва субъектив табиатга эга бўлган турларга бўлиниши мумкин. Маълумки, бундай бўлиниш нафақат мураккаб иқтисодий тизимларга, балки унинг инновацион фаолиятини кучайтириш унга нисбатан ташқи муҳитга ҳам, бундай фаолият билан шуғулланиш истагига ҳам боғлиқ бўлган хоҳиш-истагига нисбатан қўлланиши мумкин .

Инновацион ўзгаришларга ундовчи кучларни тадқиқ этишда инновацион фаолиятга таъсир этадиган омилларни айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Инновацион ўзгаришларни белгилаб берадиган омиллар ва рағбатларнинг ўзаро алоқалари ҳақида ҳам гапириб ўтиш лозим. Рағбатлар инновацион фаолиятни кўзгатади (ундайд), омиллар эса бусиз уни амалга ошириш қийин ёки имконсиз бўлган элементларни ифодалайди. Қуйидаги мисолни келтириб ўтиш мумкин бўлиб, хорижий компаниялар билан истеъмол товарлари бозорида кучли рақобат кўплаб маҳаллий компанияларни

³⁵ Ильенкова С. Д. Инновационный менеджмент: уч. пособ. / С. Д. Ильенкова, Л. М. Гохберг, С. Ю. Ягудин ; под. ред. С. Д. Ильенковой. – М. : банки и биржи, ЮНИТИ, 1997. – 327 с.

инновацион ўзгаришлар амалга оширишга ундайди (мотивация қилади), лекин молиявий ресурслар йўқлиги бу корхоналарнинг инновацион фаолият юритишини қийинлаштиради. Шу билан бир қаторда, кўплаб маҳаллий корхоналарда молиявий ресурслар етарли, лекин инновацион ўзгаришларни амалга ошириш учун, рақобат кураши кўринишида рағбатлар йўқ.

Шу муносабат билан, ташкилотларни илмий-технологик ўзгаришларни амалга оширишга мажбур қиладиган ундовчи мотивлар ва сабабларни аниқламасдан туриб, саноат корхоналарининг новаторлик фаолияти қизғинлиги ва инновацион фаоллигига таъсир этиб бўлмайди.

Инновацион фаолият мотивацияси - ишлаб чиқарувчини инновацияларни яратиш ва сотиш ёки уларни харид қилиш ва бизнес жараёнида фойдаланиш йўналишида фаол бўлишга ундаётган эҳтиёж ва рағбатлар тўпламини ифодалайди. Шунини ҳисобга олган ҳолда ишда уч турдаги рағбатлар мотивацияси ажратиб кўрсатилган:

- корхоналарнинг инновацион фаолияти ташқи муҳитини шакллантирадиган миллий иқтисодиёт даражасидаги инновацион ўзгаришлар мотивациясини бирлаштирадиган макродаража;

- иқтисодиётнинг тармоқлари ва секторлари даражасида инновацион фаолиятни мотивация қилишни, мезодаражани рақобатнинг ўсиш шароитида барқарор ривожланиш қобилияти сифатида белгилаш мумкин;

- корхона ва ходим даражасида инновацион фаолият мотивацияси, микродаража хўжалик фаолияти юритишнинг ташкилий-иқтисодий, ижтимоий, илмий-технологик, маркетинг ва бошқа воситаларидан самарали фойдаланиш ҳисобига таъминланадиган рақобатли бозор шароитларида фойдали хўжалик фаолиятини амалга ошириш қобилияти сифатида аниқланади.

Юқорида баён қилинган ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, биз саноат корхоналарининг инновацион фаоллик даражасидаги ўзгаришларни асослаб берадиган қуйидаги асосий сабабларини ажратиб кўрсатишни таклиф қиламиз:

- инновацион фаоллик даражасини ўзгартиришга хизмат қиладиган энг муҳим ундовчи рағбатлар товар бозорларида рақобатнинг ўсиш даражаси ҳисобланади. Тўғридан-тўғри пропорционал боғлиқлик кузатилади - рақобат даражаси қанчалик юқори бўлса, инновацияларни амалга оширишга интилиш шунчалик катта бўлади, ва аксинча, рақобат даражаси қанчалик паст бўлса, инновацияларни амалга оширишга интилиш даражаси шунчалик паст бўлади. Айнан рақобат товар ишлаб чиқарувчиларни рақобатчилар билан таққослаганда бозорда янада қулайроқ жой эгаллашни таъминлаш учун ўз фаолиятида маълум ўзгаришлар, инновациялар киритишга мажбур қилади. Бундай ҳолда, корхона рақобатли устунликни таъминлайдиган самарали инновацияларни амалга ошириш ва фаол инновацион фаолиятни амалга ошириш йўли билан бозорда етакчи ҳолатни эгаллашга интилади;

- инновацион фаолликни асослаб берадиган бошқа бир муҳим сабаб корхона ва ташкилотларнинг юқори фойда меёри олишга интилиш ҳисобланади. Инновациялар инновацион фаолият натижаси сифатида уларни амалга ошириш ташаббусчиси бўлган корхоналарга бозорда вақтинчалик монопол ҳолат эгаллашга имкон беради (бошқа корхоналар шунга ўхшаш инновацияни амалга ошириш вақтига қадар), яъни нархларни тартибга солиш ва оқибатда, қўшимча фойда олиш имконияти пайдо бўлади;

- инновацион фаолият ва уни амалга ошириш натижасида олинадиган натижа корхона фаолияти кўламини оширишга хизмат қиладиган асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Айнан маҳсулот-инновациялар ишлаб чиқарувчилар учун товар бозорларида янги «ниша»лар, янги фаолият соҳалари очиб беради. Шу билан бирга, бу ҳолатда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши фақат янги ташкил этилаётган бозор миқдори билан чегараланган бўлиб, корхонанинг ўсиши рақобатчилар томонидан қаршиликка дуч келмайди.

Шу билан бир пайтда, жараён-инновациялар мавжуд маҳсулотларга уларнинг истемол жалб этувчанлигини оширишни таъминлайдиган тавсифномаларни беришга имкон беради (нархни пасайтириш, сифатни

яхшилаш, янги истеъмол хусусиятлари ва бошқалар) бу эса, сотув ҳажмини, демак, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга имкон беради, яъни корхонанинг фаолият кўлами, демак, олинadиган фойда миқдори ўзгаради.

Маҳаллий ва хорижий олимларнинг тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида инновацион фаолият мотивлари таснифи ишлаб чиқилди (1.5-жадвал).

1.5-жадвал

Саноат корхоналарида инновацион фаолият рағбатларининг таснифи³⁶

Рағбатланиш турлари	Рағбатланиш турининг тавсифи
Замонавий бозор рағбатлари	-рақобатнинг ўсиши; -ташки сотув бозорларида улушнинг камайиши; -маҳсулот сифатининг етарли даражада эмаслиги.
Иқтисодий -ташкилий рағбат усуллари	-ишлаб чиқаришнинг энергия сифими; -маҳсулот рентабеллигининг пастлиги; -ишлаб чиқариш харажатлари юқорилиги; -маҳсулотнинг материал сифими юқорилиги; -ўзининг молиявий ресурслари етарли эмаслиги; -валюта курсининг ўзгариши; -хом ашё ва материаллар нархининг ўзгариши.
Ижтимоий -психологик рағбатлар	-кадрлар қўнимсизлиги; -оғир меҳнат шароитлари; -меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси етарли эмаслиги.
Техник-технологик рағбатлар	-инновацион технологиялар мавжудлиги; -илғор ускуналар мавжудлиги; -замонавий ахборот тизимлари ишлаб чиқиш; -маҳсулот ассортиментини кенгайтириш имконияти.
Табийий-экологик рағбатлар	-тозалаш қурилмалари киритиш; -заҳарлантирувчи моддалар чиқаришни қисқартириш; -меҳнат шароитларини яхшилаш.

Кўриниб турибдики, турли даражада кўриб чиқишда иқтисодий тизимларга инновацион ўзгаришларга тўсқинлик қиладиган ва рағбатлантирадиган турли омиллар гуруҳлари таъсир этади. Инновациялар корхоналар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилаётгани, давлат эса иқтисодиётга нисбатан фақатгина уларни амалга ошириш учун шарт-шароит яратишини ҳисобга олиб, бу ишда биз корхона ва алоҳида ходим даражасида инновацион соҳага таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиш билан чекланамиз.

³⁶ Муаллиф томонидан адабиёт манбаларини умумлаштири асосида тузилган

Чет эл олимларининг тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш асосида корхоналарнинг инновацион фаолиятига тўсқинлик қилувчи ва осонлаштирадиган қуйидаги омиллар йиғиндисини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу жадвалнинг ижобий томони сифатида инновация соҳасига таъсир кўрсатадиган омилларнинг кенг доираси эътиборга олинishi, салбий томон сифатида эса кўриб чиқилаётган иқтисодий тизим даражасига қараб юқорида айтиб ўтилган омилларнинг бўлиниши мавжуд эмаслигини кўрсатиш мумкин.

Е.В.Гончарованинг фикрига кўра, корхонанинг инновацион фаоллигини кучайтириш янгиликлар ишлаб чиқиш ва жорий қилишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ (1.6-жадвал).

Ушбу масалани ёритишда турли муаллифлар саноат корхоналарининг инновацион фаоллигига ва амалга оширилаётган инновацион лойиҳаларга таъсир этадиган турли муаммолар ва омилларни ажратиб кўрсатади, бу эса ушбу фаолиятнинг самарали мотивация тизимларини барпо этиш учун асос бўлиши лозим.

Кадрлар салоҳиятини кучайтириш тизимини такомиллаштириш, мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, катта меҳнат стажига эга бўлган ходимларни қайта тайёрлаш, шунингдек, бозор иқтисодиёти қонунларини биладиган ва мавжуд вазиятда яхши йўл топа биладиган янги авлод кадрлари тайёрлашни такомиллаштириш зарур.

Корхонада кадрлар ресурсларини баҳолашни жорий қилиш ходимларнинг таркибида сифат ўзгаришига эришишга, ишчи кучидан фойдаланишда мослашувчанликни оширишга ва саноат корхоналарида инновацион фаолиятни кучайтиришга, шу жумладан, иш ўринларини алмаштириш ҳисобига имкон беради. Кадрлар салоҳиятини баҳолаш энг инновацион фаол ходимларни аниқлашга, шунингдек, ҳар бир ходимнинг инновацион фаоллиқни ошириш, самарадорлик, унумдорлик ва сифат кўрсаткичларини бажаришга кўшадиган ҳиссасидан келиб чиқиб, ҳар бир ходимга бериладиган мукофотлар миқдорини ҳисоблаш имконини беради.

**Корхоналар инновацион фаолиятини рағбатлантириш
натижалари ва кўрсаткичлари³⁷**

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ	
Корхонанинг юқори инновацион салоҳияти	Инновацион инфратузилма ривожланиши
Рақобатнинг ривожланиши	Ходимларни мотивация қилиш самарали тизими
Сотув бозорлари ва янги технологиялар ҳақида ахборот	Бошқарув ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражаси юқори
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ	
Сон кўрсаткичлари	Сифат кўрсаткичлари
<ul style="list-style-type: none"> -инновацион фаолиятни кучайтириш бўйича гуруҳлар яратиш харажатлари; -инновацион ғоялар ва ишланмаларни ривожлантириш фондлари мавжудлиги; -инновацион фаолиятни кучайтириш жараёни узунлиги; -маҳсулот портфелини янгилаш динамикаси кўрсаткичлари; -яратилган янги технологиялар сони; -тақдим этилаётган янги хизматлар ҳажми; -тадқиқотчилик, ишлаб чиқиш ва бошқа илмий-техник структурали бўлинмалар миқдори ва таркиби; -инновацион фаолиятни кучайтириш жараёнида банд бўлган ходимлар сони; -инновацион фаолиятни кучайтириш бўйича гуруҳлар сони ва таркиби; -инновацион фаолиятни кучайтириш билан боғлиқ жараёнларни бажариш вақти; -инновацияларни жорий қилиш учун етарли техник жиҳозланган корхона бўлинмалари сони; -корхона бўлинмаларининг инновациялар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича фаолиятни камраб олиш коэффициенти 	<ul style="list-style-type: none"> -ходимлар ижтимоий ҳолатига инновацион фаолиятни кучайтириш таъсирининг характери; -инновацион фаолиятни кучайтиришнинг кадрятлар тизими, ижтимоий, маданий ва эстетик мезонларга мувофиқлиги; -корхонани ривожлантириш стратегик жиҳатидан инновацион фаолиятни кучайтириш жараёни барқарорлиги; -инновацион фаолиятни кучайтириш ва ривожлантириш қобилияти; -инновацион фаолиятни кучайтиришнинг бошқарилувчанлик даражаси; -ходимларни инновацион фаолиятни кучайтириш жараёнига жалб қилиш даражаси; -корхона ходимларининг инновацион фаолиятни кучайтиришдан манфаатдорлик даражаси; -ходимларнинг олинган инновацион фаолиятни кучайтириш натижаларидан қониққанлик даражаси; -инновацион фаолиятни кучайтиришда замонавий экология талабларини ҳисобга олиш даражаси
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ НАТИЖАЛАРИ	
Корхоналарни динамик ташки муҳитга мослаштириш	Ишлаб чиқариш ва ташкилий структуралар тезкорлиги
Рақобатбардошликни ошириш	Корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш

Шундай қилиб, корхоналар инновацион фаолиятига таъсир этиш механизмини йўлга қўйиш учун, биринчидан, корхоналар инновацион

³⁷ Манба: Гончарова Е.В. маълумотлари асосида [3.4.,с.18]

фаоллигига фаол таъсир этадиган асосий омиллар рўйхатини аниқлаш, иккинчидан, уларнинг ўзгариши корхоналар инновацион фаоллигига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш, учинчидан, инновацион соҳада зарур натижалар қўлга киритиш мақсадида у ёки бу омилнинг таъсирини ўзгартиришга имкон берадиган чора-тадбирлар рўхатини тузиш зарур.

Бизнинг фикримизча, нефт ва газ саноати корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш учун инновацион циклнинг барча таркибий қисмлари ва бўғинларини шакллантириш ва рағбатлантириш зарур. Бундай йўналишларидан бири республика конларида сиқув компрессор станциялари ва газ ҳайдаш агрегатларини модернизациялаш шароитида амалга оширилаётган инновацион жараёнда бевосита иштирок этувчи субъектларнинг рағбатлантириш механизмларини яратишдир. Рағбатлантириш истиқболда ишлаб чиқариш, таълим ва фаннинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Ушбу соҳаларга етарли даражада молия маблағларини киритиш ҳисобига корхонанинг инновацион ривожланиши яхшиланади, улардан самарали фойдаланишда эса, унинг инновацион салоҳияти ошади. Буларнинг барчаси корхона фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда республика конларида сиқув компрессор станциялари, газни ҳайдаш агрегатлари, газни бирламчи тайёрлаш ва нефт тайёрлаш қурилмаларини эскирганлиги, уларни модернизациялашда янгиликларни қўллаш ва киритиш зарурати инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва рағбатлантириш заруратини келтириб чиқаради.

1-боб бўйича хулосалар

Давлат стратегиясининг стратегик моҳияти компанияларнинг инновацион фаолияти асосида шаклланади, унинг мазмуни янги товарларни ишлаб чиқариш ва бозорга олиб чиқиш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги билимларни яратиш ва уларни қўллашдан иборат бўлади.

Ҳозирги вақтда инновация соҳасидаги жаҳон тажрибаси, муваффақиятли равишда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг турли тармоқларига татбиқ этилмоқда ва у мамлакат салоҳиятининг тизимли ҳолда ривожланишининг кафолати ҳисобланади. Шу билан бирга республика олимлари томонидан, янги соҳа бўлган инновацион фаолиятнинг илмий асослари ишлаб чиқилмоқда ва саноат, ишлаб чиқариш ва миллий иқтисодиётимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли тармоқларга жорий этилмоқда. Ушбу ишланмалар бошқариш тизимининг сифатини кўтаради, тубдан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бозорни сифатли товарлар билан тўйинтиришга хизмат қилади.

Инновациянинг бугунги глобал рақобатдаги роли, компанияларнинг тўғри стратегияга асосланган ҳолда бозорда технологик устунликка эришишига имконият яратишдан иборат. Глобал рақобатда муваффақиятга эришиш, компания раҳбарларининг тўғри ишлаб чиқилган стратегияни изчил амалга оширишлари ва унинг устунлик омилларидан самарали фойдалана олишларига боғлиқ. Демак, глобал иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши шароитида инновацион фаолият нафақат самара ва фойда олиш, балки компанияни рақобат бозорида усунликка эришишининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Корхонанинг ташкилий-иқтисодий ва технологик ҳаётий цикли инновацион салоҳиятни баҳолашда, унинг самарадорлигини ва рақобатбардошлигини аниқлашда муҳим таркибий қисм сифатида қаралади ва мавжуд иқтисодий салоҳиятдан фойдаланилганлик натижаси, уни янада ривожлантириш асоси ҳисобланади.

Диссертация ишида маҳаллий ва хорижий олимларнинг иқтисодий-техник салоҳиятнинг “инновацион салоҳият” каби категория билан ўзаро

алоқаларига турлича ёндашувлари тўрт асосий йўналишлар бўйича таҳлил қилинди.

Муаллифнинг илгари сурган таърифга кўра - ишлаб чиқариш жараёни хусусиятига кўра инновацион салоҳият - бу инновация яратувчи ёки истеъмол қилувчи субъектнинг янги ишланмаларни ишлаб чиқиш, кашфиёт, ихтироларни, фойдали моделларни яратиш, уларни самарали қўллаш ёки жорий этиш бўйича мавжуд барча интеллектуал, молиявий, кадрлар, ахборот, моддий-техник ва бошқа ресурслар, ҳамда имкониятлари йиғиндиси.

Инновацион салоҳиятни баҳолашнинг асосий мақсади - корхонага бозорда ўз ўрнини мустақамлашга имкон берувчи инновацион стратегияни танлаш ва амалга ошириш ҳисобланади. Корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантириш усуллари ривожланишида баҳолаш кўрсаткичлари таркиби ва уларнинг мезон қийматларини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади.

Ишда муаллиф томонидан инновацион салоҳиятни рағбатлантириш тушунчасига кенг қамровли ёндашув шакллантирилди, яъни инновацион салоҳиятни рағбатлантириш - бу инновацияни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъект ёки истеъмолчи томонидан янгиликни яратиш, сотиб олиш, ёки ўзлаштириш жараёнида ўзининг ички ва ташқи муҳитлари манфаатларини, унинг мақсадларига эришишни таъминлашга ундайдиган, рағбатлантирадиган ва эҳтиёжларни уйғотадиган рағбат кучларнинг фаоллаштирадиган жараёнидир. Рағбатлантириш усуллари эса - бу инновацион фаолиятни амалга оширувчи субъектларни янгиликни қўллашда мақсадли ҳаракатга келишга ундаш, рағбатлантириш омиллари ҳамда дастаклари йиғиндиси.

Бизнинг фикримизча, нефт ва газ саноати корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш учун инновацион циклни барча таркибий қисмлари ва бўғинларини шакллантириш ва рағбатлантириш зарур. Бундай йўналишларидан бири республика конларида сиқув компрессор станциялари ва газ ҳайдаш агрегатларини модернизациялаш шароитида амалга

оширилаётган инновацион жараёнда бевосита иштирок этувчи субъектларнинг рағбатлантириш механизмларини яратишдир. Рағбатлантириш истиқболда ишлаб чиқариш, таълим ва фаннинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Ушбу соҳаларга етарли даражада молия маблағларини киритиш ҳисобига корxonанинг инновацион ривожланиши яхшиланади, улардан самарали фойдаланишда эса, унинг инновацион салоҳияти ошади. Буларнинг барчаси корхона фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда республика конларида сиқув компрессор станциялари, газни ҳайдаш агрегатлари, газни бирламчи тайёрлаш ва нефт тайёрлаш қурилмаларини эскирганлиги, уларни модернизациялашда янгиликларни қўллаш ва киритиш зарурати инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва рағбатлантириш заруратини келтириб чиқаради.

Корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантириш усулларининг ривожланишида баҳолаш кўрсаткичлари таркиби ва уларнинг мезон қийматларини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади. Баҳолаш кўрсаткичлари таркиби, корхона инновацион салоҳияти даражаси кейинчалик ҳам замонавий ва объектив қарорларни қабул қилиш мақсадида, инновацион салоҳиятнинг ҳолати ва уни ташкил қилувчи таркибий қисмлари ҳақида етарли маълумотлар билан таъминланиши зарур. Бу эса, саноат корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолашда унинг ташкил қилувчи таркибий қисмлари билан мос равишда тавсифловчи кўрсаткичларини тизимлаштириш зарурлигини тасдиқлайди. Бундай кўрсаткичлар мажмуи унинг қўлланилишида оддийлик ва универсаллик талабларига жавоб бериши, лекин шу билан бир вақтда корхона инновацион фаолияти ва салоҳияти ҳақида тўлиқ ҳамда аниқ маълумот бериши лозим.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ ВА ГАЗ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

2.1. Республика нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари ривожланишининг иқтисодий-ижтимоий ҳолатининг таҳлили (ретроспектив таҳлил)

Ўзбекистон заминида нефт борлиги ҳақидаги маълумотларнинг илдизи узоқ тарихга бориб тақалади. Шу сабабли, Туркистон ўлкасини эгаллаб олгандан кейин чор Россияси биринчи навбатда олтин, кўмир ва нефт каби ер ости бойликларига эътибор қаратди. Муҳим вазифалардан бири бутун Фарғона водийсининг тоғ олди зонасида кун бўйи етиб келадиган нефт манбааларини кенг ишлатиш бўйича ишларни олиб бориш эди. 10-12 йил давомида 200 дан ортиқ нефт манбаалари рўйхатга олинган. Ўзбекистонда нефтни қидириш ишлари 1883-1884 йилларда бошланиб, Фарғона водийсининг Қамиш-Боши трактидаги Лякан шохобчасида, ер юзидаги нефт чиқиндиларидан шарқда тўртта кудук 19 дан 36 гача чуқурликда қўл меҳнати билан бурғиланган. 1885 йилда Шорес ҳудудида 35-40 м чуқурликда иккита кудук қазилган, ундан қўлда тортиш йўли билан кунига 0,4 тоннадан ортиқ нефт қазиб олинган. Нефт бу ерда кичик ибтидоий заводда керосинга қайта ишланган. Шундай қилиб, 1885 йил Ўзбекистондаги биринчи (аммо саноат эмас) нефт ишлаб чиқаришни ташкил этиш йили ҳисобланади. Шу вақтдан бошлаб нефт бизнесини босқичма-босқич иқтисодий модернизация қилиш бошланди. 1904 йилда Чимион конида биринчи нефт кони ташкил қилинди ва бу Ўзбекистонда нефт саноатининг ривожланишига асос яратди. Бинобарин, 1904 йил Ўзбекистонда нефт саноатининг ташкил топган ва туғилган йили. 1904 йилда қурилиш бошланди ва 1906 йилда Ванновская станциясида (ҳозирги Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи) биринчи нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Иккинчи кичик нефтни қайта ишлаш заводи, керосин

кувури ва мазут қувури (18 км) Мелниково станциягача бўлган 1915 йилда САНТО томонидан қурилган.

Республика ҳудуди Чор Россиясининг таркибига кирган даврда республика нефт ва газ саноати, шунингдек собиқ ССРИ таркибидаги иттифок республикаси сифатида Москвадан чиқарилган қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бошқарилди ва ривожлантирилди. 30-йилларнинг бошларида республикада разведка ишлари жадаллашди ва Бутуниттифок илмий-тадқиқот геологик қидирув институти (БИТГҚИ) нинг геологик қидирув экспедицияси ташкил этилди. 1885 йилдан 1940 йилгача бўлган барча даврда республикада амалга оширилган ишлар комплекси натижасида атиги 2675,7 минг тонна ёқилғи ишлаб чиқарилган ва йилига ушбу кўрсаткич ўртача 46,1 минг тонна стандарт ёқилғига тўғри келади. 1941-1945 йилларда Ўзбекистонда нефт ва газ саноатининг ривожланиши давом этди. Геологик қидирув ишлари жадаллаштирилганлиги сабабли Полвонтош, Жанубий Олмалик ва Лалмикор конлари топилди. Уруш йиллари нефт саноатининг ривожланиш тарихидаги муҳим саҳифа бўлди. Умуман олганда, 1941-1945 йилларда 1770,6 минг тонна стандарт ёқилғини ишлаб чиқарган ва ўртача йиллик ишлаб чиқариш 354,1 минг тоннани ташкил этган. Урушдан кейинги биринчи беш йиллик режа асосида саноатнинг янги тармоғи - табиий газни ривожлантириш кўзда тутилган эди.

1950 йилда табиий газ ишлаб чиқаришни 8,4 миллион м³ га етказиш режалаштирилган эди. 1946 йилдан 1950 йилгача бўлган даврда нефт қазиб олишнинг интенсив ўсиши давом этди ва бу бурғилаш ишларининг кескин ўсиши ва кўп сонли истиқболли майдонларни қидирув ишларига жалб қилинишига сабабчи бўлди. Ўзбекистонда нефт қазиб олиш асосан Фарғона водийсидан олинган нефт ҳисобига ошди. Кенг жабҳада жойлаштирилган геофизик ишлар ва конструктив қидирув бурғулаш мослама ва параметрли чуқур кудуқларни бурғилаш билан биргаликда Ўзбекистоннинг фойдали қазилмалари бойлигини ишончли аниқлашга имкон берди. Углеводород конларини қидириш республика ҳудуди нефтчилари ва янги ташкил этилган

геологик хизмат ўртасида тақсимланди. Асосан Устюрт платосида, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида Республика Бош Геология Бошқармасининг бўлинмалари ишлаган, Фарғона водийси ва Сурхондарё ҳудудларидаги конларни ишлатиш пайтида кидирув ишлари конларни қазиб олиш тоғ-кон саноати томонидан амалга оширилган.

1953 йилда Сеталантепа майдонида "М1.13ХНП" конструкциясидан бирида очик газли фаввора қабул қилинди ва у Бухоро вилоятининг бошқа ҳудудларида чуқур разведка бурғулашини жойлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилди. 1956 йилда Жарқоқ, Саритош, Гашқудуқ ва ноёб газ конлари топилди, бу Ўзбекистонда газ саноатининг шаклланишига асос яратди.

1958 йилда Фарғонада янги нефтни қайта ишлаш заводи қурилди. Завод учун хом ашё, Ўзбекистондан ташқари, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Россиядан етказиб берилди. Когон гуруҳининг газ захираларида (Жарқоқ, Саритош, Қоровул-Бозор) 1959 йилда 500 мм диаметрли Жарқоқ-Тошкент газ қувури қурилиб, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларига газ етказиб берилди ва Газли конининг улкан газ захираларидан фойдаланиш учун 2000 км узунликдаги ва 1020 мм диаметрли Газли-Урал қувур газ линияси ётқизилди.

1965 йилдан бошлаб Қашқадарё вилоятида очилган (Ўртабулоқ, Денгизқўл, Хаузак, Зеварди, Култак, Памук, Алан, Қорақум, Сомонтепа, Шимолий ва Жанубий Муборак, Умид, Янги ва бошқа) янги конлар қазиб олинмоқда. Бугунги кунда республикада ишлаб чиқарилаётган углеводородларнинг асосий қисми Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Газли конидаги олтингугурт газ захираларининг босқичма-босқич камайиши ва шу муносабат билан кам олтингугуртли ва юқори олтингугуртли газларни ишлаб чиқаришни тезкор ташкил этилиши табиий олтингугуртдан тозалаш учун табиий газни қайта ишлаш заводини қуришни тақозо этди. Шундай қилиб, 1972 йилда Муборак газни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилди ва бу Ўзбекистонда газ-кимё саноатига асос солиди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунларидан соҳа учун янги ҳаёт бошланди. Ўша пайтдан бошлаб нефт ва газ саноатининг ривожланишида янги давр бошланади. Мамлакат раҳбарияти саноатни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб, нефт ва газ ресурсларини бошқаришни ўз зиммасига олди. 1992 йилда илгари Иттифок вазирликлари ва идораларига бўйсунган корхоналар негизда "Ўзбекнефтгаз" Ўзбекистон нефт ва газ саноатининг давлат концерни ташкил этилди. Концерн кўп йўналишли корхоналарни бир қилиб тўплашда, умумий мақсадга эришиш учун ўз фаолиятини ташкил қилишда, куч ва воситаларини бирлаштиришда муҳим рол ўйнади.

Мамлакат раҳбарияти томонидан нефт-газ саноатини ривожлантириш ва унинг бозор иқтисодиёти релслари бўйлаб фаолият йўналишини белгилаш бўйича қўйилган вазифалар корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни тезлаштириш ва муҳим лойиҳаларни амалга ошириш учун чет эл инвестицияларини жалб қилишни талаб қилди. Шу мақсадда 1993 йил бошида "Ўзбекнефтгаз" концерни "Ўзбекнефтгаз" миллий корпорациясига (МК) айлантирилди, ишлаб чиқариш бирлашмалари ўрнига давлат акциядорлик бирлашмалари тузилди ва корхоналар режалаштирилган жадвал асосида хусусийлаштирила бошланди. "Ўзбекнефтгаз" МК хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва фойдали қазилма бойликларини қидириш учун янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш (янги геофизик ускуналар, бурғулаш ускуналарини сотиб олиш), нефт ва газ қазиб олиш (янги конларни ишга тушириш, Кўкдумалокда компрессор станцияларини қуриш ва бошқалар) бўйича кўплаб ишларни амалга оширди. Табиий газни ташиш ва сақлаш (газ қувурлари, ер ости омборларини қуриш), нефт ва газни қайта ишлаш (Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш), суюлтирилган газ ишлаб чиқариш (Шўртан шаҳридаги ЎБХК). Республикада нефт ва конденсат қазиб олишнинг энг катта ҳажмига Миллий корпорация томонидан юқорида қайд этилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш туфайли эришилди. Бозор иқтисодиётини

янада чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни интенсив жалб қилиш ва саноат корхоналарини корпоратив бошқаришни ташкил этиш мақсадида 1998 йил декабр ойида "Ўзбекнефтгаз" миллий корпорацияси асосида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси уч даражали вертикал интеграл бошқарув тизимига асос солинди. Кейинчалик ушбу холдинг компаниясининг бошқарув ташкилоти бироз яхшиланди. Чет эл инвестициялари ҳисобига "Ўзбекнефтегаз" МХК ер ости бойликларини геологик тадқиқ қилиш, янги конларни топиш ва углеводород захираларини кўпайтириш, табиий газ, нефтни қайта ишлаш, газ кимёси ишлаб чиқариш, ташиш ва сақлаш учун янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш бўйича ишларни давом эттирди ва янада ривожлантирди. Тезлаштирилган суръатларда Кўкдумалоқ, Алан, Ўрда, Жанубий тандир ва бошқа йирик конларни ўзлаштириш ва фойдаланишга топшириш 1996 йилда Ўзбекистон нефт мустақиллигига эришди ва қазиб чиқариш ҳажми муттасил ўсиб борди. 2010 йилда республикада углеводородлар ишлаб чиқариш 82,3 миллион тоннадан зиёд стандарт ёқилғини ташкил этди, бу 1991 йилда ишлаб чиқарилганидан 1,56 баравар кўпдир.

Ҳозирда Ўзбекистонда 242та нефт ва газ конлари топилган. Кашф этилган конларда ўрганилаётган углеводород захиралари миқдори анча юқори. Мамлакатимиз ҳудудининг 60% нефт ва газ учун истиқболли эканлиги аниқланди. Хорижий компаниялар билан биргаликда Муборак газни қайта ишлаш заводи ва Шўртан газ-конденсат конида суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича инвестиция лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда, бу нафақат мамлакатимиз иқтисодиётини суюлтирилган газ билан таъминлаш, балки уни йилига 400 минг тоннагача экспорт қилиш имконини беради. Ўзбекистонга кириб келаётган барча хорижий инвестиция ресурслари орасида кўпчилик нефт ва газ саноатини ривожлантиришга йўналтирилган. 1997 йилда Кўкдумалоқ конида Дрессер-Ренд (АҚШ) компаниясининг компрессор станцияси ишга туширилди, бу эса велосипед жараёнидан фойдаланган ҳолда суюқ углеводородларни максимал даражада

қайта ишлашга имкон беради. Худди шу йили Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Лойиҳа “Текнип” (Франция) компанияси билан биргаликда амалга оширилди. Ушбу қайта ишлаш заводи экспорт маҳсулотларини - нефт маҳсулотларини жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқаради. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилгандан сўнг Ўзбекистон бозорида, юқори октанли АИ-91 ва АИ-95 маркали автотранспорт бензини, авиация керосини, экологик тоза дизел ёқилғиси, олтингугурт ва ҳк. ишлаб чиқариш хажми ортди.

Американинг "Техако" компанияси иштирокида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи базасида саноат мойларини ишлаб чиқариш бўйича кўшма корхоналарни ривожлантириш учун "Ўзтексако" кўшма корхонаси ташкил этилди. Завод реконструкция қилинди, гидросулфуризация қурилмаси қурилиб ишга туширилди. Лойиҳа “Mitsui” ва “Тоyo Engineering” (Япония) компанияси билан биргаликда амалга оширилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг реконструкция қилиниши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини 60 турга кенгайтириш ва нефт маҳсулотлари сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Бундан ташқари, компания замонавий авиалайнерлар учун мўлжалланган Джет-А-1 авиация ёқилғисини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Республика аҳолисини газ билан таъминлашни яхшилаш ва газ узатиш тармоқларидан мақбул фойдаланиш учун Американинг “BS1 Industries” компанияси билан ҳамкорликда “Dresser-Rend” (АҚШ) компаниясининг компрессор агрегатлари ёрдамида Хўжаобод ер ости газ омбори қурилди.

2001 йил 20 декабрда полиэтилен ишлаб чиқариш бўйича Шўртан газ-кимё мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳани “ABB Lummus Global” (АҚШ), “Mitsui”, “Тоyo Engineering”, “Nisho Ivan” (Япония) ва “ABB Soimi” (Италия) ўз ичига олган компаниялар консорциуми амалга оширди. Шўртан газ-кимё мажмуаси газ-кимё саноатидаги Муборак газни қайта ишлаш заводидан кейинги иккинчи иншоотдир. Газ кимёсининг пайдо бўлиши ва ривожланиши соҳа мутахассислари ҳақидаги тушунчани тубдан ўзгартирди.

Улардан қимматли таркибий қисмларни ажратиб олиш ва кейинчалик юқори рентабелликга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали ресурсларга нисбатан унинг асосига хос бўлган рационаллик уни Ўзбекистон учун жуда истиқболли йўналишга айлантирди. 2001 йилда қурилган Шўртан газ-кимё мажмуаси қисқа вақт ичида нефт ва газ саноатининг етакчиларидан бирига айланди.

2016 йилда фойдаланишга топширилган Устюрт газ-кимё мажмуасида сифат жиҳатидан янги йўналиш - Жанубий Африканинг "САСОЛ" компаниясига тегишли GTL технологиясидан фойдаланган ҳолда синтетик суюқ ёқилғини ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. GTL- ишлаб чиқариш истиқболли ва инновацион ечимдир. Ушбу ишлаб чиқаришни ташкил этилиши метандан дизел ёқилғиси, авиация ёқилғиси, суюлтирилган газ ва Евро-4 ва Евро-5 сифат стандартидаги газни олишга имкон берди.

Шўртан ва Устюрт газ-кимёвий комплекслари янги йўналиш - газ кимёсини яратишга асос бўлди. Бугунги кунда ушбу мажмуаларда 500 минг тоннадан зиёд полиэтилен ва 83 минг тонна полипропилен ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакат нефт-газ саноати ҳаётидаги сифат жиҳатидан янги воқеа – бу "Туркманистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой" янги трансмиллий газ қувури қурилишидир. Лойиҳага кўра унинг узунлиги 7000 километрни ташкил этади, диаметри 1067 мм (42 дюйм). Шу билан бирга, Туркманистон, Ўзбекистон - 530, Қозоғистон - 1300, Хитой - 4500 километрдан ортиқ масофада 180 километрдан ортиқ газ узатиш магистраллари ўтказилди. Лойиҳанинг умумий қиймати тахминан 20 миллиард долларни ташкил этади. Газ қувурининг лойиҳавий қуввати йилига 40 миллиард кубометр газни ташкил қилади. "Туркманистон- Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой " газ қувури Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги чегара ҳудудидан бошланиб, Ўзбекистон ва Қозоғистон орқали ўтиб, Хитойнинг Хўргос чегара пунктида тугайди. Газ қувури икки йўналишли бўлиб, МДХнинг учта давлати ҳудудидан ўтган ҳар

бир линиянинг умумий узунлиги 2000 км га яқин. Сўнгги йигирма йил "Ўзбекнефтегаз" МХК учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида нефтегаз саноатининг роли ва ўрни

Кўрсаткичлар	2014йг.	2015й.	2016й.	2017 й.	2018й.	2019 й.
Ўзбекистон Республикасида ЯИМ, млрд,сум	120861,5	144867,9	171369,0	199325,1	249136,4	407514,5
"Ўзбекнефтегаз" АЖ маҳсулот реализацияси ҳажми, млрд,сум	17849,4	21293,3	22285,7	23761,4	25439,1	36281,5
"Ўзбекнефтегаз" АЖ ЯИМ улуши, %	14,8	14,7	13,0	11,9	10,2	8,9
Ўзбекистон Республикаси бўйича саноат маҳсулоти, млрд,сум,	61105,8	75194,2	91705,3	111267,2	144185,3	228895
Объем промышленной продукции по "Ўзбекнефтегаз" АЖ саноати маҳсулотлари ҳажми, млрд,сум	8588,0	9664,1	11964,9	13973,8	22185,5	25781,2
Ўзбекистон Республикаси саноат маҳсулотлари ҳажмида "Ўзбекнефтегаз" АЖ улуши, %	14,1	12,9	13,0	12,6	15,4	11,3
Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга инвестициялар ҳажми, млрд,сум	28694,6	35233,3	40737,3	49476,8	60719,2	107333
"Ўзбекнефтегаз" АЖ асосий капиталга инвестициялар ҳажми, млрд,сум,	1923,4	2678,7	4169,3	3766,9	3508,1	5185,9
Ўзбекистон Республикаси бўйича "Ўзбекнефтегаз" АЖ инвестицияларда улуши, %	6,7	7,6	10,2	7,6	5,8	4,8
Ўзбекистон Республикаси бўйича ташқи савдо айланмаси, млн.долл.АҚШ	28269,6	27522,4	24914,2	24309,4	26907,0	33809,1
"Ўзбекнефтегаз" АЖ ташқи савдо айланмаси, млн. долл.АҚШ,	5067,5	4876,7	2984,5	2820,9	3141,3	4463,3
"Ўзбекнефтегаз" АЖнинг мамлакат ташқи савдо айланмасидаги улуши, %	17,9	17,7	12,0	11,6	11,7	13,2
Ўзбекистон Республикаси бўйича экспорт, млн. долл.АҚШ	13599,6	13551,0	12507,6	12178,7	13893,6	14253,9
"Ўзбекнефтегаз" АЖ бўйича экспорт, млн. долл.АҚШ	4872,6	4477,0	2569,2	2528,8	2900,8	3597,8
"Ўзбекнефтегаз" АЖнинг мамлакат экспортидаги улуши, %	35,8	33,0	20,5	20,8	20,9	25,2
Ўзбекистон Республикаси бўйича импорт, млн.долл.АҚШ	13946,9	13971,4	12406,6	12130,7	13013,4	19555,2
"Ўзбекнефтегаз" АЖ бўйича импорт млн. долл.АҚШ	194,9	399,7	415,3	292,1	240,5	865,5
Мамлакат импортида "Ўзбекнефтегаз" АЖ улуши, %	1,4	2,9	3,3	2,4	1,8	4,4
Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бандлар сони, минг, одам.	12431,6	12818,4	13058,3	13298,4	13520,3	13763,7
"Ўзбекнефтегаз" АЖда бандлар сони, минг, одам	122,5	126,8	128,8	129,2	105,8	102
Мамлакат бандлар сонисида "Ўзбекнефтегаз" АЖ улуши, %	1,0	1,0	1,0	1,0	0,8	0,7

Айнан 2000-йилларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида 30,7 миллиард доллар сарфланди, 2015-2019 йилларда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурида қиймати 18 миллиард доллардан ошадиган 54 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Нефть ва газ саноати республика иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бўлиб, унинг иқтисодий аҳамияти барча тармоқлар ва соҳалар орасида алоҳида ва муҳим ўринга эга. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб бешдан бир қисми, саноат ишлаб чиқаришида - тахминан 15%, бюджетда - 20% дан ортиқ (2.1-жадвал).

Хорижий шериклар билан фаол ҳамкорлик ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг кўпайиши нефт-газ сектори Ўзбекистон иқтисодий ўсишининг "локомотиви" га айланишига ёрдам берди. "ЛУКОЙЛ Оверсиз", "Газпром" (Россия), CNPC International (Хитой), CNODC, Korea National Oil Corporation, DAEWOO International, KOGAZ, Hyundai Engineering (Корея), Petro Vientam, HONEYWELL, UOP, General Electric (CILLA) каби компаниялар билан яқин халқаро ҳамкорлик туфайли илғор лойиҳаларни амалга ошириш мумкин бўлди.

Нефт ва газ саноати суяқ углеводородларни қайта ишлаш ва йўқ қилишнинг замонавий ва илғор технологияларини жорий этиш бўйича фаол чоралар кўрмоқда. Шундай қилиб, 2016 йилда Уз-Приста Ресейсинг ҚҚ чиқиндиларни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилди. Экологик тоза нефт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида Шўртан газ-кимё мажмуасида ишлаб чиқарилган тозаланган метан асосида синтетик суяқ ёқилғи ишлаб чиқаришни яратиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда табиий газни чуқур қайта ишлашни таъминлаш ва нефт-кимё маҳсулотларини олишга қаратилган қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда: Қандим ГИЗ қурилиши, Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш, шунингдек МТО технологиясидан

фойдаланган ҳолда олефинлар ишлаб чиқариш заводи. 2017 йил апрел ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россияга давлат ташрифи давомида "Мустақилликнинг 25 йиллиги" конини қўшимча қидириш ва ўзлаштириш ҳамда Сурхондарё вилоятида газ-кимё мажмуасини қуриш билан "Ўзбекистон Мустақиллиги" инвестиция блокига нисбатан ишлаб чиқаришни тақсимлаш тўғрисида Битим имзоланди, бу қазиб олиш саноатидан нефт ва газ-кимё саноатига йўналиш бўйича ўзгариш билан саноат ривожланишининг мантиқий давоми ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, Жиззах вилоятида замонавий нефтни қайта ишлаш заводининг пойдеворини қўйиш маросими бўлиб ўтди. Келгусида завод нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида ноёб саноат объектларидан бирига айланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг қарийб 60 фоизи нефт ва газ қазиб олиш соҳасида истиқболли ҳисобланади. Ўзбекистоннинг бешта нефт ва газ минтақаларида (Устюрт, Бухоро-Хива, Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона) 235 нефт ва газ конлари очилган, уларнинг 199 таси бўш газ, 121 таси нефт ва 157 таси конденсатдир. 100 дан ортиғи ишлаб чиқариш босқичида, 79 таси ривожланиш учун тайёрланмоқда ва 60 таси қидирув ишларида. Ҳозирги вақтда 73 та нефт ва газ-нефт конларида 54 та объектлар охириги босқичда, улардан 38 таси Фарғонада, 5 та Сурхондарёда ва 11 та Бухоро-Хива нефт ва газ минтақасида.

Ҳозирги кунга келиб "Ўзбекнефтегаз" АЖ ўз фаолиятини 5та акциядорлик жамиятларини ўз ичига олган бутун нефт ва газ саноатини қамраб олади:

"Ўзбурнефтгаз" АЖ (нефт ва газ кудуқларини геологик-қидирув, разведка ва ишлаб чиқариш бурғулаш);

"Ўзнефтгазқазибчиқариш" АЖ (нефт ва газ конларини ўзлаштириш, нефт, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, табиий газни қайта ишлаш);

"Ўзтрансгаз" АЖ (транспорт ва ер ости транспортида);

"Ўзнефтмаҳсулот" АЖ (Фарғона, Олтиариқ ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари, нефт ва газ конденсатини қайта ишлаш, 100 фоиз мулк эгаси);

"Ўзнефтгазмаш" АЖ (нефт ва газ, газ-кимё мажмуалари корхоналари ва ташкилотлари учун муҳандислик маҳсулотларини ишлаб чиқариш).

Умуман олганда, компанияда 200 дан ортиқ корхона мавжуд бўлиб, уларда 128 мингга яқин мутахассис ишлайди. Нефт ва газни қайта ишлаш "Ўзбекнефтегаз" АЖга қарашли корхоналарда – "Муборакнефтегаз" акциядорлик корхонаси (нефт ва газни қазиб олиш ва газни қайта ишлаш корхоналари), Шўртан газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси ва Устюрт газ-кимё мажмуасида амалга оширилади.

Бугунги кунда "Ўзбекнефтегаз" Акционерлик жамияти қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради:

нефт ва газ конларини рационал ишлатиш;

нефт, газ ва газ конденсатини қазиб чиқариш;

нефт ва газ конденсатини ташиш;

газни қайта ишлаш ва "Ўзнефтгазқазибчиқариш" Акциядорлик Жамияти объектлари билан республиканинг газ ташишга ихтисослашган корхоналарига қарашли магистрал газ қувур йўллари тизими ўртасидаги ўзаро бўлишиш чегараларигача ташиб бериш;

олтингугурт, суюлтирилган газ, чуқур ишлов бериш билан олинадиган маҳсулотлар ва полимерлар (полиэтилен) ишлаб чиқариш;

кудукларни мукамал таъмирлаш; қурилиш-монтаж ишлари;


илмий-тадқиқот ишлари;

халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва бошқалар.

Жумладан, 2019 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти қарийб 11%, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар 73 % ва давлат бюджет даромадларидаги улуши 35% фоизни ташкил этди. Шунингдек, ташқи савдо айланмасида нефт-газ тармоғининг улуши 2,9 % ташкил қилди. Ташқи иқтисодий савдо таркибида эса нефт-газ саноатининг улуши 2018 йилда 29,7%

ни ташкил этди. Бошқа тармоқларга қараганда эса уни таҳлил қилганимизда ЯИМ улушида 1/10 қисмини, бюджет даромадлари таркибида ½ қисмини, инвестициялар таркибида 1/3 қисмини, ташқи иқтисодий савдо таркибида 1/8 қисмини ташкил этди. Қулай инвестиция муҳити яратилганлиги соҳани жадал ривожлантиришнинг асосий омили бўлди.

Таҳлил қилинаётган даврда нефт ва газ саноатига инвестициялар ҳажми жадал суръатларда ўсди. 2014 йилда 1796,9 млрд. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 465,9 млрд. АҚШ долларга ошиб 2255,2 млрд. АҚШ долларни ташкил этди. 2016 йилда бу кўрсаткич 11,4 млрд. АҚШ доллар камроқ маблағ билан 2436,8 млрд. АҚШ долларни ташкил этди. 2017 йилда 610,4 млрд. АҚШ долларни камроқ натижа билан 1665,4 млрд. АҚШ долларни ташкил қилди. 2018 йилда 2417,6 млрд. АҚШ доллар эса 2018 йилги натижа бўлиб, 2019 йилда бу кўрсаткич 3 баробарга тушиб кетиб, 947,5 млрд. АҚШ доллардан иборат бўлди. Уларнинг кескин кўрсаткичларини тушиб кетишига сабаб, мамлакатимизда альянс нефт ва газ корхоналари кўпайди ва инвестицияларга қаратилган эътибор сустлашди. 2019 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан соҳани ривожлантиришга 5912,5 млрд. сўмлик асосий капиталга инвестициялар киритилди.



2.1-расм. Нефт ва газ саноатига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг динамикаси 2013-2018 йилар, млрд. АҚШ доллар³⁸

³⁸ Молиявий ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шу йилларда нефт ва газ саноатига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқими юқори даражада сақланиб қолмоқда (2.1-расм).

Шу билан бирга, инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигининг барқарор пасайиши кузатилди, бу асосан саноат корхоналарининг асосий маҳсулоти рентабеллиги пасайиши билан боғлиқ.

Нефт ва газ саноати корхоналари орасидан 3 та йирик “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзнефтгазмаҳсулот” АЖ сингари ташкилотларнинг инвестицион салоҳияти бўйича кўрсаткичлари 2.2-жадвалда келтирилган.

2.2-жадвал

Нефт-газ саноатига киритилган молиявий инвестицияларнинг иқтисодий кўрсаткичлари. 2013-2018 йй. (фоизда)³⁹

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Умумий иқтисодий самарадорлик	1,34	1,22	0,60	0,52	-1,07	-1,20
Ўзнефтгазқазибчиқариш АЖ	0,30	0,10	0,05	0,04	-0,76	-0,05
“Ўзтрансгаз” АЖ	7,67	15,35	7,88	6,39	-4,02	12,79
“Ўзнефтмаҳсулот” АЖ	-3,39	3,52	8,56	3,94	-8,64	1,66

2013 йилдан 2015 йилга қадар нефт ва газ саноатида иқтисодий суръатлар яна юқорилаб борди. 2017 йилдан 2018 йилга қадар молиявий инвестицияларнинг ўзини самарадорлиги соҳани тубдан ўзгартиришга қаратилган харажатлар юқорилиги туфайли натижалар пастлаб кетган. Бунга эса асосий сабаб шундаки, 2013 йилда Ўзбекистонда нефт ва газ ишларини ҳамкорлик асосида юрғизишда кўплаб хорижий компанияларнинг рақобат майдонидаги иштироки туфайли эканлигидадир. Республика конларида жамиятнинг газ қазиб чиқариш ва тайёрлаш бўйича йилига қуввати 61 397,0млн.куб.м., нефт қазиб чиқариш ва тайёрлаш бўйича йилига қуввати 4 226,9 минг.тн. ташкил этади. Шунингдек Жамият йилига сиқилган газни ишлаб чиқиш бўйича 693,1 минг.тн.ҳажмдаги қувватга эга.

³⁹ "Ўзбекнефтегаз" АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

2.3-жадвал

“Ўзбекнефтегаз” АЖнинг фаолият тури бўйича ишлаб чиқариш қувватлари ҳолати (йилига минг.тн/млн.м³)⁴⁰

Корхона номи	Нефт ва уни қайта ишлаш	Газ ва уни тайёрлаш	Табиий газ	Газни серотозалаш	Суюқ газ ва углеводородлар
Муборак НГҚЧБ	328,	36900	27890	400,5	29,1
Шўртангаз	77,7	17992	27200	14,0	271
“Андижоннефт” АЖ	132,5	15		12,0	
Газли НГДУ	19,3	3017	4500	121,0	258
Устюрт ГДУ		3423	2473	11,0	14,0
ЖАМИ	558,4	61347	62063	558,5	572,1

Суюқ углеводородлар ва табиий газни қазиб олиш жамиятнинг 185 конларида олиб борилиб, улардан 124 таси ишлаб чиқаришда ва 61 та кон консервация қилинган. Улардан 108 таси нефт конлари (нефтегазоконденсат, нефтвагаз ва нефт) бўлиб, ишлаб чиқаришда 84 та кон ва 24 таси консервация ҳолатида. Шунингдек газ ва газконденсат конлари 77 та бўлиб, улардан 40 таси ишлаб чиқаришда ва 37 таси консервацияда. Жамиятнинг нефт ва газ конлари бўйича эксплуатацион фонди 2402 скважина (кудук)ни ташкил этади.

Қуйидаги 2.4-жадвалда “Ўзбекнефтегаз” АЖнинг 2019 йилда геология қидирув ва қазилш ишлари бўйича асосий кўрсаткичлари келтирилган.

2.4-жадвал

“Ўзбекнефтегаз” АЖнинг 2019 йилда геология-қидирув ва қазилш ишлари бўйича асосий кўрсаткичлари⁴¹

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Январь-декабрь 2019 йил			Январь-декабрь 2018й.	2018 й.га/ўсиш суръати %
			план	факт	%		
1.	Углеводород запаслари ўсиши:						
	Нефт ва конденсат	млн.т.	3,000	1,700	56,7	3,678	46,2
	Эркин газ	млрд.м ³	42,000	42,036	100,0	57,089	73,6
2.	Қидирув ишларига қўшилган янги майдонлар	майдон	12	11	91,7	22	50,0
3.	Янги конларни очилиши	дона		6		6	100,0
4.	Қурилиши тугалланган скважиналар (жами):	скв.	130	120	92,3	148	81,8
	Қидирув-разведка	скв.	65	44	67,7	39	112,8

⁴⁰ “Ўзбекнефтегаз” Аж статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан жамланган.

⁴¹ “Ўзбекнефтегаз” АЖнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

	Эксплуатацион бугулаш	скв.	75	76	101,4	109	69,7
5.	Чукур казиш хажми, жами:	пог.м.	330000	295037	89,4	386850	76,3
	Қидирув-разведка бургулаш	пог.м.	170000	96700	56,9	119300	81,0
	Эксплуатацион бургулашение	пог.м.	160000	198337	124,0	267550	74,1
6.	Қидирув бургулашга тайёрланган таркиблар сони	таркиб	16	16	100,0	16	100,0
7.	Сейсморазведка ишлари хажми:						
	МОГТ – 2Д (метод общей глубинной точки)	пог.км	9300	9300,5	100,0	9500,2	97,9
	МОГТ – 3Д	кв.км.	2500	2500	100,0	2400,15	104,2


2.2. Муборак нефт ва газни казиб чиқариш бошқармаси корхоналарида инновацион салоҳиятни баҳолаш механизмини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.07.2019 йилдаги ПҚ-4388-сон қарорига мувофиқ “Муборакнефтгаз” акциядорлик жамияти “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибидаги Муборак нефт ва газ казиб чиқариш бошқармасига бириктирилди. Муборак нефт ва газ казиб чиқариш бошқармасининг асосий иш фаолияти нефт, газ ва газ конденсати казиб олиш, суюлтирилган газни ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Бошқарманинг ишлаб чиқариш объектлари асосан Кашкадарё, Бухоро ва Самарканд вилоятларда амалга оширилади.

Муборак нефт ва газ казиб чиқариш бошқармаси республикада нефт-газ саноатидаги йирик корхоналардан бири ҳисобланиб, унинг таркибида 10га яқин сиқув компрессор станциялари 36та газ хайдаш агрегатлари (Кукдумалок, Зеварда, Алан, Памук, Жанубий Уртабулок, Самонтепа, Денгизкул) мавжуд ва Муборак кони фаолият олиб бормоқда. Бошқарма тасарруфидаги конларда 15га яқин газни мужассам тайёрлаш қурилмаси (ГМТҚ), газни бирламчи тайёрлаш қурилмаси (ГБТҚ) ва нефт тайёрлаш қурилмаси (НТҚ)лари, ҳамда Газни циолетли тозалаш ва қуритиш қурилмаси ишлаб турибди. Ушбу конлар ораси 300км ни ташкил этади. Конлар тарқоқ ва чўл худудида жойлашган.

Бошқарма таркибида 33 дан зиёд газ ва газоконденсат конлари мавжуд. Бу конлар асосан Кашкадарё ва Бухоро вилоятлари ҳудудида жойлашган. Табиий газни қайта ишлаш асосан “Муборак” нефт ва газни қазиб олиш бошқармасининг Муборак газни қайта ишлаш завоидига тўғри келади ва у 54 фоизни ташкил қилади. Охириги йилларда Муборак газни қайта ишлаш заводи табиий газни қайта ишлаш даражасини кескин ошириб бормоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги қазиб олинаётган суюқ углеводородларнинг (нефт, нефтконденсат) 35 фоизи, табиий газнинг 50 фоизидан ортиқроғи Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси ҳиссасига тўғри келади (2.2-расм).



2.2-расм. Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси корхоналарида 2010-2019 йилларда қазиб олинган табиий газ ва конденсат кўрсаткичлари⁴²

Бугунги кунда Муборак нефт ва газни қазиб чиқариш бошқармасига қаршли Муборак газни қайта ишлаш заводида пропан-бутан ажратиш олиш қурилмасининг 1-, 2-, 3-тармоғи модернизация қилинди, 4-тармоғи янгитдан қурилиб, ишга туширилди. Эндиликда ушбу қурилма пропан-бутан

⁴² «Ўзбекнефтегаз» АЖ МНГҚЧБ статистик маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

аралашмасини қайта ишлаб, йилига кўшимча 62 минг тонна суюлтирилган газ ва 22,5 минг тонна газ конденсатини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

Биргина “Муборак” газни қайта ишлаш заводининг ишлаб чиқариш қуввати олтига навбатга бўлинган 18 та олтингугурт тозалаш ва газни қайта ишлаш блокларида бажарилади. Биринчи навбатдан ташқари ҳар бир блокни навбат таркибига ишлаб чиқариш жараёни бўйича 9 та газни қайта ишлаш ва 3та олтингугурт блоки тўғри келади. Режага асосан ҳар бир блок РНАQ билан жихозланган.

Бугунги кунда Муборакнефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг газ ва конденсат қорнларида табиий газни қазиб чиқариш қуйидаги кўрсаткичларга эга (2.3-расм).




2.3-расм. Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси томонидан 2010-2019 йиллар давомида қазиб олинган табиий газ кўрсаткичлари⁴³

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилган, “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида 2020 йилнинг ўзида Муборак газни қайта ишлаш заводида пропан - бутан аралашмасини олиш қурилмасининг 4 - тармоғини қуриш ишлари якунланиб, суюлтирилган

⁴³ МНГҚЧБ йилли маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

газни йиллик ишлаб чиқариш қуввати 38,4 минг тоннагача етказилди ҳамда 66 та янги иш ўринлари яратилди.

Ушбу ишлаб чиқариш жараёнлари ташкил этилган 1 ва 2-навбатнинг қуввати бир йилга 3,2млрд.м³ газни қайта ишлашни ташкил қилади. Учинчи ва 4-навбатдаги ишлаётган блоклар улуши эса 3,4 млрд.м³ газни қайта ишлашни ташкил қилади. Кейинги навбатдаги блоклар эса 5 млрд.м³ газни қайта ишлашни ташкил қилади. Бошқармада сўнгги йилларда қазиб олинган конденсат кўрсаткичлари 2.4-расмда келтирилган.



2.4-расм. Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси томонидан 2010-2019 йиллар давомида қазиб олинган конденсат кўрсаткичлари⁴⁴

Тадқиқотлар кўрсатадики, республикада сўнгги йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини комплекс ривожлантириш, энергия ресурсларига тобора ошиб бораётган эҳтиёжни таъминлашнинг муҳим омили бўлган энергия манбаларини диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, геология қидирув ишлари, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва нархларни шакллантириш ишларининг самарасизлиги республика

⁴⁴ МНГҚЧБ йилли маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурслари билан тўлиқ таъминланмаслигига, нефт-газ тармоғи корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашувиغا олиб келди.

Жумладан, сўнгги 2020 йилда табиий газ қазиб олиш ҳажми 8 фоизга ошгани ҳолда, мамлакат корхоналари томонидан уни қазиб олиш ҳажми 29 фоизга пасайди, 2008-2019 йилларда тасдиқланган табиий газ захиралари 4 фоизга қисқарди, 2014-2019 йиллар давомида газнинг табиий захиралари ўрнини тўлдириш бўйича ўртача кўрсаткич 70 фоизга яқин ҳажмни ташкил этди. 2017-2019 йилларда молиявий маблағларнинг етишмаслиги ва моддий-техник ресурсларнинг тақчиллиги натижасида табиий газ қазиб олишнинг ўсиши прогноз кўрсаткичларига нисбатан 42 фоизни ташкил этган ҳолос.

Фикримизча, республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, нефт-газ тармоғи корхоналарини молиявий соғломлаштиришни таъминлаш, қабул қилинган халқаро амалиёт асосида соғлом рақобатни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, инновацион фаолиятни жадаллаштириш, замонавий рақамли технологияларни ва илғор бошқарув усулларини жорий этиш зарур.

Нефт-газ саноати соҳаси корхоналарини барқарорлигини таъминлаган ҳолда ривожланишини таъминлаш вазифаси фаолиятнинг устувор йўналишларини аниқ белгилашни тақозо этади. Соҳанинг йўналишларини фаоллаштиришда углеводород хом ашёсини излаш бўйича замонавий технологияларни жалб қилишга имкон берадиган тегишли молия ресурсларини талаб қилади.

Шунинг учун, республикада хорижий инвесторларни жалб этишга, бу масалалар юзасидан энг аҳамиятли лойиҳалар қаторидан Газпром ва Лукойл (Россия), CNOOC (КНР), Петровьетнам (Вьетнам), KNOOC (Корея), SASOL (ЖАР), Орол лойиҳаси бўйича компаниялар Консорциуми каби инвестицион лойиҳаларни эътироф этиш мумкин.

“Муборак” нефт ва газни қазиб олиш бирлашмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар Марказий Осиёда энг йирик ташкилотлардан ҳисобланиб,

у йилига 8,7 млн.тонна углеводород хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга. Ушбу корхонада инновацияларни кенг жорий қилиш натижасида қуйидагиларга эришилди:

бирлашма ва унинг конларида газни циолитли тозалаш ва қуритиш қурилмасининг 2 ва 3-блоклари Германиянинг янги технологик қурилмаси билан жихозланди;

бирлашмада газни бирламчи тайёрлаш ва нефт тайёрлаш қурилмаларини қисман модернизациялашга эришилди;

дизель ёқилғисини гидросульфуризацияси бўйича жаҳон андозаларига мос келадиган нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди;

дизель ёқилғисидан техник олтингутурт маҳсулоти олина бошланди;

нефтни қайта ишлашга янги технологияни жорий қилиш ҳисобига қайта ишланаётган хомашё ҳажмини камайтирган ҳолда оч рангдаги нефт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини сақлаб қолишга эришилди;

Д ва Е тоифадаги М-8ДМ, М-10ДМ ва М-14ДМ дизель мотор мойлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди;

юқори октанли АИ-95 бензини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди; минтақада экологик вазиятни яхшилаш мақсадида янги ускуналар ишга туширилди.

Шунингдек, жамиятнинг 2017-2018 йилларга мўлжалланган инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш натижасида бугун Муборак газни қайта ишлаш заводида амалга оширилган модернизация ишларининг яқунланишини ислоҳотлар ижроси дейиш мумкин. Бу лойиҳада россиялик ва украиналик мутахассислар ҳам онлайн тарзда ўз тавсиялари билан амалий кўмак бермоқда. Модернизация ишларида маҳаллий мутахассислар меҳнати беқиёс бўлди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 75 миллион долларни ташкил этади. Ушбу лойиҳани ишга тушириш натижасида Муборак газни қайта ишлаш заводи йилига кўшимча 62 минг тонна суюлтирилган газ ва 22,5 минг тонна газ конденсатини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Шунингдек, айти пайтда 100 та янги иш ўринлари яратилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида «Ўзбекнефтгаз» томонидан Муборак газни қайта

ишлаш заводида пропан-бутан ажратиб олиш қурилмасининг 1-, 2-, 3-тармоғи модернизация қилинди, 4-тармоғи янгитдан қурилиб, ишга туширилди. Эндиликда ушбу қурилма пропан-бутан аралашмасини қайта ишлаб, йилига кўшимча 62 минг тонна суюлтирилган газ ва 22,5 минг тонна газ конденсатини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

Мазкур лойихада бажарилган қурилиш ишлари маҳаллий «Нефтегазмонтаж» корхонаси томонидан амалга оширилиб, технологик ускуналар Германиянинг «Линде», «Гросман», Украинанинг «Сумск», «Мотор Сич», «Турбогаз» заводлари, шунингдек маҳаллий компаниялар – «Ўзбекхиммаш», «Тошкент труба заводи», «Узпромарм» ва бошқа корхоналар томонидан етказиб берилди.

Муборак газни қайта ишлаш заводини қуриш 1967 йилда бошланган бўлиб, 1971 йил 30 декабрь куни заводнинг расмий очилиш маросими ўтказилган. Дастлаб заводнинг табиий газни қайта ишлаш қуввати йилига 5 миллиард куб метр бўлган. Кейинчалик, турли йилларда янги қувватлар фойдаланишга топширилиши натижасида заводнинг йиллик қуввати 29,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш даражасига етказилган. Ҳозирда заводда 3200 нафар ишчи-ходим фаолият юритмоқда.

Тахлилларимиз кўрсатадики, 2015 йилда 2014 йилга нисбатан олганда 35,7% нисбатан кўпроқ фоизни ташкил этиб, умумий қазиб олинган табиий газда уни қайта ишланган ҳажми улуши энг ривожланган даври саналади, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 16,7 кам фоиз ташкил этган, 2017 йилда эса 2016 йилга нисбатан 2,7 фоизга кам ҳамда 2018 йилда 2017 йилга нисбатан эса 4,8% кўп фоиз ташкил этди. 2019 йилда кескин касайиш кузатилиб, у 12,3% фарқдан иборат ҳамда 2018 йилга нисбатан 8,4%га ўсиш суръати кузатилади. Бунининг сабаби республикамизда амалга оширилаётган тармоқнинг стратегик ривожлантириш чора-тадбирлари саналади.

Хусусан, нефт қазиб олишда Ўзбекистон Ўрта Осиё мамлакатлари орасида Қозоғистондан кейинги поғонани эгаллаб иккинчи ўринда 2018 йилда 2,9 млн. тонна нефтгазконденсатни ишлаб чиқарди. Табиий газ қазиб олишга келганда эса

Ўрта Осиё мамлакатлари орасида биринчиликни эгаллаб 61,6 млрд. куб.метр кўрсаткич билан жаҳонда 9 ўринни 2018 йилда қўлга киритди. Айнан 2018 йилда ушбу кўрсаткич асосида инвестицион жозибадорлик оширилди ҳамда кўплаб инвесторлар ўзларининг новаторлик гуруҳларини мамлакатимиз нефт ва газ қазиб олиш, қазиб чиқариш корхоналарига жўнатишди⁴⁵.

Табиий газни қайта ишлаш билан Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси ва “Шўртаннефтгаз” корхоналари катта улуши ЯИМ ташкил этади. Табиий газни қайта ишлаш асосан Муборак газни қайта ишлаш заводини тўғри келади ва у 54 фоизни ташкил қилади. Охириги йилларда Шўртан газ-кимё мажмуаси табиий газни қайта ишлаш даражасини кескин ошириб бормоқда, 2010 йилга келиб унинг улуши 8 фоизга етди.

Бирок, “Шўртаннефтгаз” корхонасида қайта ишлаш даражаси 2001 йилда 31 фоиздан 2010 йилда 21,5 фоизгача пасайган. 2015 йилга келиб бу кўрсаткич тобора ошиб борди, негаки, инвестицион лойиҳаларнинг кириб келиш оқими ушбу ташкилот учун иқтисодий ўсиш суръатида кескин ўзгаришларни амалга оширишга имконият яратди.

Тадқиқотлар асосида Муборак нефт ва газни қазиб чиқариш бошқармаси ва унинг корхоналаридаги инновацион салоҳият даражасини аниқлашда қуйидаги ташкилий кўрсаткичларни эътиборга олиш зарурлиги аниқланди (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси корхоналарида инновацион салоҳиятни ташкилий кўрсаткичлари⁴⁶

Кўрсаткичлар номи	Умумий ҳолати	Чора-тадбирлар ишлаб чиқиш дастури
корхона ташкилий тузилмаларининг инновацион жараён мақсад ва вазифаларига мос келиш	қониқарли	ЎзР Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805 сон қарори асосида корхона ривожланиш
ходимларнинг рағбатлантириш тизимининг инновацион жараён мақсад ва вазифаларига мос келиш	Талабга жавоб бермайди	старетиясининг 18.10.2020 йилдаги №338 сонли буйруғига киритилган.
корхона ходимларининг инновацияларга тайёрлик даражаси	қониқарли	

⁴⁵ “Ўзбекнефтегаз” Акционерлик жамиятининг статистик маълумотлари асосида.

⁴⁶ Муаллиф ишланмаси

Саноат корхоналари илмий салоҳияти даражаси ўз илмий-тадқиқот ишланмаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги ва амалга оширилганлигини изоҳлайди. Бунда корхоналар илмий салоҳияти даражасини инновацион фаолият харажатларини жами ишлаб чиқариш харажатларига нисбати кўринишида аниқлаш мумкин. У қуйидагича ифодаланади:

$$k_{Is} = \frac{X_{If}}{JX_{Ich}} \quad (2.1)$$

бу ерда: k_{Is} - илмий салоҳият даражаси коэффиценти;

X_{If} - инновацион фаолият харажатлари қиймати, млн.сўм;

JX_{Ich} - жами ишлаб чиқариш харажатлари, млн.сўм.

Бу кўрсаткич меъерий, режалаштирилган ва ҳақиқат бўлиши мумкин. Зарур бўлганда бу кўрсаткичдан рақобат қиладиган корхоналар ўртасида корхона салоҳиятини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин.

2.6-жадвал

Корхонанинг инновацион салоҳиятининг турлари ва даражаси⁴⁷

Инновацион фаолият олиб бориш ҳолати	Инновацион салоҳиятини даражаси	Корхонанинг инновацион салоҳиятини ошириш йўллари
Юқори даража		
Асосий айланма фондларни замонавий талабга жавоб бериши ва молиявий мустақиллик	Корхонанинг асосий ва айланма фондлари, воситалари юқори даражада таъминланган, инновацион фаол ҳамда ташқи ёрдамга муҳтож эмас.	1.Инновацион технологияларни ўзлаштиришда молиялаштириш имкониятининг мавжудлиги. 2.Инновацион салоҳиятни тўғри баҳолаш ва истиқбол учун учун корхона стратегиясини тўғри йўналтириш.
Ўрта даража		
Ўз кучи ва узоқ муддатли кредитлардан фойдаланади	Корхона асосий фондлари ва воситалари ўрта даражада ва ташқи молиялаштиришга муҳтож.	1.Янги технологияларни ўзлаштиришда рақобат муҳитини тўғри баҳолаш 2.Инновацияларни яратиш ёки қўллашда харажатларни кредит ҳисобига қоплаш.
Қуйи даража		
Асосий фондлар, хусусий воситалар эскира бошлаган, узоқ муддатли кредитлардан ҳамда	Корхона молиявий ҳолати туфайли инвестициялаш ёки ташқаридан молиялаштириш зарурати	1.Корхона барқарорлигини сақлаб қолишда инвестицион жозибadorликни ошириш 2.Ташқи инвесторлар ёки давлат томонидан молиявий ёрдам олиш

⁴⁷ Кадыров А.М., Кадыров У. Инновационный потенциал развития промышленных предприятий республики в условиях рынка // «Новое качество экономического роста: инновации, конкурентоспособность, инвестиции». Материалы Республиканской научно-практической конференции. 1 том. –Т.: Молия, 2008. – с.53-54.

ташқи хамкордан фойдаланиш зарурати	ва ташқи хамкорлик қуриш афзаллиги.	
Энг қуйи даража		
Асосий фондлар эскирган, молиявий заифлик, узок муддатли кредитлардан ҳамда ташқи хамкордан фойдаланади	фойдаланилаётган техника ва технологиялар эскириш юқорилиги, ИТТКИ ташкил этиш даражаси ва кадрлар салоҳиятини пастлиги	1. Корхона молиявий ҳолатини ташқи ва ички омилларнинг ўзаро боғлиқ ва таъсир даражаси асосида ривожлантириш; 2. Молиявий соғломлаштириш, инновацион мойилликни ошириш.

Бизнинг фикримизча, корхонанинг инновацион салоҳиятини турлари бўйича кўрсаткичларни даражасига қараб аниқланади. Унда инновацион фаолиятнинг даражалари корхонанинг ички ижтимоий-иқтисодий, молиявий ҳолатини намоён этувчи кўрсаткичлар мажмуи асосида тузилади ҳамда корхона стратегиясини ҳам йўналишини белгилайди (2.6-жадвал).

Саноат корхоналари инновацион фаолиятини жами амалга оширилган ўз илмий-тадқиқот ишланмалари миқдорида жорий қилинган ишланмалар улушини акс эттирувчи коэффициент орқали баҳолаш мумкин. Уни қуйидаги ифода кўринишига эга бўлади:

$$k_{O'zIshJq} = \frac{M_{JqO'zIsh}}{JM_{AoO'zIsh}} \quad (2.2)$$

бу ерда, $k_{O'zIshJq}$ - ўз илмий-тадқиқот ишланмаларни жорий қилинганлик коэффициенти;

$M_{JqO'zIsh}$ - жорий қилинган ўз ишланмалари миқдори, сони;

$JM_{AoO'zIsh}$ - жами амалга оширилган ўз ишланмалар миқдори, сони.

Ушбу кўрсаткич саноат корхоналарининг инновацион фаолиятининг илмий даражасини асослаш ва баҳолаш учун фойдаланиш мумкин. Саноат корхоналари инновацион фаолиятини баҳолаш ҳамда сотиб олинган ва ўз илмий-тадқиқот ишланмалари ўртасидаги ўзаро оқилona боғланишни аниқлаш учун ўз ишланмаларни жами жорий қилинган илмий-тадқиқот ишланмалари миқдorigа нисбатидан фойдаланилаш мумкин. У қуйидаги ифода кўринишига эга:

$$k_{O'zIshTq} = \frac{M_{JqO'zIsh}}{JM_{JqIsh}} \quad (2.3)$$

бу ерда, $k_{O'zIshTq}$ - ўз илмий-тадқиқот ишланмалари натижаларини тадбиқ этиш коэффициентини;

$M_{JqO'zIsh}$ - жорий қилинган ўз ишланмалари миқдори, сони;

JM_{JqIsh} - жами жорий қилинган ишланмалар миқдори, сони.

Ўз илмий-тадқиқот ишланмалари натижаларини тадбиқ этиш коэффициентини $k_{O'zIshTq}$ кўрсаткичи ёрдамида корхоналарда илмий-тадқиқот ривожланиш суръати ва даражаси тўғрисида фикр юритиш мумкин. Ушбу коэффициентнинг юқори қиймати бирга яқинлашса, саноат корхонасининг инновацион фаолияти юқори бўлади. Аксинча, коэффициент 0,5 дан паст бўлса корхонанинг инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш фаоллигининг пастлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда, ўз инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш аҳамиятини таъкидлаб ўтадиган бўлсак, бошқа корхоналар томонидан ўзлаштирилаётган ва жорий қилинаётган илмий-тадқиқот ишланмаларни ўз вақтида аниқлаш ва асослаш катта аҳамият касб этади.

Фикримизча, инновацион салоҳиятни баҳолаш ва рағбатлантиришда асосий мақсадга эришишни таъминлаш учун нефт ва газ қазиб чиқариш ва ишлов бериш корхоналарининг инновацион салоҳиятини аниқлашда муаммоли вазиятларни ёритиб бериш ва рағбатлантиришга тавсиялар беришга имкон берувчи ривожланишининг иқтисодий омилларини ва уни ташкил қилувчи таркибий қисмларини тўлиқ ва ҳар томонлама баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Инновацион салоҳиятни рағбатлантиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантиришда унинг иқтисодий моҳияти, унга таъсир ўтказувчи омиллар, уларнинг таркибий қисмларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш усулини танлаш;

рағбатлантириш жараёнини зарурий, ишончли ва аниқ ахборотлар билан таъминлаш;

яратилган, харид қилинган, ўзлаштирилган (ёки ўзлаштирилаётган) инновация натижасига мувофиқ инновацион салоҳият даражасини аниқлаш;

рағбатлантириш мақсадида олинган натижаларнинг таҳлил ҳамда тадбик қилиниши;

инновацион салоҳиятни рағбатлантиришни такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқиш.

Тадқиқотда ишлаб чиқариш жараёнига янгиликни реализация қилиш ($СМр$), яратиш ($СМя$) ва фойдаланишни ($СМф$) да инновациядан олинган соф маҳсулотнинг умумий ҳажмини ($СМух$) қуйидаги формула билан ҳисобланиши таклиф этилди:

$$СМух = СМя + СМф + СМр^{48} \quad (2.4)$$

Ушбу ҳисоб-китоблар натижасида “Муборакнефтегаз” нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси корхоналарида янгиликни яратиш, фойдаланиш ва реализация қилишдан ишлаб чиқилган соф маҳсулот ҳажми корхона умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан атиги 0,9% ташкил этар экан. Бу қониқарсиз ҳолат бўлиб, корхона инновацион салоҳиятни ошириш ва рағбатлантириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиши зарур эканлиги асосланди.

Ишда республикамызда газ ва газконденсат конларида суюқ углеводородлар ва табиий газни қазиб чиқариш жараёнларида самарадорликни ошириш мақсадида кадрлар, молиявий, моддий, интеллектуал ва инфратузилма ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва тақсимлаш асосида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш зарурати асосланди. Бу эса нефт ва газ қазиб чиқариш конларида янгиликларни қўллаш ва тижоратлаштиришдан олинган фойда асосида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш имкниятлари заруратини белгилаб беради.

⁴⁸ Илмий ёндашувлар асосида муаллиф томонидан такомиллаштирилди.

Диссертация ишида тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан республикамиз нефт ва газ саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилди (2.5-расм).



2.5-расм. Инновацион салоҳиятни рағбатлантириш механизми⁴⁹

2.3. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоқларида инновацион фаолият ривожланиши тенденциялари ва таҳлили

Республикамизда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш дастури асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ички бозорни импорт ўрнини

⁴⁹ Муаллиф ишланмаси

босувчи ҳамда экспорбоп товарлар билан тўлдириш, аҳоли даромадлари ва бандлигини оширишни таъминлашда муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда салоҳиятни оширишга хизмат қилиб келмоқда. Натижада мамлакатимизда инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқараётган корхона ва ташкилотлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бироқ ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар нафақат корхоналарда ишлатиладиган технологияларни янгилашни, балки бошқарувни ташкил этишда ҳам инновацион ёндашувчи талаб этади.

Мазкур ишда мавжуд маълумотлар асосида Ўзбекистонда 2012-2018 йилларда инновация фаолияти ривожланишининг муҳим кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Таҳлилнинг маълумотлар базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари, тўпламлари ва даврий нашрлари, Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти томонидан эълон қилинган тўпламлар ва таҳлилий маълумотномалардан кенг фойдаланилди.

Юқоридагилар асосида ишда республикаимизда инновацион фаолиятни ташкил этиш ва унинг ривожланиш жараёнига умумий баҳо бериш мақсадида маҳсулот, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналарнинг 2012-2019 йиллар мобайнидаги ўзгариш динамикаси таҳлил қилинган. Олиб борилган таҳлилларга кўра мамлакатимизда инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар кейинги 8-9 йилда 8.5 баробарга ошган. Яъни улар сони 2012 йилда 289 тани ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 2374 тага етганлигини кўришимиз мумкин.⁵⁰

Сотилган маҳсулотлар умумий ҳажмида инновацион товар, иш ва хизматлар улуши 2012 йилда 2,9 %, 2013 йилда 3,2%, 2016 йилда 5,8 % ни

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (www.stat.uz)

ташкил этган. 2020 йилда сотилган инновацион маҳсулотлар улуши 7,3% ни ташкил этган, бу 2018 йилдагига қараганда тахминан 0,7 фоизга ошган (2.7-жадвал).

2.7.-жадвал


Ўзбекистон Республикасида 2012-2018 йилларда инновация фаолияти ривожланишининг муҳим кўрсаткичлари динамикаси⁵¹

№	Кўрсаткичлар	2012 й.		2014 й.		2016 й.		2018 й.		2020 й.	
		жами	саноат	жами	саноат	жами	саноат	жами	саноат	жами	саноат
1.	Сотилган маҳсулотлар умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар улуши, %	2,9	4,5	3,2	3,9	5,8	8,4	6,5	8,4	7,3	9,2
2.	Сотилган инновацион товар, иш ва хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати, %	100	100	62,3	54,6	126,4	130,7	116,4	125,4	132,8	136,2
3.	Инновациялар учун сарфланган умумий харажатларда ташкилотларнинг ўз маблағлари улуши, %	60,5	74,9	70,6	75,2	68,4	54,0	36,8	31,0	48,6	53,5
4.	Инновациялар учун харажатлар коэффициенти	0,014	0,012	0,005	0,004	0,003	0,005	0,026	0,043	0,025	0,041
5.	Инновациялар учун харажатлар ҳажмининг ўсиш суръати, %	100	100	121,4	63,8	73,0	122,4	72,0	91,1	81,0	95,4
6.	Инновацион фаол корхоналар улуши	0,13	0,37	0,07	0,25	0,07	0,23	0,35	1,29	0,4	1,75
7.	Ҳар бир инновацион фаол корхона ҳиссасига тўғри келувчи жорий этилган технологик инновациялар сони	2,2	3,5	4,4	3,5	3,8	3,9	1,7	1,6	3,2	2,5
8.	Илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳамкорлик даражаси	25,5	15,5	15,8	19,3	8,8	16,3	9,2	4,5	12,6	4,2

2018 йилда республикамизда 2171 та корхона томонидан 18543,3 млрд сўмлик инновацион маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилган. Ушбу даврда улар томонидан 1946 та технологик инновациялар жорий этилган. Бироқ, инновацион фаол корхоналар улуши 0,34 фоизни, инновацияларни тегишли

⁵¹Мазкур жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари, тўпламлари ва даврий нашрлари ва таҳлилий маълумотномалар асосида муаллиф томонидан амалга оширилган таҳлиллар натижаларига кўра тайёрланган.

тармоқ ёки соҳаларга жорий этиш коэффиценти эса атига 1,2 ни ташкил этмоқда, холос (2.6-расм). Умумий экспорт ҳажмида инновацион маҳсулотлар экспортининг улуши 1,46 фоиздан иборат, холос.



2.6-расм. 2012-2019 йилларда инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот⁵²

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илғор ривожланган хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 70-90 фоизи инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига олинади.

Юқори инновацион фаол тармоқлар инновацион маҳсулотлари улуши 2017 йилда саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар умумий ҳажмининг 11,1 % ни ташкил этган. Шу билан бирга, ўрта инновацион фаол тармоқлар маҳсулотлари умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар улуши 15,3 % ни ташкил этган.

Инновацион маҳсулотларни энг кўп миқдорда экспортга чиқарган корхоналар - бу ўрта инновацион фаол тармоқлар корхоналари бўлган. 2019 йилда инновацион саноат маҳсулотлари экспорт ҳажмида инновацион

⁵²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

маҳсулотлар улуши 51,1 % ни, ҳажмдор инновацион маҳсулотлар улуши эса 6,9 % ни ташкил этган.

Юқорида 2.2 параграфнинг 2.5-жадвалида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган корхонанинг инновацион салоҳияти турлари ва даражасига кўра 4 та юқори даража, ўрта даража, қуйи даража ва энг қуйи даражалар асосида саноат ишлаб чиқариши ҳажмида корхоналарнинг инновацион фаоллик даражалари аниқланди. Саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида 2019 йилда жами илм-фан ютуқларига асосланган, юқори инновацион фаол ва ўрта инновацион фаол саноат тармоқлари улуши 13,91 фоизни ташкил этган (2.8-жадвал).

2.8-жадвал

Саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида юқори инновацион ва ўрта инновацион фаол саноат тармоқлари солиштирма вазни, (% ҳисобида)⁵³


Саноат тармоқлари	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Саноат, жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Юқори инновацион фаол тармоқлар								
АКТ, ҳисоблаш техникаси воситалари саноати	0,188	0,122	0,154	0,152	0,123	0,078	0,099	0,033
Тиббиёт, физиология ва биология учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш	0,009	0,003	0,001	0,001	0,001	0,001	0,001	0,003
Оптик ва оптик-механик асбоб ва аппаратлар ишлаб чиқариш	0,013	0,012	0,016	0,019	0,015	0,005	0,004	0,002
Технологик жараёнларни назорат қилиш ва тартибга солиш асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш	0,035	0,194	0,025	0,060	0,019	0,025	0,039	0,027
Озиқ-овқат саноати ва механик катталикларни ўлчаш асбобларини ишлаб чиқариш	0,007	0,005	0,004	0,003	0,003	0,002	0,003	0,003
Кимё-фармацевтика саноати	0,314	0,168	0,199	0,267	0,301	0,349	0,656	0,751
Микробиология саноати	0,256	0,112	0,123	0,031	0,045	0,012	0,008	0,028
Ўрта инновацион фаол тармоқлар								
Кимёвий тола ва ип саноати	0,054	0,020	0,015	0,021	0,021	0,035	0,048	0,027

⁵³Мазкур жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари, тўпламлари ва даврий нашрлари, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан эълон қилинган тўпламлар ва таҳлилий маълумотномалар асосида муаллиф томонидан амалга оширилган таҳлиллар натижаларига кўра тайёрланди

Автомобиль тракторлар учун тиркамалар ишлаб чиқариш	3,548	7,184	8,391	9,024	9,798	9,617	8,910	11,704
Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	0,622	0,176	0,141	0,118	0,104	0,094	0,208	0,164
Жами юқори инновацион фаол ва ўрта инновацион фаол саноат тармоқлари	6,1	9,4	10,1	11,1	11,4	11,5	10,9	13,9

2019 йилда сотилган маҳсулотлар умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар улуши 6,5 фоизни, инновацион маҳсулотлар умумий ҳажмида инновацион маҳсулот экспорти улуши 17,6 фоизни ташкил этган. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида сотилган маҳсулотлар умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар улуши жуда паст кўрсаткични ташкил этади, мазкур кўрсаткич электроника тармоғида 2019 йилда 0,003 фоизни ташкил этган, холос.

Сўнгги йилларда металлургия, кимё ва нефт-кимё саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми анча ошди. Инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш умумий ҳажмида ёқилғи саноатининг улуши камайган. Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни тармоқлар бўйича дифференциялаш тенденцияси кузатилди.



2.7-расм. Жами инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар⁵⁴

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (www.stat.uz)

Жараёнга умумий баҳо бериш мақсадида маҳсулот, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар динамикасини 2010-2016 йиллар мобайнидаги ўзгаришини келтириб ўтаган (2.7-расм).

Инновацион маҳсулотларнинг катта қисмини (80,0%) охириги 2 йилда ўзлаштирилган товар, иш ва хизматлар ташкил этади. Илк бор ўзлаштирилган инновацион маҳсулотлар 2018 йилда 18,5% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилга келиб 15,1 фоизни ташкил этган. Шунинг ярми хорижий мамлакатларга сотилган.

Мамлакатимизда инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар кейинги 7 йил мобайнида 8.2 баробарга ошган. Яъни 2010 йилда 289 тани ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб 2374 тага етганлигини кўришимиз мумкин. Инновацион фаолиятни ривожланиши дастлибки давр, 2010-2012 йилларда унчалик юқори бўлмаганлигини бироқ 2013-2016 йилларда кескин ошганлигини кузатишимиз мумкин.



2.8- расм. Ҳисобот йилида биринчи марта ўзлаштирилган корхоналар ва улар жами инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар сонидagi улуши⁵⁵

⁵⁵Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (www.stat.uz)

Мамлакатимизда кейинги йилларда инновацион фаолият миқдорий жиҳатдан ўсиш тенденциясига эга, бироқ мазкур жараёни янада чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида ҳисобот йилида биринчи марта ўзлаштирилган корхоналар сони ва уларни жами инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар сонига нисбатини ўзгаришини таҳлилий кўриб чиқамиз (2.8-расм).

Ҳисобот йилида биринчи марта ўзлаштирилган корхоналар сони 2012 ва 2016 йилларни инобатга олмаганда доимий ўсиш тенденциясига эга бўлаган натижада мазкур кўрсаткич 229 тадан 925 тага ошган. Бироқ у энг юқори даражага 2015 йилда етган бўлиб, 1207 тани ташкил қилган. Ушбу кўрсаткичлар мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожланиб келаётганлигидан далолат беради. Аммо, таҳлилларимизни нисбий кўрсаткичлар асосида амалга оширадиган бўлсак, бошқача вазиятга дуч келамиз.

Бунинг учун биз ҳисобот йилида биринчи марта ўзлаштирилган корхоналар ва улар жами инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар сонига улуши аниқлаб олдик. Ушбу кўрсаткич динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2010 йилда 79.2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда келиб 39 фоизни ташкил қилган. Бу ердаги асосий камайиш кейинги 3 йилда содир бўлган бўлиб, хусусан 2016 йилда кескин пасайганлигини кузатишимиз мумкин.

Мазкур ҳолатни табиий қабул қилиш мумкин чунки умумий миқдорни ошиб бориши ҳисобот йилида биринчи марта ўзлаштирилган корхоналар сонини миқдорий жиҳатдан ошган бўлишига қарамасдан нисбий жиҳатдан пасайишини таъминламоқда. Аммо 2016 йилдаги олдинги йилга нисбатан камайишни бундай изоҳлаб бўлмайди, сабаби бу ердаги камайиш ҳам миқдорий ҳам нисбий жиҳатдан содир бўлмоқда.

Ушбу ҳолатни янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида инновацион маҳсулот, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлар динамикасини 2010-2016 йиллар кесимида қараб чиқамиз. Келтирилган иккита кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда биз нисбий кўрсаткичларини ҳисоблаймиз. Инновацион

харажатларни самарадорлигини баҳолаш учун инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмини харажатлар ҳажмига бўламиз ва ҳар бир бирлик харажат эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини аниқлаймиз.

Ушбу ҳисобланган кўрсаткич 2.9-расмда келтирилган бўлиб, мазкур кўрсаткичнинг қанчалик юқори бўлиши самарадорликни шунчалик юқори эканлигини ифодалайди. Амалга оширилган ҳисоб-китобларимизни кўринадикки инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг барқарор ўсиш тенденцияси таъминланган бўлишига қарамасдан, харажатлар миқдори ўзгарувчан бўлган. Натижада ҳар бир харажат эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори юқори бўлган йилларда харажатлар минимал даражада бўлган. Хусусан, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 11.7 сўмни ташкил қилган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги кескин ўсиш ва маҳсулот бирлигига харажатлар камайиши таъминлаган.



2.9- расм. Ҳар бир бирлик харажатга инновацион маҳсулот, иш ва хизматлар қийматининг тўғри келиши⁵⁶

Харажатлар ҳажми 2012 йилда олдинги йилга нисбатан 16 фоизга камайган бўлишига қарамасдан, инновацион маҳсулот, ишлар, хизматларни ишлаб чиқариш ҳажмида кескин ўсиш таъминланган бўлиб, олдинги йилга

⁵⁶Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (www.stat.uz)

нисбатан 2.7 баробарга ошган. 2013 йилга келиб эса харажатлар миқдоридаги кескин ўзгариш кузатилади, яъни олдинги йилга нисбатан 14.9 баробарга ошган. Натижада ҳар бир харажат бирилигига тўғри келадиган инновацион маҳсулот миқдори 1 сўмга тенг бўлган.

Ушбу кўрсаткич инновацион фаолият самарадорлигини янада чуқурроқ таҳлил қилиш имкониятини беради. Кўрсаткич 2012 йилда энг юқори даражага етган бўлиб, инновацион маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмини олдинги йилга нисбатан кескин ўсиши натижасида вужудга келган. 2009 ва 2016 йиллардан ташқари барча йилларда ушбу кўрсаткич 1 дан кичик бўлганлигини, ҳаттоки 2013 йилда -1.3 га тенг бўлганлигини кўришимиз мумкин.



2.10-расм. Қўшимча инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматларни харажатларга нисбати⁵⁷

Мамлакатимизда инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришдаги мавжуд яна бир муаммолардан бири бу инновацион маҳсулот, ишлар, хизматларни ҳудудий кесимда нотекис тақсимланиши ҳисобланади. Бунга асосий таъсир қилувчи омиллар сифатида албатта инновацион фаолият учун сарфланаётган харажатлар ҳамда ҳудудий ривожланишдаги фарқлар ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда ҳукуратимиз томонидан ҳудудлар кесимидаги ривожланиш даражасидаги фарқни камайтириш бўйича бир қатор амалий ишлар ва дастурлар амалга оширилмоқда.

⁵⁷Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (www.stat.uz)

Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг⁵⁸ 3.5 бандини вилоятлар, туманлар ва шаҳарларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан оптимал фойдаланиш деб номланганлиги, ҳамда мазкур муаммони бартараф этиш бўйича мукамал ҳисоб-китобларга асосланган манзили, мақсадли ҳамда аниқ чора тадбирлар, дастурлар, лойиҳалар келтириб ўтилганлиги ҳукумат томонидан муаммога қаратилаётган эътибор ифодасидир.

Мамлакатимизда 2016 йилда ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот, ишлар, хизматларнинг 48 фоизи Тошкент шаҳри 18.3 фоизи Қорақалпоғистон Республикасига ва 9.3 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келмоқда. Бундан кўринадикки вилоятларнинг улуши 24.4 фоизни ташкил қилади. Сурхондарё, Жиззах, Навоий, Бухоро, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматларнинг улуши ҳаттоки бир фоизга ҳам етмаслигини кўришимиз мумкин.

Бироқ Андижон, Самарқанд каби вилоятларда эса анча юқори. Хулоса қиладиган бўлсак, инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажми бевосита ҳудудда саноатнинг ривожланиши билан боғлиқ. Чунки таҳлилларимизни кўрсатишича, саноат ривожланган ҳудудларда мазкур кўрсаткич юқори бўлмоқда.

Инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш бевосита молиялаштириш билан боғлиқ эканлигини инобатга олган ҳолда уларни молиялаштириш манбаларини таркибий жиҳатдан динамикасини таҳлиliga ҳам алоҳида эътибор қаратмоқчимиз (2.9-жадвал).

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони\ lex.uz

Молиялаштириш манбалари бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар, млрд.сўм (2010-2016 йиллар)⁵⁹

	2012 й.	2013 й.	2014й.	2015 й.	2016й.	2017 й.	2018 й.
Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар	264,4	372,6	311,9	4634,2	3757,4	5528,3	2571,4
Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:							
ташкilotнинг ўз мабалағлари	184,3	263,2	213,4	2501,5	1381,5	1251,8	1180,0
Хорижий капитал	48,3	24,9	39,9	1228,7	32,3	156,6	314,9
тижорат банклари кредитлари	30,0	63,7	26,8	533,5	262,5	280,1	157,3
бошқа маблағлар	1,8	20,9	31,7	370,6	2081,0	3839,7	919,1

2012 йилда технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга 264.4 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлса, 2018 йилга келиб 2571.4 миллиард сўмга етган, натижада кейинги 7 йилда 9.7 баробарга ошиши таъминланган. Таркибий жиҳатдан олиб қараганда молиялаштириш манбалари ташкilotнинг ўз маблағлари, хорижий капитал, тижорат банклари кредитлари ва бошқа маблағлар эвазига шаклланган. 2012 йилда уларнинг улуши мос равишда 69.7, 18.3, 11.3 ва 0.7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб 45.9, 12.2, 6.1 ва 35.7 фоизни ташкил қилган. Натижада, инновацион маҳсулот ва хизматларни молиялаштиришда ташкilotнинг ўз маблағлари, хорижий капитал, тижорат банклари кредитлари улуши камайиб, бошқа маблағлар улуши ортган.

Ўзбекистонда жорий қилинган инновацияларнинг асосий қисмини корхоналарнинг ўз кучи эвазига амалга оширилмоқда, жумладан 2018 йида жами 1816 та инновациялар жорий қилинган бўлса, шундан 1523 таси ёки 84 фоизи корхоналарнинг ўз кучи эвазига амалга оширилган. Бошқа ташкilotлар билан ҳамкорликда жорий қилинган инновациялар 117 тани ташкил қилиб, 6.4 фоиз улушга эга. Илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассалари билан ҳамкорликда жорий қилинган инновациялар сони атига 46 тани ташкил

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (www.stat.uz)

қилмоқда (2.10-жадвал). Бунга сабаб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан илмий тадқиқот институтлари ҳамда олий таълим муассасалари орасидаги ҳамкорлик етарли даражада шакллантирилмаган.

2.10-жадвал

Жорий қилинган инновацияларни тури ва тадқиқ қилиниши бўйича сони 2016 йил⁶⁰

	Жами	Ўз кучи билан	Бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда	Улардан:		Бошқа ташкилотлар томонидан
				Илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда	Олий таълим муассасалри билан ҳамкорликда	
Технологик инновациялар	1816	1523	117	41	5	176
Шу жумладан:						
маҳсулотлар бўйича	1118	973	73	15	4	72
жараёнлар бўйича	698	550	44	26	1	104
Маркетинг ташкилий	51	39	-	-	-	12
	39	29	-	-	-	10

Жорий қилинган технологик инновацияларнинг 61.6 фоизин маҳсулотлар бўйича қолган 38.4 фоизи жараёнлар бўйича инновацияларни ташкил қилган.

Юқорида келтирилган технологик инновацияларни жорий қилишда катнашган корхона ва ташкилотлар сони 893 та тенг. Мазкур жараёнда кичик бизнес ва микрофирмаларни роли ҳам етарли дажада юқори бўлиб жами технологик инновацияларнинг 44 фоизи, бошқача айтганда 799 таси улар зиммасига тўғри келади.

Инновацион фаол корхоналар томонидан жорий қилинган инновацияларни улар сонига нисбатини аниқлаш орқали ҳар бир корхонага тўғри келадиган жорий қилинган инновацияларнинг ўртача сонини ҳудудлар кесимида таҳлил қилиб ўтамиз (2.11-жадвал).

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (www.stat.uz)

2.11-жадвал

Инновация жорий қилган корхоналар ва инновациялар сони (2018 йил)

	Инновация жорий қилган корхоналар сони	жами жорий қилинган инновациялар сони	Ҳар бир корхонага тўғри келадиган жорий қилинган инновациялар сони
Қорақалпоғистон Республикаси	24	32	1.3
Андижон	31	104	3.4
Бухоро	55	98	1.8
Жиззах	41	44	1.1
Қашқадарё	5	8	1.6
Навоий	96	194	2.0
Наманган	37	52	1.4
Самарқанд	61	96	1.6
Сурхондарё	84	87	1.0
Сирдарё	51	90	1.8
Тошкент	97	200	2.1
Фарғона	80	203	2.5
Хоразм	17	23	1.4
Тошкент ш.	214	585	2.7
Жами:	893	1816	2.0

Республика бўйича 2018 йилда ҳар бир инновацион фаол корхона ўртача 2 тадан инновация жорий қилган. Худудлар кесимида олиб қараганда энг юқори кўрсаткич Андижон вилоятига тўғри келиб 3.4 га тенг. Кейинги ўринларда Тошкент шаҳрида Фарғона вилояти келади уларнинг кўрсаткичлари мос равишда 2.7 ва 2.5 тани ташкил қилади. Энг паст кўрсаткич Жиззах вилоятига тўғри келиб, 41 та корхона томонидан 44 та инновация жорий қилинган бўлиб, ҳар бир корхонага ўртача 1.1 тадан тўғри келмоқда.

Амалга оширилган таҳлилларимиз натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, худудлар миқёсида номутаносиб иқтисодий ривожланишни баратараф этиш мамалкатимизда инновацион фаолиятни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Фикримизча, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш инновацион салоҳиятни янада оширишга хизмат қилади.

Турли мамлакатларда илмий ва инновацион сиёсатни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари қаторига ялпи миллий маҳсулотда ишланмалар ва тадқиқотлар харажатларининг турлича улушлари киради. Бу ерда Швейцария етакчи ҳисобланади, кейинни ўринларни Германия, Япония, Швеция, Жанубий Корея ва АҚШ эгаллайди. ИТИ ва ТКИ молиялаштириш ҳажми бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қаторига Япония, Германия, Швеция, Швейцария, Жанубий Корея ва АҚШ киради. «Юқори технологиялар мамлакатлари»нинг иккинчи гуруҳи Буюк Британия, Франция, Нидерландия, Италия, бошқа бир қатор Европа давлатлари ва Тайванни ўз ичига олади.

2.12-жадвал

Жаҳон амалиётида давлат корхоналарини қўллаб-қувватлаш шакллари ва даражалари⁶¹

Стратегиялар	Мазмуни
Фаол аралашув давлат стратегиялари	Давлат илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни миллий иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишида асосий ва ҳал қилувчи омиллар сифатида тан олади. Қоидага кўра, ушбу стратегияни танлаш қонунчиликда ва давлатнинг ташқи сиёсатида сезиларли ўзгаришларни назарда тутди. Фаол аралашув стратегияси олий мактабни молиялаштириш ва ўзининг ИТТКИ амалга оширадиган тижорат ташкилотларига катта имтиёзлар билан бир қаторда Япония, Франция, Нидерландия ва бошқа мамлакатларда инновацион фаолиятни кучайтиради.
Номарказлашган тартибга солиш стратегияси	Давлат илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни миллий иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишида асосий ва ҳал қилувчи омиллар сифатида тан олади. Қоидага кўра, ушбу стратегияни танлаш қонунчиликда ва давлатнинг ташқи сиёсатида сезиларли ўзгаришларни назарда тутди. Фаол аралашув стратегияси олий мактабни молиялаштириш ва ўзининг ИТТКИ амалга оширадиган тижорат ташкилотларига катта имтиёзлар билан бир қаторда Япония, Франция, Нидерландия ва бошқа мамлакатларда инновацион фаолиятни кучайтиради.
Аралаш	Иқтисодиётда давлат сектори катта қисмни ташкил этадиган мамлакатларда қўлланилади ва давлат ушбу сектор тармоқларининг юқори экспорт салоҳиятини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлади. Бу ҳолда, давлат корхоналарига нисбатан давлат фаол аралашув стратегиясидан фойдаланади, қолганларга нисбатан эса номарказлашган тартибга солиш стратегиясидан фойдаланади. Ушбу амалиёт Швецияда кенг тарқалган.

⁶¹ Илмий адабиётлар асосида муаллиф ишланмаси

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, инновацион сиёсатни белгилаб берадиган тизимларнинг структурали профиллари, қоидага кўра, ташкил қилиш ва бошқаришнинг кўп поғонали характерига эга. Бу даражалар давлат иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқадиган структураларни, технологиялар ва инновациялар соҳасида сиёсат шакллантирадиган ва тадқиқот йўналишларини белгилаб берадиган органларни ўз ичига олади (2.12-жадвал).

Республика иқтисодиётининг жаҳон бозорига сезиларли даражада интеграциялашуви ва саноат мажмуаси, хусусан, корхоналар жаҳон бозоридаги вазият ва тенденциялар ўзгариши Ўзбекистон саноат комплексининг ҳолати ва ривожланиш истиқболларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда миллий нефт ва газ саноати корхоналари маҳсулотлари жаҳон бозорининг қуйидаги жиддий таркибий ўзгаришларга дуч келмоқда:

- нефт-газ-кимё бизнесига йирик трансмиллий нефт компаниялари кириб келди (ExxonMobil, Shell, British Petroleum, Total каби), улар хомашё ва энергетика кўрсаткичлари бўйича ўзининг рақобатли устунликлари туфайли мустаҳкам ўрин эгаллаган, айрим маҳсулотлар (этилен, полиэтилен, бензол ва ҳ.к.) бўйича эса етакчилик қилмоқда;

- корхона маҳсулоти бозорига уларнинг рақобатбардошлиги кўпинча давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ бўлган ривожланаётган мамлакатлар (Саудия Арабистони, Мексика, Корея ва б.) компаниялари чиқди;

-Хитой кимё саноати ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми бўйича дунёда учинчи (АҚШ ва Япониядан кейинги) ўринга чиқиб олди;

- Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари арзон углеводород хомашёси негизида корхоналар ва нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар экспорт салоҳиятини оширади, бу эса улар ишлаб чиқараётган маҳсулот нархга оид рақобатбардошлиги юқори бўлишини белгилаб беради;

-Хитой ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида саноат корхоналарининг ривожланиш суръати юқори эканлиги натижасида янги ишлаб чиқариш ва савдо марказлари шакллантирилади, АҚШ ва Европа

позициялари заифлашган ҳолда Осиё минтақасининг позициялари мустаҳкамланади;

-хомашё нархининг қимматлиги сабабли йирик тоннажли маҳсулотлар бозорида рақобатбардошликнинг йўқотилиши туфайли ривожланган мамлакатларнинг саноат компаниялари бунда ишлаб чиқаришларни ёпади, инвестициялар портфелини кам тоннажли илмий ҳажмдор маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда чуқур қайта ишлаш юқори технологиялари томон диверсификация қилади;

-корхона маҳсулотлари Ғарбий Европа бозори доирасида фақат атроф-муҳит ва одамлар хавфсизлигини таъминлайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва ташқи савдо алмашинувига йўналтирилган REACH (Registration, Evaluation and Authorisation of Chemicals) дастури жорий қилинган бўлиб, бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни экспертиза қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, хавфсизроқ инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқиш учун ИТТКИ кўшимча харажатларини талаб қилади.

Нефт ва газ саноати корхоналари маҳсулотларини тўрт тоифага ажратиш мумкин: нефт маҳсулотлари ва базавий кимёвий воситалар (тармоқда жаҳон ишлаб чиқаришининг тахминан 35–37%и уларга тўғри келади), нефт ва кимёвий таъминот маҳсулотлари – life science (30%), махсус кимёвий воситалар (20–25%) ва нефтни қайта ишлаш асосида истеъмол товарлари (10% атрофида).

Нефтни қайта ишлаш ва базавий кимёвий маҳсулотларни дунёдаги энг йирик ишлаб чиқарувчиси АҚШ ҳисобланади. 2018 йил жаҳонда ишлаб чиқарилган нефтдан олинган кимёвий воситалар 18,6%и уларнинг улушига тўғри келган (2.13-жадвал).

2.13-жадвал

Жаҳон миқёсида корхона маҳсулотлари ишлаб чиқариш, млрд долл⁶².

№	Мамлакат	2007 й.	улуш, %	2018 й.	улуш, %
---	----------	---------	---------	---------	---------

⁶² American Chemistry Council, Global Business of Chemistry Statistics March 2017.

1.	АҚШ	416,7	26,5	689,3	18,6
2.	Япония	193,8	12,3	298,0	8,1
3.	Германия	124,9	7,9	263,2	7,1
4.	Хитой	80,9	5,1	549,4	14,9
5.	Франция	79,1	5,0	158,9	4,3
6.	Буюк Британия	70,3	4,5	123,4	3,3
7.	Италия	63,9	4,1	122,9	3,3
8.	Бразилия	46,5	3,0	126,7	3,4
9.	Жанубий Корея	39,3	2,5	133,2	3,6
10.	Ҳиндистон	30,7	2,0	98,2	2,7
11.	Россия	23,8	1,5	77,6	2,1
	Бошқа мамлакатлар	403,3	26	1058	29
	Жами	1573,2	100	3698,8	100

АҚШда қайта ишлаш саноати барча тармоқларининг 96%и у ёки бу даражада саноат ишлаб чиқариши ва унинг маҳсулотлари билан боғлиқ. АҚШ саноат корхоналарида 900 минг киши ишлайди, бу тармоқда ҳар бир иш ўрни турдош тармоқларда қўшимча 5 та иш ўрни яратишини ҳисобга олган ҳолда, жами америка иқтисодиётида 4,6 млн. иш ўрни бевосита ёки билвосита кимё саноати билан боғлиқ. Саноат ишлаб чиқариши нисбатан кўп ҳақ тўланадиган ҳисобланади: бу ерда ўртача иш ҳақи йилига 78 минг долларни ташкил қилади, бу эса қайта ишлаш саноати бўйича ўртача кўрсаткичдан 43% кўпдир.

Саноат корхоналарини ривожлантириш жаҳон тенденцияларини тадқиқ этиш унинг ривожланишида қуйидаги босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

I босқич. Узоқ вақт давомида ривожланган мамлакатларнинг саноат компаниялари анъанавий бизнес стратегиясига таяниб, фойдаланилган асосий активлардан қўшимча қиймат олишга ҳаракат қилдилар. 1980-1990-йилларда асосий эътибор савдо ва технологик жараёнларнинг асосий функцияларини такомиллаштиришга қаратилди.

II босқич. Ишлаб чиқариш кўлаmidан самарага эришиш ва харажатларни пасайтириш мақсадини кўзлаган 1990-йиллардан сўнг консолидация ва қайта структуралаш рўй берди.

2017 йилгача бу стратегия ривожланган мамлакатларнинг саноат компанияларига маълум бир муваффақият келтирди ва уларнинг

самарадорлиги саноатнинг бошқа базавий тармоқларида ишлайдиган компаниялардан кўра юқори бўлган.

III босқич. 2019 йилдан сўнг COVID-19 пандемияси сабабли жаҳон бозорларида акциялар курси ва нархيني тушириб юбориб, улар шу пайтгача тикланмади. Пандемиядан кейинги ҳолатнинг асосий устуворлиги бизнингча, ривожланган мамлакатларнинг саноат компаниялари учун билимларга асосланган инновацион стратегияларни (knowledge-based strategy) амалга ошириш ҳисобланади.

Бу стратегия бешта энг муҳим йўналишга эга.

1.Биринчи йўналиш бизнес-моделнинг принципиал ўзгариши, янги компаниялар ташкил қилиш ва истеъмолчиларга самаралироқ хизмат кўрсатиш учун интернет ва ахборот технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ. Гап комбинатор кимё ва биотехнологиялардан фойдаланиш асосида мавжуд кимёвий воситалар ишлаб чиқариш учун тўлалигича янгиланган технологик жараён ишлаб чиқиш ҳақида бориши мумкин.

2.Билимларга асосланган стратегиянинг бошқа йўналиши бизнес юритишда молиявий компаниялар усулларидан фойдаланиш ҳисобланади. Саноати ривожланган мамлакатлар корхоналарида турли венчур компаниялар ўзаро ёрдам фондлари институционал инвесторлар, хусусан, саноат компанияларининг катта акциялар пакетини харид қилади ва уларни бозор қийматини ошириш мақсадида қайта структуралайдиган Sterling Group, Kohlberg Kraves Roberts, Schroder Ventures фаолият кўрсатади. Венчур фондлари келгусида йирик саноат корпорацияларига сотиш учун янги биотехнологик «стартап»ларни фаол қўллаб-қувватлайди.

3.Инновацион стратегиянинг учинчи йўналиши – бу самарали бозорлар яратиш. 1990-йиллар охирларида иккита компания, Chemdex ва CheMatch.com, саноат товарлари, пластиклар ва нефт маҳсулотлари сотувчилари ва харидорлари учун онлайн бозор яратдилар. 2000 йилнинг июлига келиб, Chemdex бозор капиталлашуви 1,4 млрд долларга етди. 2000-йилларда эса кўплаб энг йирик корпорацилар – BASF, Bayer, Dow Chemical,

DuPont – кимёвий воситалар билан савдо қилиш учун онлайн майдончалар яратдилар. Транспарент нарх шакллантириш ва савдо поливинилхлорид, паст босимли полиэтилен ва стироллар каби саноат маҳсулотларига молиявий деривативлардн фойдаланишга имкон берди.

4.Инновацион стратегиядан яна бир фойдаланиш йўли «яширин» активлардан фойдаланиш ҳисобланади. Кўплаб саноат корпорациялари узок йиллар давомида брендлар, патентлар, истеъмолчилар ҳақида маълумотлар банклари, институционал тажриба ва бошқалар каби буюм шаклида бўлмаган активлар кенг доирасини яратган.

5.Кўплаб компаниялар қўшилган қиймат занжирининг турли бўғинларида ўз иштирокини кенгайтиришга интилади. Саноат технологиялари ва бўяш жараёнларини тушунишдаги афзалликларидан фойдаланиб, BASF ишлар сифатини сезиларли даражада оширди ва лок-бўёқ материаллари истеъмолини пасайтирди.

Шундай қилиб, нефт ва газ саноати корхоналари учун инновацион стратегиянинг асосий мақсади компаниянинг инновацион ривожланишини, инновациялар жорий қилиш ҳисобига узок муддатли истиқболда рақобатбардошлик ўсиши в ишлаб чиқариш самарадорлиги ортишини таъминлайдиган шароитлар яратишдан иборат. Инновацион сиёсатнинг вазибалари куйидагилардан иборат: инновацион ривожланишнинг устуворликлари ва йўналишларини асослаб бериш; инновацион фаолиятнинг барча субъектларининг самарали ўзаро алоқаларини таъминлайдиган инновацион жараёнларни оптимал ташкил қилиш; рақобатбардошликни оширишга таъсир этадиган ишлаб чиқариш лойиҳалар ва бошқа чора-тадбирларни танлаш ва амалга ошириш.

Бутун дунёда глобал муаммога айланиб улгурган COVID-19 пандемияси шароитида ички ва ташқи бозорларда нархга, истеъмолчига ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайишига оид рақобат ва харажатларни қисқартириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига олиб келадиган ундовчи кучларга бўлган қарашларни қайта баҳолаш заруратини асослаб берди. Бу

корхоналар инновацион фаоллигини белгилаб берадиган ва ушбу муаммога бўлган қарашларни қайта кўриб чиқишга мажбур қиладиган янги рағбатлантириш механизмлари пайдо бўлишини асослаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефт-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида тармоқни ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилган.

Республика нефт ва газ тармоқ корхоналарини ривожлантириш мақсадида инновацион стратегиясини амалга ошириш қуйидаги асосий вазифаларнинг ҳал этилишини талаб қилади:

-нефт ва газ конларини ички ва ташқи инвестициялар жалб қилиш ҳисобига ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш йўли билан саноат корхоналарида структурали ўзгаришларни чуқураштириш;

табiiй газни кейинчалик ягона оператор сифатида етказиб бериш, жумладан экспорт ва импорт қилиш учун газ қазиб олувчи ва қайта ишловчи ташкилотлар, шу жумладан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар асосида фаолият юритувчи қўшма корхоналар ва хорижий компаниялардан харид қилиш;

тўғридан-тўғри шартномалар асосида магистрал газ қувурига уланган истеъмолчиларга, шунингдек, «Худудгазтаъминот» АЖ билан комиссия шартномалари асосида газ тақсимлаш тармоқларига уланган истеъмолчиларга табiiй газни сотиш;

-ички бозор эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида юқори ликвидли саноат товарлари ишлаб чиқаришларини яратиш;

-тармоқнинг экспорт салоҳияти барқарор ўсишини таъминлаш, янги маҳсулот турларини сотиш бозорларини кенгайтириш;

-янги ишлаб чиқаришлар ва корхоналарни эксплуатацияга тушириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги ва бандликни ошириш;

-маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар таннархи ва ишлаб чиқариш харажатларини аста-секинлик билан пасайтириш, шу асосда унинг рақобатбардошлилигини ошириш;

-ишлаб чиқарилаётган нефт, газ, газ конденсати, полиэтилен ассортименти ва ишлаб чиқариш ҳажмини оптималлаштириш, товар маҳсулоти ҳажмида саноат маҳсулоти улушини босқичма-босқич ошириб бориш;

- эскирган ишлаб чиқаришларни чиқариш, замонавий ишлаб чиқариш кувватлари қурилиши йўли билан тармоқ ишлаб чиқариш фондларини янгилаш;

- табиий газни ва суюқ углеводородларни қазиниш, қайта ишлаш, ташиш, узатиш ва сотишнинг барча босқичларида ресурслар ҳисобини юритиш бўйича электрон ускуналарни қўллаш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига углеводород хом ашёси янги конларини аниқлаш, захираларни кўпайтиришни таъминлаш мақсадида республика углеводород хом ашёси захираларини жадал ривожлантириш ва қайта тиклаш, геология қидирув ишларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш;

-илгор инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тармоқда ишлаб чиқаришлар яратиш учун чет эл инвестициялари жалб қилиш.

2-боб бўйича хулосалар

Нефт ва газ саноати республикамиз иқтисодиётининг етакчи стратегик тармоқларидан бўлиб, у мамлакат иқтисодиётининг локомотиви ҳисобланади.

Ҳозирда Ўзбекистонда 242та нефт ва газ конлари топилган. Кашф этилган конларда ўрганилаётган углеводород захиралари миқдори анча юқори. Мамлакатимиз ҳудудининг 60% нефт ва газ учун истиқболли эканлиги аниқланди. Фикримизча, республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия

ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, нефт-газ тармоғи корхоналарини молиявий соғломлаштиришни таъминлаш, қабул қилинган халқаро амалиёт асосида соғлом рақобатни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, инновацион фаолиятни жадаллаштириш, замонавий рақамли технологияларни ва илғор бошқарув усуллари жорий этиш зарур.

Нефт-газ саноати соҳаси корхоналарини барқарорлигини таъминлаган ҳолда ривожланишини таъминлаш вазифаси фаолиятнинг устувор йўналишларини аниқ белгилашни тақозо этади. Соҳанинг йўналишларини фаоллаштиришда углеводород хом ашёсини излаш бўйича замонавий технологияларни жалб қилишга имкон берадиган тегишли молия ресурсларини талаб қилади.

Шунинг учун, республикада хорижий инвесторларни жалб этишга, бу масалалар юзасидан энг аҳамиятли лойиҳалар қаторидан Газпром ва Лукойл (Россия), CNODC (КНР), Петровъетнам (Вьетнам), KNOC (Корея), SASOL (ЖАР), Орол лойиҳаси бўйича компаниялар Консорциуми каби инвестицион лойиҳаларни эътироф этиш мумкин.

Муборак нефт ва газни қазиб чиқариш бошқармаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар Марказий Осиёда энг йирик ташкилотлардан ҳисобланиб, у йилига 8,7 млн. тонна углеводород хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга. Тадқиқотлар асосида Муборак нефт ва газни қазиб чиқариш бошқармаси ва унинг корхоналаридаги инновацион салоҳият даражасини аниқлашда ташкилий кўрсаткичларни эътиборга олиш зарурлиги аниқланди.

Фикримизча, инновацион салоҳиятни баҳолаш ва рағбатлантиришда асосий мақсадга эришишни таъминлаш учун нефт ва газ қазиб чиқариш ва ишлов бериш корхоналарининг инновацион салоҳиятини аниқлашда муаммоли вазиятларни ёритиб бериш ва рағбатлантиришга тавсиялар беришга имкон берувчи ривожланишининг иқтисодий омилларини ва уни ташкил қилувчи таркибий қисмларини тўлиқ ва ҳар томонлама баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Инновацион салоҳиятни рағбатлантиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантиришда унинг иқтисодий моҳияти, унга таъсир ўтказувчи омиллар, уларнинг таркибий қисмларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш усулини танлаш;

рағбатлантириш жараёнини зарурий, ишончли ва аниқ ахборотлар билан таъминлаш;

яратилган, харид қилинган, ўзлаштирилган (ёки ўзлаштирилаётган) инновация натижасига мувофиқ инновацион салоҳият даражасини аниқлаш;

рағбатлантириш мақсадида олинган натижаларнинг таҳлил ҳамда тадбиқ қилиниши;

инновацион салоҳиятни рағбатлантиришни такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқиш.

Тадқиқотда республикада инновацион фаолиятни ташкил этиш ва унинг ривожланиш жараёнига умумий баҳо бериш мақсадида маҳсулот, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналарининг 2012-2019 йиллар мобайнидаги ўзгариш динамикаси таҳлил қилинган. Олиб борилган таҳлилларга кўра мамлакатимизда инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар кейинги 8-9 йилда 8.5 баробарга ошган. Яъни улар сони 2012 йилда 289 тани ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 2374 тага етганлигини кўришимиз мумкин.⁶³

Таъкидлаш жоизки, фан-технология ва инновацион фаолият ривожланишининг асосий индикаторлари ва тенденцияларини таҳлил қилиш бўйича ягона методология мавжуд эмаслиги сабабли амалдаги усуллар мавжуд статистик ва динамик-иқтисодий таҳлилларга асосланади.

Диссертация ишида тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан республикада нефт ва газ саноати корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилди.

Диссертация ишида республика конларида газни циолетли тозалаш ва қуритиш қурилмаси, газни бирламчи тайёрлаш ва нефт тайёрлаш

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (www.stat.uz)

қурилмаларини янги технологиялар билан таъминлашда инновацион салоҳиятни рағбатлантириш стратегиясини молиявий ва технологик аудит (тижорат стратегияси, тижоратлаштириш салоҳиятига эга бўлган технологияларни аниқлаш, ушбу технологияларни сотиб олиш ёки бозорга чиқариш йўллари ва усулларини аниқлаш) асосида рағбатлантириш механизми такомиллаштирилди.

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ ВА ГАЗНИ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ РАЎБАТЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарида инновацион салоҳиятини раўбатлантириш усулларини ривожлантириш

Инновацион салоҳият инновацион ресурслар тўлиқ ҳаракатланиши мумкин бўлган инновацион маҳсулотнинг ўша максимал ҳажмини тавсифлайди. Бу тушунча эришилган инновацион натижалар ва мавжуд инновацион ресурслар имкониятлари орасидаги фарқ қанчалик катта эканлигини аниқлашга имкон беради. Якуний натижада корхона ишлари молиявий кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилган ташкилот инновативлигидир. Бу ҳам тезкор, ҳам стратегик даражада муносиб бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон беради. Инновацион салоҳият нафақат корхонанинг ҳозирги вақтдаги инновацион активини акс эттиради, балки келажакда унинг кўпайиши қобилиятини тавсифлайди.

Корхона инновацион салоҳияти ҳисоб-китоби – жуда мураккаб вазифа. Корхонанинг жамланган инновацион салоҳияти ҳар қандай ҳолатда ҳам аниқ ижодий таҳлил предмети бўлган ресурсларнинг алоҳида турларининг мураккаб чизиқсиз функцияларини ўзида намоён қилади. Корхона учун ҳар бир инновацион ресурс ҳиссаси ва камроқ молиявий маблағлар билан тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ташкилот самарадорлигини оширишни таҳлил қилиш муҳимдир. Бунда вақт муҳим омил саналади, яъни қарорларни қабул қилишнинг қайси: ўрта муддатлими ёки узоқ муддатлилиги аниқланади.

Инновацион ресурслар базасининг алоҳида таркибий қисмлари корхона инновацион салоҳиятининг етарли узоқ заиф томонлари ҳам бўлиши мумкин. Айтайлик, ривожланиш ҳақидаги одатий тасаввурлар мураккабланиши ҳисобига маълум ёшдан бошлаб компания юқори раҳбариятининг инновационлиги пасаяди; ёки корхона учун зарур ишлаб чиқаришнинг радикал модернизацияси келгусида таъминлаш мумкин бўлмаган молиявий ресурсларни талаб қилади; ёки


корхонанинг иерархик тузилмасига асосланган, инновацион жараён учун истисно бўлмаган ва қисқа муддатда ўзгармайдиган ҳамда унинг инновационлиги мавжуд ходимларда шаклланиши мумкин бўлмаган корхонанинг ташкилий маданияти. Ишда олиб борилган таҳлиллар асосида миллий нефть ва газ саноати корхоналарида инновацион салоҳиятнинг паст даражада бўлишига сабаб бўлган салбий омиллар ва уларнинг оқибатлари аниқланди (3.1-жадвал).

3.1-жадвал

Миллий нефт ва газ саноатида инновацион салоҳиятнинг паст даражада бўлишига сабаб бўлган омиллар

Салбий омиллар	Сабаб ва оқибатлар
Нефт ва газ саноатида фойдаланилаётган техника ва технологиялар эскириш даражасининг юқорилиги	Республика конларида нефт ва газ қазиб чиқариш, нефт ва газ конденсатларини қазиб олиш. Тармоқ корхоналарида эса нефтни қайта ишлаш, газни бирламчи тайёрлаш, суюлтирилган газни ишлаб чиқариш корхоналари асосий фондларини актив қисмини ёши 30-40 йиллар, ҳаттоки 50 йилларни ташкил этади.
илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаштириш даражасининг пастлиги	Сўнги йилларда нефть-газ саноатида инновацияни ривожлантириш бўйича инвестициялар киритилаётган бўлсада, тармоқнинг фонда ва капитал сифими юқорилиги хусусиятидан келиб чиқиб қараладиган бўлса, инновацион жараёнларга йўналтирилган молиявий маблағлар пастлигича қолмоқда. Шу ўринда ИТТКИга қиладиган ҳаражатларини 1 тонна нефть эквиваленти ҳисобида олинса, унда Хитойда 2,35 АҚШ доллар, Бразилияда 3,22 АҚШ доллар, Россияда эса 0,2 АҚШ долларини ташкил қилади.
нефть-газ қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналари томонидан сотилаётган маҳсулотлар таркибида инновацион маҳсулотлар улушининг пастлиги.	Сўнги йилларда нефт ва газ корхоналари томонидан кўпгина инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлсада, уларнинг умумий сотилаётган маҳсулотлар таркибида ҳисоб-китобларга қараганда ўртача 20-22 фоизни ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич даражасини таҳлил қилсак, Россия 20 талик мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаганлигини ҳамда бу мамлакатимиз учун инновацион ривожланиш сари интилаётганимизни жадаллигини англатади.
инновацион жараёнларни молиялаштириш ҳажми асосан қидирув ва қазिश сегментлари йўналтиришга қаратилган.	Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, киритилаётган жами инвестицияларнинг қарийб 80-85 фоизи қидирув ва қазिशга йўналтирилмоқда. Нефт ва газни қайта ишлаш ва нефть-кимё соҳасида инновацион жараёнларни молиялаштириш даражаси пастлигича қолмоқда.
нефть-газ саноатида инновацион, технологик янгиланиш жараёнининг секин бориши ҳисобига тармоқда унумдорлик даражасини пастлиги.	Нефт ва газ саноатида унумдорлик ўсишини таъминлашнинг асосий омили қуйидагилар ҳисобланади: янги технологиялар, ускуналар ва ноу-хаудан (know-how) фойдаланиш (20-25%); янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражасини кенгайтириш, юқори қўшилган қиймат маҳсулотлари улушини ошириш (20-25%); ташкилий самарадорлик, шу жумладан ходимлар квалификацияси, ишлаб чиқариш ва ходимларни бошқариш тизими (10%); ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш (10%)

Ушбу салбий омилларни аниқлаш шароитида инновацион салоҳиятни таҳлил қилиш инновацион фаолиятнинг кўпроқ самарали йўналишини айтиб беради ва оптимал инновацион стратегияларни аниқлайди. Мумкин бўлган стратегиялар турли-туманлиги чекламагани ҳолда стратегияни бир неча турларга бўлиш мумкин. Бошланғич стратегия ёки илмий-технологик етакчилик стратегияси оқланиши мумкин ва юқори хавф билан тавсифланади. Уни ходимнинг юқори малакаси, ўзгаришларга қулай ташкилий муҳит, йирик молиявий ресурсларда қўллаш мумкин. Бундай стратегиянинг бир қийматли аргументлари бозор етакчиси ҳисобланган корхонада топилади.



3.1-расм. Корxonанинг жамланган инновацион салоҳияти⁶⁴

Ҳимоя (мудофаа)ли инновацион стратегия чекланган молиявий ресурслардаги инновацион фаолиятни амалга оширадиган ҳар қандай ташкилот учун қулай, қисман яхшиланган технологияга мўлжалланган. У унча юқори бўлмаган хавф билан тавсифланади ва ишлаб чиқаришнинг кам харажатлари ҳисобига эришилади. Бундай шароитларда ходимлар инновационлиги, хизматчилар инновацион фаолиятини рағбатлантириш тизимини татбиқ этиш ва ташкилий расмийлаштириш, ташкилот маданиятини ривожлантириш йўли билан корхона ишчиларининг технологик инновациялар таклифлари оқимини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ..

⁶⁴ Муаллиф ишланмаси

Оралик стратегия эркин бозор тармоқларини излаш, инноваторнинг ихтисослаштиришдаги бўш жойини тўлдириш, бевосита конфронтациядан онгли чиқариш (шундай маҳсулот билан бозордан чиқмаслик).

Маълум ташкилий-бошқарув янгилигини аниқ корхонага киритиш қарорини ҳал қилишда инновациянинг ташкилот билан ижтимоий-руҳий мослигини синчковлик билан ўрганиш зарур. Шундай қилиб, инновацион салоҳият тушунчаси нафақат корхона янгилик киритиш фаолиятини статик тавсифлайди, балки чуқур инновацион таҳлиллар, тезкор ва стратегик қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Саноат корхонасининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот инновацион параметрларини эгаллаган корхона рақобатбардошлиги омиллари йиғиндиси асосий ўринни эгаллайди. Инновация харажатларни камайтириш ва янги бозорда тўсиқнинг стратегик воситаси бўлмоқда. Корхонанинг инновацион фаолиги тавсифи “инновативлик” тушунчасидир. Инновативлик умумий кўринишда инновацияларга мойиллик, инновацион фаолиятга корхонанинг тайёрлиги қобилиятидир.

Корхоналарда инновацион фаолиятни шакллантириш учун қуйидаги қийинчиликлар мавжуд: биринчидан, корхоналарнинг стратегик ва жорий вазифалари орасидаги қарама-қаршиликлар корхоналарнинг инновацияни жалб қилишини пасайтиради, иккинчидан, инновация ишлаб чиқариш жараёнини бузади. ИТТКИнни молиялаштиришнинг эскиси бузилди, янгиси тикланмади; иқтисодни бошқаришда расмиятчилик ёндашуви енгиб ўтилмади.

Корхонанинг инновацион ресурсларини ташқи ва ички ресурсларга ажратамиз. Ташқи ресурслар амалий аниқловчи роль ўйнайди. Бу – инновацион инфратузилма, инновацион муҳит, давлатнинг қонуний, солиқ-бюджет ва кредит томонидан қўллаб-қувватлаши. Ички инновацион ресурслар ҳар қандай ташкилотга тегишли: ташкилот ходими, эришилган техник-технологик жараён, инновацион жараёнларнинг вазифаларини бошқариш тизими ва бошқариш тузилмаси мувофиқлиги, номоддий актив шаклидаги ақлий мулк, тугалланмаган

инновацион лойҳалар кўринишидаги илмий-техник захира, коммуникацион инфратузилма, инновацион фаолиятни молиявий таъминлаш.

Инновацион салоҳият, инновацион ресурсларига эга бўлган ташкилотнинг тўла ҳаракатда бўлган инновацион маҳсулотининг максимал ҳажмини тавсифлайди. Бу тушунча мавжуд инновацион ресурслар имкониятлари билан эришилган инновацион натижалар орасида фарқ қанчалик катта эканлигини аниқлашга имкон беради. Инновацион салоҳият нафақат корхонанинг ҳозирги вақтдаги инновацион фаоллигини акс эттиради, балки келгусида уни кўпайтириш қобилиятини тавсифлайди.

Диссертация тадқиқоти давомида аниқландики, нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари инновацион салоҳиятининг корхона ресурслар базаси ҳолатини тавсифлайдиган ва ушбу корхоналарнинг инновацион салоҳиятига бозорни белгилаб берадиган рақобатли устунликларини бириктиришга қодир бўлган энг муҳим таркибий қисмлари кадрлар, молиявий-иқтисодий, ишлаб чиқариш ва илмий-техник ресурслар ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, маҳаллий ва хорижий олимларнинг инновацион салоҳиятни баҳолаш бўйича аниқланган усулларини ўрганиш, ушбу усуллар ва уларда ҳисобга олинган таркибий қисмлар ва кўрсаткичларни тўлиқ қамраб олинмаганлигини кўрсатди.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан саноат корхонасининг етарлича хилма-хиллик, минимал муҳим етарлилик ва мақсадли йўналтирилганлик тамойилларини ҳисобга олган ҳолда нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари инновацион салоҳиятининг у ёки бу таркибий қисми унинг даражасига таъсирини тавсифлайдиган қуйидаги кўрсаткичлар тизими шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлишини асосланди.

Шунга кўра ишда инновацион жараённи амалга оширишнинг ҳар бир босқичида инновацион салоҳиятнинг 4 та гуруҳлашган асосий кўрсаткичлари ва уларда муаян таркибий қисм таъсирини акс эттирувчи кўрсаткичлари (60та) тизимлаштирилган бўлиб, уларни ҳисоблаш, режалаштирилган ва амалда олинган натижаларини таққослаб бориш, натижаларга кўра фарқлар сабабини

аниқлаштириш зарурати инновацион салоҳиятни тўғри баҳолаш ва рағбатлантириш имконини бериши асосланган (3.2-жадвал).

3.2-жадвал

Нефт ва газ саноати корхонаси инновацион салоҳияти даражасини белгиловчи таркибий қисмлар ва кўрсаткичлар⁶⁵

Муайян таркибий қисм таъсирини акс эттирувчи кўрсаткичлар	Кўрсаткични шакллантириш
1. Кадрлар таркибий қисми	
1. Ўртача рўйхатдагилар сони	Йиллик ҳисобот маълумотлари бўйича
2. Олий маълумотли ходимлар улуши	Олий маълумотли ходимлар сонининг ходимлар ўртача рўйхат сонига нисбати
3. Илмий даражага эга бўлган ходимлар улуши	Илмий даражага эга бўлган ходимлар улушининг ходимлар ўртача рўйхат сонига нисбати
4. Ўқиётган ёки малакасини ошираётган ходимлар улуши	Ўқиётган ёки малакасини ошираётган ходимлар улушининг ходимлар ўртача рўйхат сонига нисбати
5. Инновацион фаолият билан шуғулланувчи ходимлар улуши	Инновацион фаолият билан шуғулланувчи ходимлар улушининг ходимлар ўртача рўйхат сонига нисбати
6. Кадрлар қўнимсизлиги	Ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатирилган ходимлар сони ўртасидаги фарқнинг ходимлар ўртача рўйхат сонига нисбати
7. Ўртача ойлик иш ҳақи	Йиллик ҳисобот маълумотлари бўйича
8. Йил давомида иш ҳақининг ўсиши	Кўриб чиқилган давр учун иш ҳақи даражасининг олдинги кўрсаткичга нисбати
9. Ходимларнинг ижодий фаоллигини ошириш учун ташкилий шаклларнинг мавжудлиги, шу жумладан лойиҳа гуруҳлари	Корхона маълумотлари бўйича
10. Корхонада инновацион маданият даражаси	Корхона маълумотлари бўйича
11. Бир йилдаги можароли вазиятлар сони	Корхона маълумотлари бўйича
2. Ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми	
12. Майдонлар ресурси	Корхона эгаллаб турган бинолар умумий майдони
13. Асосий капитал миқдори	Йил охирида асосий капиталнинг қиймати
14. Асосий воситалар ўртача йиллик қиймати	Ҳар ойнинг 1-санасига асосий капитал умумий қийматининг йилдаги ойлар сонига нисбати
15. Фонд билан жиҳозланганлик	Асосий капитал баланс қийматининг ходимлар ўртача рўйхат сонига нисбати
16. Асосий технологик ускуналар паркиннинг ўртача ёши	Бир хил ёшдаги технологик ускуналар сони шу ёшга кўпайтмасининг технологик ускуналар сонига нисбати
17. Фонд қайтими	Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматининг асосий капитал ўртача йиллик қийматига нисбати
18. Фонд сигими	Асосий капитал ўртача йиллик қийматининг ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига нисбати
19. Асосий капитални янгилаш коэффициенти	Янги жорий этилган асосий воситалар қийматининг йил охиридаги асосий воситалар қийматига нисбати
20. Асосий капиталнинг чиқиш коэффициенти	Чиқиб кетган асосий воситалар қийматининг йил бошидаги асосий воситалар қийматига нисбати
21. Асосий капиталнинг ўсиш коэффициенти	Янги жорий қилинган асосий воситалар қиймати ва чиқиб кетган асосий воситалар қиймат ўртасидаги фарқнинг йил охирида асосий воситалар қиймати қолдиғига нисбати
22. Эскириш даражаси	Ҳисобланган амортизациянинг бошланғич қийматга нисбати
23. Асосий капиталнинг фаол қисми салмоғи (маҳсулот яратишда бевосита)	Асосий капиталнинг фаол қисми қийматининг асосий воситалар умумий қийматига нисбати

⁶⁵ Муаллиф ишланмаси

иштирок этувчи капитал қисми – куч машиналари, ишчи машиналар, асбоб-ускуналар, ўлчаш, тартибга солиш, узатиш ускуналари ва қурилмалари ва б.)	
24. Меҳнат унумдорлиги	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ходимлар ўртача рўйхат сонига нисбати
25. Йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори	Йиллик ҳисобот маълумотлари бўйича
26. Йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори динамикаси	Кўриб чиқилаётган даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг олдинги даврдаги миқдорга нисбати
27. Сотилган маҳсулот таннархи	Йиллик ҳисобот маълумотлари бўйича
28.Йил давомида капитал қўйилмалар миқдорининг ўсиши	Кўриб чиқилаётган даврда капитал қўйилмалар миқдорининг олдинги даврдаги миқдорга нисбати
3. Молиявий-иқтисодий таркибий қисм	
29. Йил давомида захиралар ўсиши	Кўриб чиқилаётган даврда захиралар миқдорининг олдинги даврдаги миқдорга нисбати
30.Йил давомида ўз маблағларининг ўсиши	Кўриб чиқилаётган даврда ўз маблағлари миқдорининг олдинги даврдаги миқдорга нисбати
31.Йил давомида қарз маблағларининг ўсиши	Кўриб чиқилаётган даврда қарз маблағлари миқдорининг олдинги даврдаги миқдорга нисбати
32. Йил давомида активларнинг ўсиши	Кўриб чиқилаётган даврда активлар миқдорининг олдинги даврдаги миқдорга нисбати
33. Активларда ўз айланма воситаларининг улуши	Ўз айланма воситаларининг активлар миқдорига нисбати
34. Айланма маблағларнинг айланиши	Сотилган маҳсулот таннархининг айланма воситалар ўртача қолдиғига нисбати
35. Операцион фойда	Сотилган маҳсулотдан олинган фойда билан тижорат ва бошқарув харажатлари уртасидаги фарқ
36. Соф активлар	Йиллик ҳисобот маълумотлари бўйича
37. Соф активлар рентабеллиги	Операцион фойданинг соф активлар қийматиғаа нисбати
38. Соф фойда	Йиллик ҳисобот маълумотлари бўйича
39. Соф фойданинг даромаддаги улуши	Соф фойда миқдорининг даромадга нисбати
40. Йил давомида дебиторлик қарзларининг ўсиши	Кўриб чиқилаётган даврда дебиторлик қарзлари миқдорининг олдинги даврдаги миқдорга нисбати
41. Йил давомида кредиторлик қарзларининг ўсиши	Кўриб чиқилаётган даврда кредиторлик қарзлари миқдорининг олдинги даврдаги миқдорга нисбати
42.Умумий ликвидлик коэффиценти	Айланма активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга (қисқа муддатли кредитлар ва заемлар, жумладан, қисқа муддатли кредиторлик қарзлари) нисбати
43.Тез (шошилиш) ликвидлик коэффиценти	Пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва соф дебиторлик қарзи йиғиндисининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати
44. Мутлақ ликвидлик коэффиценти	Пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар йиғиндисининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати
45. Молиявий мустақиллик коэффиценти	Ўз капиталининг қарз капиталига нисбати
46. Ўз маблағларининг автономлик коэффиценти	Ўз капиталининг барча активлар йиғиндисига (баланс валютаси) нисбати
47. Ўз маблағларининг маневрлик коэффиценти	Ўз айланма воситаларининг (ўз капитали минус айланмадан ташқари активлар) ўз капиталига нисбати
48. Леверидж коэффиценти	Қарз капиталининг (узоқ муддатли ва қисқа муддатли пассивлар йиғиндиси) ўз капитали умумий қийматиға нисбати
49.Айланма воситалар билан таъминланганлик коэффиценти	Ўз айланма воситаларининг айланма активларга (моддий айланма активлар плус пул маблағлари, қисқа муддатли капитал қўйилмалар ва дебиторлик қарзлари) нисбати
50. Сотув рентабеллиги	Операцион фойданинг маҳсулот, иш, хизматлар сотиш ҳажмиға нисбати
51. Активлар рентабеллиги	Операцион фойданинг барча фойдаланиладиган активларга нисбати
52. Ўз капитали рентабеллиги	Соф фойда миқдорининг ўз капитали миқдорига нисбати

4. Илмий-техник таркибий қисм	
53. Корхонада рўйхатга олинган патентлар, лицензиялар, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектлари сони	Корхона маълумотлари бўйича
54. Патентлар, лицензиялар, товар белгилари қиймати активларнинг умумий қийматидаги улуши	Патентлар, лицензиялар, товар белгилари қийматининг активлар умумий қийматига нисбати
55. Инновацион фаолият харажатларининг ўсиши	Кўриб чиқиладиган давр учун инновация фаолияти бўйича харажатлар миқдорининг олдинги кўрсаткичга нисбати
56. Янгиликлар, яъни инновацион жараённинг исталган босқичида бўлган маҳсулот ва технологиялар сони	Корхона маълумотлари бўйича
57. Корхона томонидан товар ва хизматлар сотиш умумий ҳажмида сотиладиган илмий ҳажмдор маҳсулотларининг улуши	Ҳисобот даврида сотилган илмий ҳажмдор маҳсулотлар миқдорининг сотилган маҳсулотлар умумий миқдорига нисбати
58. Инновацион фаолият жараёнида фойдаланиладиган ноёб ускуналар бирликлари сони	Корхона маълумотлари бўйича
59. Хорижда сотиладиган инновацион маҳсулотлар улуши	Экспортга сотилган инновацион маҳсулотлар қийматининг ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар умумий қийматига нисбати
60. Асосий воситаларнинг умумий ҳажмида тажриба, тадқиқот, лаборатория асбоб-ускуналарининг улуши	Тажриба, тадқиқот ва лаборатория ускуналари қийматининг асосий воситалар умумий миқдорига нисбати

Таклиф қилинадиган кўрсаткичлар таркиби, бизнинг фикримизча, саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадларига мос келади, чунки унинг энг муҳим таркибий қисмлари корхона инновацион салоҳиятининг шаклланишига таъсирини акс эттиради.

Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятни баҳолаш мақсадида 4 та таркибий қисмдан фойдаланиш таклиф этилади - 4 та асосий элемент: кадрлар, ишлаб чиқариш, молиявий-иқтисодий ва илмий-техник ресурсларни ўз ичига олган ресурслар таркибий қисми ҳамда инновацион салоҳиятнинг мақсадли хусусиятларини ифодаловчи ва корхонанинг мавжуд имкониятларини амалга оширишнинг якуний натижасини акс эттирувчи натижали таркибий қисм.

Бизнингча, ундан фойдаланиш самарадорлигидан энг тўлиқ далолат берадиган саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти ушбу таркибий қисмлар сифатида корхонанинг ўз капитали миқдори ўсишини акс эттирадиган иқтисодий ўсиш кўрсаткичини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу кўрсаткичнинг моҳияти корхона йил бошида тасарруфида бўлган ўз

капиталига нисбатан фоиз сифатида бир давр мобайнида қайта инвестиция қилган фойдаси миқдорида акс эттирилади.

Корхонанинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичини ҳисоб-китоб қилиш куйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$Э_p = R_{PP} * R_{ЧА} * \Phi_p * K_p * Ч_n / O_n, \quad (3.1)$$

бу ерда:

R_{PP} — сотув рентабеллиги;

$R_{ЧА}$ — соф активлар рентабеллиги;

Φ_p — молиявий дастак;

K_p — қайта инвестициялаш коэффициентлари;

$Ч_n$ — соф фойда;

O_n — операцион фойда.

Кўрсаткичлар сонини кичик танлама талабларига мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида амалга ошириладиган танлаб олинган кўрсаткичлар йиғиндисини кейинги статистик ихчамлаштириш давомида саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолашнинг таклиф этилаётган услубиятида келгусида фойдаланиладиган кўрсаткичларнинг натижали таркибий қисмига таъсир кўрсатиш даражаси бўйича энг муҳим даражаси кўрсаткичлар гуруҳи аниқланди

Ўзгарувчилар орасидаги, яъни корхонанинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан унинг инновацион салоҳияти шаклланишини тавсифловчи кўрсаткичлар ўртасидаги муносабатларнинг мустақамлик даражасини аниқлаш учун корреляция коэффициентлари қўлланилади.

Жаҳон амалиётида корреляция коэффициентининг критик қийматлари 0.5 ва -0.5 деб қабул қилинган. Агар корреляция коэффициенти модули 0,5 дан катта бўлса, ўзгарувчилар орасидаги боғлиқлик кучли деб ҳисобланади. Корреляция коэффициенти модули 0,5 дан кичик бўлганда ўзгарувчилар орасидаги боғлиқлик кучсиз деб ҳисобланади. Агар корреляция коэффициенти модули мусбат бўлса, демак, ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлик тўғри, яъни омилнинг ўсиши билан инновацион фаолият самарадорлиги ҳам ўсади. Агар корреляция коэффициенти

модули манфий бўлса, боғлиқлик тескари бўлади ва омил ўсганида инновацион фаолият самарадорлиги пасаяди.

Корреляция коэффициентлари куйидаги формула бўйича ҳисоб-китоб қилинади:

$$r_{xy} = \frac{\sum(x_i - \bar{x}) \times (y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum(x_i - \bar{x})^2 \times \sum(y_i - \bar{y})^2}} \quad (3.2)$$

бу ерда:

x_i - даврда «макро» омил қиймати;

\bar{x} - барча даврларда «макро» - омил ўртача қиймати;

y_i - i даврда иқтисодий ўсиш кўрсаткичи қиймати;

\bar{y} - барча даврларда иқтисодий ўсиш кўрсаткичи ўртача қиймати.

Олинган натижалар ишончилиги t-Стъюдент статистикаси ва Дарбин-Уотсон статистикаси билан тасдиқланади.

Юқорида таклиф этилаётган кўрсаткичларни ҳисоблашда корхона иқтисодий ўсиш сурьютларини ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аниқланган натижалар шаффофлигин таъминлайди.

3.3-жадвал

Танлаб олинган кўрсаткичларнинг корхона иқтисодий ўсиши билан чамбарчас боғлиқлик даражаси⁶⁶

Кўрсаткич	Корреляция коэффициент и қиймати	Кўрсаткич	Корреляция коэффициент и қиймати
Ўртача рўйхат сони	0,09	Йил давомида активларнинг ўсиши	0,12
Олий маълумотли ходимлар улуши	0,76	Активларда ўз айланма воситаларининг улуши	0,16
Илмий даражага эга бўлган ходимлар улуши	0,38	Айланма маблағларнинг	0,58
Ўқиётган ёки малакасини ошираётган ходимлар улуши	0,32	Операцион фойда	0,79
Инновацион фаолият билан шуғулланувчи ходимлар улуши	0,86	Соф активлар	0,41
Кадрлар қўнимсизлиги	-0,65	Соф активлар рентабеллиги	0,95
Ўртача ойлик иш ҳақи	0,70	Соф фойда	0,86
Йил давомида иш ҳақининг ўсиши	0,68	Соф фойданинг даромадаги	0,56

⁶⁶ Муаллиф ишланмаси

Ходимларнинг ижодий фаоллигини ошириш учун ташкилий шаклларнинг мавжудлиги, шу жумладан лойиҳа гуруҳлари	0,11	Йил давомида дебиторлик қарзларининг ўсиши	-0,38
Корхонада инновацион маданият даражаси	0,26	Муддати ўтган дебиторлик қарзларининг жами дебиторлик қарзларидаги	-0,21
Бир йилдаги можароли вазиятлар сони	-0,58	Йил давомида кредиторлик қарзларининг	-0,11
Майдонлар ресурси	0,06	Муддати ўтган кредиторлик қарзларининг жами кредиторлик қарзларидаги	-0,44
Асосий капитал миқдори	0,62	Умумий ликвидлик коэффиценти	0,39
Асосий воситалар ўртача йиллик киймати	0,49	Тез (шошилиш) ликвидлик коэффиценти	0,66
Фонд билан жиҳозланганлик	0,77	Мутлақ ликвидлик коэффиценти	0,62
Асосий технологик ускуналар паркининг ўртача ёши	-0,68	Молиявий мустақиллик коэффиценти	0,47
Фонд қайтими	0,73	Ўз маблағларининг автономлик коэффиценти	0,45
Фонд сигими	-0,14	Ўз маблағларининг маневрлик коэффиценти	0,38
Асосий капитални янгилаш коэффиценти	0,16	Леверидж коэффиценти	-0,91
Асосий капиталнинг чиқиш коэффиценти	-0,13	Айланма воситалар билан таъминланганлик	0,33
Асосий капиталнинг ўсиш коэффиценти	0,23	Сотув рентабеллиги	0,89
Эскириш даражаси	-0,64	Активлар рентабеллиги	0,29
Асосий капиталнинг фаол қисми салмоғи (маҳсулот яратишда бевосита иштирок этувчи капитал қисми – куч машиналари, ишчи машиналар, асбоб-ускуналар, ўлчаш, узатиш ускуналари ва қурилмалари ва б.)	0,18	Ўз капитали рентабеллиги	0,87
Меҳнат унумдорлиги	0,75	Корхонада рўйхатга олинган патентлар, лицензиялар, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектлари	0,63,
Йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори	0,34	Патентлар, лицензиялар, товар белгилари	0,49
Йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори динамикаси	0,59	Инновацион фаолият харажатларининг ўсиши	0,77
Сотилган маҳсулот таннари	-0,74	Янгиликлар, яъни инновацион жараённинг исталган босқичида бўлган маҳсулот ва технологиялар	0,83

Йил давомида капитал қўйилмалар миқдорининг ўсиши	0,58	Корхона томонидан товар ва хизматлар сотиш умумий ҳажмида сотиладиган илмий ҳажмдор маҳсулотларининг улуши	0,75
Йил давомида захиралар ўсиши	0,28	Инновацион фаолият жараёнида фойдаланиладиган ноёб	0,74
Йил давомида ўз маблағларининг ўсиши	0,31	Хорижда сотиладиган инновацион маҳсулотлар улуши	0,48
Йил давомида қарз маблағларининг ўсиши	-0,05	Асосий воситаларнинг умумий ҳажмида тажриба, тадқиқот, лаборатория асбоб-ускуналарининг улуши	0,49

Нефт ва газни қазиб олиш корхоналарида «Ўртача рўйхат сони», «илмий даражага эга бўлган ходимлар улуши», «ўқиётган ёки малакасини ошираётган ходимлар улуши», «ходимларнинг ижодий фаоллигини ошириш учун ташкилий шаклларнинг мавжудлиги», «корхонада инновацион маданият даражаси», «майдонлар ресурси», «асосий воситалар ўртача йиллик қиймати», «фонд сигими», «асосий капитални янгилаш коэффиценти», «асосий капиталнинг чиқиш коэффиценти», «асосий капиталнинг ўсиш коэффиценти», «асосий капиталнинг фаол қисми салмоғи», «йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори», «йил давомида захиралар ўсиши», «йил давомида ўз маблағларининг ўсиши», «йил давомида қарз маблағларининг ўсиши», «йил давомида активларнинг ўсиши», «активларда ўз айланма воситаларининг улуши», «соф активлар», «йил давомида дебиторлик қарзларининг ўсиши», «муддати ўтган дебиторлик қарзларининг жами дебиторлик қарзларидаги улуши», «йил давомида кредиторлик қарзларининг ўсиши», «муддати ўтган кредиторлик қарзларининг жами кредиторлик қарзларидаги улуши», «умумий ликвидлик коэффиценти», «молиявий мустақиллик коэффиценти», «ўз маблағларининг автономлик коэффиценти», «ўз маблағларининг маневрлик коэффиценти», «айланма воситалар билан таъминланганлик коэффиценти», «активлар рентабеллиги», «активлар умумий қийматида патентлар, лицензиялар, товар белгилари сони», «хорижда сотиладиган инновацион маҳсулотлар улуши», «асосий воситаларнинг умумий ҳажмида тажриба, тадқиқот, лаборатория асбоб-

ускуналарининг улуши» кўрсаткичларида коэффициентлар $-0,5$ дан $0,5$ гача бўлиб, бинобарин, бу кўрсаткичлар ва корхонанинг иқтисодий ўсиш даражаси ўртасида боғлиқлик катта эмас ва кичик корхона инновацион салоҳият кўрсаткичини ҳисоблашда улардан фойдаланмаслик мумкин.

Қолган барча коэффициентлар $[-0,5; 0,5]$ доирадан ташқарида эканлиги сабабли бу кўрсаткичларни инновацион салоҳият кўрсаткичини ҳисоблашда эътиборга олиш мақсадга мувофиқ, чунки уларнинг барчаси кичик корхонанинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ўзаро боғланган кўрсаткичларни тўпلامдан чиқариб ташлаш учун жуфт корреляцион матрица тузилади.

Матрицадан кўриниб турибдики, ўзаро корреляция «ўртача ойлик иш ҳақи» ва «йил давомида иш ҳақининг ўсиши»; «асосий капитал миқдори» ва «фонд бидан жиҳозланганлик»; «асосий технологик ускуналар паркининг ўртача ёши» ва «эскириш даражаси»; «йил давломида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори» ва «сотилган маҳсулот таннархи»; «тез (шошилинич) ликвидлик коэффициенти» ва «мутлақ ликвидлик коэффициенти»; «сотув рентабеллиги» ва «ўз капитали рентабеллиги»; «инновацион фаолият харажатларининг ўсиши» ва «инновацион фаолият жараёнида фойдаланиладиган ноёб ускуналар бирликлари сони»; «инновацион жараённинг исталган босқичида бўлган янгиликлар сони» ва «корхона томонидан товар ва хизматлар сотиш умумий ҳажмида сотиладиган илмий ҳажмдор маҳсулотларининг улуши» каби кўрсаткичларда кузатилади.

Корхонанинг «Ўртача ойлик иш ҳақи», «фонд бидан жиҳозланганлик», «асосий технологик ускуналар паркининг ўртача ёши», «сотилган маҳсулот таннархи», «тез (шошилинич) ликвидлик коэффициенти», «сотув рентабеллиги», «инновацион фаолият харажатларининг ўсиши» ва «инновацион жараённинг исталган босқичида бўлган янгиликлар сони» кўрсаткичлари кичик корхоналарнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичи билан қалинроқ алоқага эга эканлиги сабабли кўрсаткичлар тизимидан қуйидаги кўрсаткичларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ: «йил давомида иш ҳақининг ўсиши», «асосий

капитал миқдори», «эскириш даражаси», «йил давломида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори», «мутлақ ликвидлик коэффиценти», «ўз капитали рентабеллиги», «инновацион фаолият жараёнида фойдаланиладиган ноёб ускуналар бирлилари сони», «корхона томонидан товар ва хизматлар сотиш умумий ҳажмида сотиладиган илмий ҳажмдор маҳсулотларининг улуши»ни билдиради.

Юқорида таърифланган кўрсаткичлар тизими саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш учун зарур бўлган кўрсаткичлар тизимлари эҳтимолий вариантларидан ҳисобланади, у баҳолаш мақсадида аниқланади ва кўп жиҳатдан мавжуд статистик маълумотлар тўплами билан белгиланади. Бундан ташқари, кўрсаткичлар таркиби корxonанинг эришилган ривожланиш даражаси, унинг қайси тармоққа мансублиги ва келгуси фаолиятидаги устуворликлардан келиб чиқиб ўзгартирилиши мумкин.

3.2. Нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш моделини такомиллаштириш

Мазкур тадқиқот давомида кўриб чиқилган нефт ва газ саноати корхоналарининг инновацион фаолияти ўзига хосликлари уларнинг инновацион салоҳиятини шакллантириш борасида қуйидаги хусусиятларни аниқлашга имкон берди:

1. Алоҳида компонентлар ва таркибий қисмлар мавжудлиги. Бу элементлари функционал декомпозиция тамойилидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш аста-секинлик билан ва структурали равишда инновацион салоҳиятни алоҳида қисмларнинг иерархик структура кўринишида тақдим этишга имкон беради, бу эса уни янада батафсилроқ таҳлил қилиш учун имконият яратади.

2. Таркибий қисмлар рўйхатидан келиб чиқиб, уни баҳолаш кўрсаткичлари умумий тизимида инновацион салоҳият кўрсаткичларининг айримларинигина миқдорий ифодалаш имконияти. Ушбу омил сабабли кўрсаткичлар доирасини қуйидаги уч гуруҳга ажратган маъкул:

- мантиқий қийматлар билан ўлчанадиган ҳа/йўқ (бор/йўқ) туридаги

кўрсаткичлар;

- ўлчамга эга бўлган мутлақ кўрсаткичлар (одатда натурал ёки пул бирлигидаги бирор ким ёки бирор нарсанинг сони);

-улушда ўлчанадиган ва ўлчамга эга бўлмаган нисбий кўрсаткичлар.

Ушбу жиҳатни ҳисобга олиш саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш давомида кўрсаткичларни умумий меъёрлаштиришдан фойдаланиш заруратини асослаб беради.

3.Улар фаолияти шароитларида сезиларли ҳудудий ва тармоқ тафовутлари мавжудлиги сабабли саноат корхоналарининг ривожланиш даражасига кўп сонли ташқи омиллар таъсир кўрсатиши. саноат корхоналарини улар фаолиятининг кўплаб кўрсаткичлари бўйича, жумладан, уларнинг инновацион салоҳиятига таъсир этувчи кўрсаткичлар бўйича мавжуд табақалаштириш алоҳида олганда корхонанинг ҳам, мавжуд тафовутлар сабаблари ва уларнинг инновацион салоҳияти кўрсаткичлардаги фарқларни аниқлаш мақсадида саноат корхоналари йиғиндисининг инновацион салоҳиятини таҳлил қилиш муҳимлигини белгилаб беради.

Шундай қилиб, юқоридаги санаб ўтилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, нефт ва газ корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолашнинг қуйидаги такомиллашган моделини таклиф қиламиз. Модель учун асос қилиб қабул қилинадиган формула нефт ва газ корхона фаолиятининг турли томонларини тавсифлайдиган инновацион салоҳият кўрсаткичларини ва салоҳият таркибий қисмларининг ҳар бирини алоҳида таққослашга, уларни меъёрлаштириш ва умумий оралиққа келтиришга имкон беради.

Ушбу формула кўриб чиқиладиган кўрсаткичларни таққослаш мумкин бўладиган кўринишга келтиради ва уларнинг қиймати доим 0дан 1гача бўлган доирада ўзгарадиган ўлчовсиз коэффициентларни қўллашга имкон беради:

$$n = 2^{\frac{a}{b}} \quad (3.3.)$$

бу ерда:

n – баҳоланаётган кўрсаткични меъёрлаштириш натижасида олинган

ўлчовсиз коэффициент;

b – инновацион салоҳиятнинг тегишли кўрсаткичи;

a – унинг юқорида тавсифланган модель турларидан (динамик ёки статик тур) келиб чиқиб аниқланадиган эталон қиймати.

Алоҳида олинган саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини таҳлил қилиш икки давр – жорий ва ўтган йил учун унинг барча таркибий қисмлари ҳақида маълумотлардан фойдаланиб амалга оширилади. Таҳлил натижаси ушбу ҳолатда саноат корхонасининг динамикадаги инновацион салоҳият даражасини аниқлаш ҳисобланади.

Ҳар бир коэффициентни ҳисоб-китоб қилиш (3.3) формула бўйича амалга оширилади, унда $b = k_t$ — жорий йилдаги тегишли кўрсаткич қиймати, $a = k_{t-i}$ — худди шу кўрсаткичнинг ўтган йилдаги қиймати:

$$n = 2^{\frac{k_t-i}{k_t}} \quad (3.4.)$$

Пул бирлиги ўлчамига эга бўлган матлақ кўрсаткичларни объектив баҳолаш учун инфляцияни ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритилади, бу ҳолатда формула (3.4) қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$n = 2^{\frac{k_t-i}{k_t}(1+\pi_t)} \quad (3.5.)$$

бу ерда π_t - расмий инфляция даражаси.

Нефт ва газ қазиб чиқариш тармоғининг турли корхоналари инновацион салоҳиятини таҳлил қилишда ҳар бир корхона учун барча ҳисоб-китоб коэффициентлари объектлар гуруҳи бўйича ўртачалаштирилган тегишли кўрсаткичлар билан объект фаолиятининг асосий кўрсаткичлари билан таққослаган ҳолда аниқланади. Бу корхоналар рейтинг бўйича рангларга ажратиб, уларнинг инновацион фаоллигини қиёсий таҳлил қилиш имкониятини белгилаб беради.

Шундай қилиб, саноат корхоналари мажмуасининг инновацион салоҳиятини баҳолаш уларнинг маълум вақтдаги даражаларини аниқлашни (статик моделни) ўз ичига олади. Саноат корхоналарининг инновацион

салоҳиятини статик модель ёрдамида ҳисоблаш учун бизга маълум бир m гуруҳ корхоналар инновацион салоҳиятининг барча таркибий қисмлари ҳақида маълумотлар керак.

Ҳар бир коэффициентни ҳисоблаш (3.3) формула бўйича амалга оширилади, бунда параметр $b = k -$ ушбу корхона учун жорий йилдаги тегишли кўрсаткичнинг қиймати, a параметри бир гуруҳ корхоналар учун шу кўрсаткичнинг ўртача қиймати сифатида аниқланади.

$$n = 2^{\frac{k_{cp}}{k}} \quad (3.6)$$

Бу ерда:

k – ушбу корхонанинг жорий йилдаги тўғри келган кўрсаткичлар қиймати;

k_{cp} – корхоналарни жамламасида ўша кўрсаткичларининг ўртача қиймати.

Инновацион салоҳиятнинг алоҳида таркибий қисмларини тавсифловчи кўриб чиқилган кўрсаткичларни меъёрланган шаклга келтиргандан сўнг ҳар бир таркибий қисмнинг қийматларини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш лозим:

$$\psi_i = \sum_{j=1}^m s_j n_{ij}; \quad \sum_{j=1}^m s_j = 1 \quad (3.7)$$

бу ерда :

ψ_i — инновацион салоҳиятнинг i -таркибий қисмнинг j -кўрсаткичи (моделига қараб 3.4-3.6 формулалар бўйича аниқланади);

s_j – j -кўрсаткичнинг вазн коэффициенти;

m – инновацион салоҳиятнинг i -таркибий қисмидаги кўрсаткичлар сони.

Инновацион салоҳиятнинг вазн коэффициентлари Фишберн коидаси бўйича аниқланади. Ушбу қоида шуни акс эттирадики, кўрсаткичлар муҳимлик даражаси ҳақида? Фақат ҳар бирининг камайиб борадиган тартибда муҳимлигидан келиб чиқиб таҳлил қилиш учун «ранги»дан бошқа ҳеч нарса маълум эмас, Бу рангни аниқлаш учун муҳимликнинг камайиб бориш тартибида барча кўрсаткичларни шундай жойлаштириш керакки, токи $S_1 > S_2 \dots S_j$. қоида бажарилсин. Шунда (3.8) баҳолаш тадқиқот объекти ҳақида мавжуд ахборот ноаниқлиги энтропия максимумига жавоб беради.

$$\psi = \sum_{j=1}^M \psi_j; \quad (3.8)$$

бу ерда:

m – тизимдаги кўрсаткичлар умумий сони;

j – кўрсаткичларнинг муҳимлик даражаси камайиб бориши тартибида тизимдаги кўрсаткичнинг тартиб рақами.

Саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини аниқлашда якуний кадам унинг барча таркибий қисмлари қийматларининг йиғиндисини чиқариш ва 0 дан 1 гача қийматга эга бўлган ва корхонанинг инновацион салоҳияти даражасини тавсифлайдиган ўлчамсиз коэффициентни аниқлаш ҳисобланади:

$$k_{cp} = \frac{1}{m} \sum_{j=1}^m k_j \quad (3.9)$$

Бу ерда: k_j - инновацион салоҳиятнинг i -таркибий қисми салоҳияти;

m — корхона инновацион салоҳиятининг таркибий қисмлари сони

Нефт ва газ қазиб чиқариш корхонаси инновацион салоҳиятини баҳолаш учун таклиф қилинган ёндашув саноатининг турли соҳаларида (саноат, қазиб чиқариш, қайта тайёрлаш, қурилиш, савдо, илмий фаолият, турли, жумладан, бошқа хизматларни кўрсатиш) фаолият юритадиган республикани нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари бўйича бўйича статистик маълумотлар ахборот массивларида, тўрт хил таркибий қисмни ўз ичига оладиган инновацион салоҳиятни баҳолашга мақсадли йўналтирилган ҳолда амалга ошириш имконини беради.

Юқорида таъкидлангандек, саноат корхонаси фаолиятининг турли жиҳатларини акс эттирадиган кўрсаткичлар бўйича мавжуд маълумотлардан фойдаланиб, инновацион салоҳиятнинг таркибий қисмлари: кадрлар, ишлаб чиқариш, молиявий-иқтисодий ва илмий-техник салоҳияти таркибланади. Уларни тавсифлайдиган кўрсаткичлар умумий сони 60 та, шундан 11 та кўрсаткич кадрлар салоҳиятини, 17 та кўрсаткич ишлаб чиқариш салоҳиятини, 24 та кўрсаткич молиявий-иқтисодий салоҳиятни ва 8 та кўрсаткич илмий-техник салоҳиятни тавсифлайди.

Корреляцион таҳлил воситасида корхона инновацион салоҳиятнинг 30 та

кўрсаткичи ва инновацион салоҳиятнинг натижалари таркибий қисми сифатида унинг иқтисодий ўсиши ўртасида ўзаро боғлиқлик исботлаб берилди. Олинган натижалар ишончилиги t-Стъюдент статистикаси ва Дарбин-Уотсон статистикаси билан асослаб берилди. Бунинг натижасида корхона инновацион салоҳиятини баҳолашда кўрсаткичларнинг қуйидаги коэффицентлар салмоғи аниқланди. (3.4-жадвал).

3.4.-жадвал

Инновацион салоҳият кўрсаткичлар коэффицентининг салмоғи⁶⁷

Кўрсаткичлар	Коэффицентлар салмоғи
Активлар рентабеллиги	0,0870
Левередж коэффиценти	0,0830
Сотув рентабеллиги	0,0791
Соф фойда	0,0751
Инновацион фаолият билан шуғулланаётган ишчилар улуши	0,0711
Инновацион жараённинг ҳар бир босқичидаги янгиликлар, маҳсулотлар, технологиялар ва интеллектуал мулклар сони	0,0672
Операцион фойда	0,0632
Инновацион фаолиятга харажатларнинг ўсиши	0,0593
Фондкуролланиш	0,0553
Олий маълумотли ходимлар улуши	0,0514
Меҳнат унумдорлиги	0,0474
Реализация қилинган маҳсулот таннархи	0,0435
Фондкайтими	0,0395
Ўртача ойлик иш ҳақи	0,0356
Асосий техник ва технологик воситалар паркининг ўртача ёши	0,0316
Тезкор ликвидлик коэффиценти	0,0277
Ходимлар оқими	0,0237
Корхонада яратилган (рўйхатга олинган) патентлар, лицензиялар, маҳсулотлар ва бошқа интеллектуал мулклар сони	0,0198
Айланма воситалар айланиши	0,0158
Йилига низоли вазиятларнинг сони	0,0119
Йилига капитал қуйилмалар хажмининг ўсиши	0,0079
Соф фойда билан вкручкани нисбати	0,0040

Ўзаро боғланган кўрсаткичларни истисно қилиш мақсадида жуфт корреляцион матрица тузилиб, ундан фойдаланган ҳолда бошқа бир қатор кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқ бўлган, лекин sanoat корхоналарининг

⁶⁷ Муаллиф ишланмаси

иктисодий ўсиш кўрсаткичи билан камроқ яқин муносабатга эга бўлган индикаторлар тизимидан 8та кўрсаткич чиқарилди. Натижада таклиф этилган саноат корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолашнинг таклиф этилган моделида фойдаланиш учун танлаб олинган кўрсаткичлар умумий миқдори 22 тани ташкил қилди. Мазкур тадқиқотлар таҳлили корхоналарда сўнгги 3 йил учун (2012 йилдан 2018 йилгача) танлаб олинган кўрсаткичлар бўйича амалга оширилди.

Саноат корхонаси инновацион салоҳиятининг ҳар бир таркибий қисми қийматини 3.7-формула бўйича аниқлаш 3.8-формуладан фойдаланиш натижасида олинган кўрсаткичларнинг ҳар бири тегишли вазн коэффициентини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган.

3.4-3.9-формулалардан фойдаланган ҳолдаги ҳисоб-китоблар натижасида ҳар бир таркибий қисмнинг қиймати, шунингдек, ҳар бир корxonанинг инновацион салоҳият кўрсаткичи аниқланди. Ушбу ҳисоб-китоблар натижасида нефт ва газ корхоналари инновацион салоҳиятини статистик ва динамик хилма-хиллик кўрсаткичлари модели асосида ҳисоблаб чиқилди (3.5-жадвал).

3.5-жадвал

“Ўзбекнефтегаз” АО таркибидаги нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарининг инновацион салоҳияти⁶⁸

Корхоналар номи	Инновацион салоҳият					
	Моделни динамик кўрсаткичлари асосида ҳисоблаш			Моделни статистик кўрсаткичлар асосида ҳисоблаш		
	2017 г.	2018 г.	2019г.	2017 г.	2018 г.	2019 г.
"Ўзнефтгазқазибчиқариш" АЖ	0,128	0,113	0,110	0,495	0,499	0,472
"Ўзбурнефтгаз" АЖ	0,149	0,130	0,110	0,497	0,532	0,464
"Ўзнефтмаҳсулот" АЖ	0,132	0,107	0,123	0,477	0,476	0,506
"Ўзнефтгазмаш" АЖ	0,127	0,114	0,125	0,493	0,498	0,507
"Ўзтрансгаз" АЖ	0,132	0,120	0,178	0,498	0,525	0,583
Муборак нефт ва газни қазиб чиқариш бошқармаси	0,135	0,104	0,122	0,516	0,429	0,488
Муборак газни қайта ишлаш заводи	0,152	0,113	0,122	0,511	0,484	0,466

⁶⁸ Муаллиф ишланмаси

“Шўртангаз” газни қайта ишлаш заводи	0,111	0,121	0,109	0,468	0,517	0,462
Шўртан газ-кимё мажмуаси	0,141	0,114	0,121	0,515	0,503	0,486
Устюрт газ-кимё мажмуасида	0,125	0,119	0,101	0,484	0,487	0,436

Бунда икки давр, яъни жорий ва ўтган йил даврлари асосида керакли барча динамик ва статистик кўрсаткичлар эътиборга олинди. Нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарининг бундай таҳлил натижаси корхона инновацион салоҳият динамикасини кўрсатади.

Моделнинг статик ва динамик турлари ёрдамида ҳисобланган кўрсаткичлар сезиларли даражада фарқланади, биринчи ҳолатда улар пастроқ бўлади. Яъни статик моделларни қўллаш орқали олинган инновацион салоҳиятнинг қийматларини таққослаганда ва саноат корхоналарнинг бутун мажмуи учун ўртача кўрсаткич билан таққослаганда, маълум бир корхона учун алоҳида олинган инновацион салоҳиятдан катта бўлади (3.6 ва 3.7-жадваллар).

Бу ерда нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарининг инновацион салоҳиятини статистик кўрсаткичлар асосида ҳисоблашда корхонанинг 3.8-жадвалдаги кўрсаткичларнинг ўрта қийматлари асосида ҳисобланди.

Республикамиз нефт ва газ тармоғи корхоналари инновацион салоҳияти ҳолатини таҳлил қилиш уларнинг фаолият соҳаларидан қатъий назар, ушбу корхоналарда инновацион фаолиятни амалга ошириш имкониятлари паст даражада эканлигини кўрсатади. Бу эса зарур миқдордаги ресурслар йўқлиги ва инновацион салоҳият таркибий қисмлари кўрсаткичларининг пастлигидан далолат беради. Корхоналарда инновацион салоҳият даражасининг ўзгариши беқарор тенденциялари кузатилиб, унинг қиймати йиллар бўйича сезларсиз ўзгариб туради.

**“Ўзбекнефтегаз” АЖ таркибидаги нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарининг
динамик кўрсаткичлар асосида ҳисобланган инновацион салоҳияти**

Кўрсаткичлар/ йиллар	“Ўзбекнефтегазқазиб- чиқариш” АЖ			“Ўзбургинептегаз” АЖ			“Ўзнефтмахсулот” АЖ			“Ўзнефтегазмаш” АЖ			“Ўзтрансгаз” АЖ		
	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019
Кадрлар таркибий қисми	0,103	0,108	0,088	0,094	0,090	0,098	0,088	0,096	0,104	0,087	0,092	0,109	0,091	0,112	0,318
Ишлаб чиқариш таркибий қисми	0,118	0,106	0,114	0,088	0,113	0,110	0,115	0,103	0,118	0,110	0,090	0,118	0,096	0,108	0,105
Молиявий-иқтисодий таркибий қисм	0,228	0,178	0,159	0,348	0,244	0,171	0,272	0,174	0,185	0,232	0,200	0,199	0,257	0,185	0,207
Илмий-техник таркибий қисм	0,064	0,060	0,081	0,064	0,073	0,063	0,053	0,055	0,082	0,079	0,73	0,74	0,083	0,074	0,081
Инновацион салоҳият	0,128	0,113	0,110	0,149	0,130	0,110	0,132	0,107	0,123	0,127	0,114	0,125	0,132	0,120	0,178
Кўрсаткичлар/ йиллар	“Муборак” НГҚЧБ			“Муборак” ГҚИЗ			“Шўртангаз” ГҚИЗ			Шўртан газ-кимё мажмуаси			Устюрт газ-кимё мажмуаси		
	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019
Кадрлар таркибий қисми	0,108	0,095	0,089	0,101	0,099	0,096	0,112	0,083	0,093	0,091	0,096	0,096	0,085	0,104	0,086
Ишлаб чиқариш таркибий қисми	0,116	0,098	0,123	0,106	0,115	0,080	0,113	0,110	0,120	0,107	0,099	0,124	0,109	0,097	0,109
Молиявий-иқтисодий таркибий қисм	0,238	0,194	0,207	0,342	0,188	0,250	0,147	0,213	0,159	0,283	0,192	0,200	0,234	0,231	0,145
Илмий-техник таркибий қисм	0,076	0,031	0,068	0,059	0,048	0,063	0,071	0,078	0,064	0,082	0,071	0,063	0,073	0,047	0,063
Инновацион салоҳият	0,135	0,104	0,122	0,152	0,113	0,122	0,111	0,121	0,109	0,141	0,114	0,121	0,125	0,119	0,101

**“Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибидаги нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарининг
статистик кўрсаткичлар асосида ҳисобланган инновацион салоҳияти**

Кўрсаткичлар/ йиллар	“Ўзбекнефтегазказиб- чиқариш” АЖ			“Ўзбургинептегаз” АЖ			“Ўзнефтмахсулот” АЖ			“Ўзнефтегазмаш” АЖ			“Ўзтрансгаз” АЖ		
	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019
Кадрлар таркибий қисми	0,524	0,534	0,395	0,494	0,473	0,437	0,469	0,495	0,457	0,465	0,480	0,473	0,481	0,546	0,774
Ишлаб чиқариш таркибий қисми	0,531	0,507	0,505	0,430	0,529	0,492	0,522	0,497	0,519	0,507	0,449	0,517	0,458	0,514	0,478
Молиявий-иқтисодий таркибий қисм	0,457	0,460	0,440	0,598	0,567	0,465	0,519	0,450	0,495	0,462	0,501	0,519	0,498	0,473	0,533
Илмий-техник таркибий қисм	0,469	0,495	0,547	0,465	0,559	0,461	0,396	0,460	0,532	0,539	0,562	0,518	0,556	0,566	0,548
Инновацион салоҳият	0,495	0,499	0,472	0,497	0,532	0,464	0,477	0,476	0,506	0,493	0,498	0,507	0,498	0,525	0,583
Кўрсаткичлар/ йиллар	“Муборак” НГҚЧБ			“Муборак” ГҚИЗ			“Шўртангаз” ГҚИЗ			Шўртан газ-кимё мажмуаси			Устюрт газ-кимё мажмуаси		
	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019	2017	2018	2019
Кадрлар таркибий қисми	0,540	0,490	0,401	0,515	0,505	0,427	0,553	0,444	0,416	0,481	0,495	0,426	0,458	0,523	0,385
Ишлаб чиқариш таркибий қисми	0,525	0,482	0,531	0,495	0,535	0,380	0,517	0,520	0,523	0,497	0,482	0,534	0,502	0,475	0,490
Молиявий-иқтисодий таркибий қисм	0,472	0,489	0,533	0,593	0,479	0,593	0,296	0,522	0,440	0,531	0,485	0,521	0,465	0,548	0,408
Илмий-техник таркибий қисм	0,525	0,256	0,489	0,441	0,417	0,463	0,504	0,582	0,467	0,550	0,552	0,463	0,512	0,402	0,463
Инновацион салоҳият	0,516	0,429	0,488	0,511	0,484	0,466	0,468	0,517	0,462	0,515	0,503	0,486	0,484	0,487	0,436

**Корхона инновацион салоҳиятини баҳолашда статистик
кўрсаткичларнинг ўртача қиймати⁶⁹**

Кўрсаткичлар/йиллар	Кўрсаткичнинг ўрта қиймати		
	2017	2018	2019
Кадрлар таркибий қисми	0,096	0,095	0,118
Ишлаб чиқариш таркибий қисми	0,109	0,106	0,112
Молиявий-иқтисодий таркибий қисм	0,255	0,201	0,188
Илмий-техник таркибий қисм	0,071	0,061	0,070

Инновацион салоҳиятнинг алоҳида таркибий қисмлари қийматларини таҳлил қиладиган бўлсак, молиявий-иқтисодий таркибий қисм кўрсаткичлари республикада саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини шакллантиришга энг катта ҳисса қўшишини таъкидлаш лозим. Кўрсаткичлар бўйича иккинчи ўринда ишлаб чиқариш таркибий қисми туради. Энг паст қийматлар илмий-техник таркибий қисм кўрсаткичларига хосдир.

Олинган натижалар асосида, биз илмий-техник ва кадрлар таркибий қисмлари даражасини ошириш учун корхоналар саъй-ҳаракатларини йўналтириш зарурлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин, корхона ривожланишининг кучли томонларини аниқлаб берадиган мавжуд ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, унинг даражасига салбий таъсир этувчи инновацион салоҳият таркибий қисмларини шакллантирадиган кўрсаткичлар қийматини оширишга йўналтириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўтказилган таҳлил республикада нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарида инновацион ривожлантириш жараёнида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг самарали механизмлари ва ишлаб чиқаришнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш усулларининг йўқлигидан иборат бўлган асосий муаммоларини аниқлашга ёрдам берди.

⁶⁹ Муаллиф ишланмаси

Умуман олганда, саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини таклиф этилаётган услубият бўйича баҳолаш инновацион салоҳиятнинг иерархик структурасини алоҳида қисмлар – компонентлар, таркибий қисмлар ва алоҳида кўрсаткичлар кўринишида ҳисобга олиш имконини беради, бу эса уни батафсилроқ таҳлил қилиш имкониятини яратади. Хусусан, саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини унинг алоҳида таркибий қисмлари йиғиндиси сифатида кўриб чиқиш улардан ҳар бирининг унинг даражасига таъсирини аниқлаш ҳамда унинг инновацион салоҳиятини шакллантиришга таъсирини яхшилаш мақсадида у ёки бу таркибий қисмга таъсир этиш имконини беради.

Бундан ташқари, агар маълумотлар мавжуд бўлса, саноат корхоналари мажмуасининг инновация салоҳиятини статикада ҳам, динамикада ҳам таҳлил қилиш мумкин. Бу ҳолда ҳисоб-китобларни шарҳлаш ишлаб чиқариш жараёнларининг инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг умумий тенденцияларини аниқлаш ва уларнинг даражасига таъсирини ҳисобга олган ҳолда индикаторлар ва инновацион салоҳиятнинг таркибий қисмларининг шахсий қийматларини мослаштиришга қаратилган тегишли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш имконини беради.

Шундай қилиб, нефт ва газни қазиб чиқариш тармоғида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти даражасини оширишга асосланган иқтисодий ўсишини таъминлаш саноатнинг ўзи учун ҳам, умуман, давлат учун ҳам устувор вазифа ҳисобланади.

Бундай маълумотлар инновацион салоҳиятнинг ҳар бир таркибий қисми умумий кўрсаткичнинг ошиши ёки пасайишига таъсирини таҳлил қилиш имконини беради. Бунинг асосида эса зарур ҳолларда тегишли бошқарув қарорларини қабул қилинади.

Хусусан, бу ерда келтирилган маълумотлардан шу нарса келиб чиқадики, кўриб чиқиладиган бутун вақт давомида корхонанинг инновация салоҳияти 0,2 дан ошмайди ва паст даражада тавсифланади. Корхона инновацион салоҳиятининг умумий кўрсаткичига энг катта ҳисса молиявий-иқтисодий

таркибий қисм томонидан қўшилади, у бошқа таркибий қисмлар даражасидан сезиларли даражада ошиб кетади.

Мазкур услубиятнинг афзаллиги шундаки, у нафақат саноат корхоналарининг инновацион салоҳият ўсиш (ёки пасайиш) ҳолатини қайд қилишга, балки бу ўсиш суръатини кузатишга ҳам имкон беради, бу эса корхонани стратегик бошқариш учун муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион жараён босқичида бўлган янгиликлар сони 50%га (кўриб чиқиладиган корхоналар билан боғлиқ ҳолатда 1 та янгилик бирлигига ошган), инновацион фаолият харажатларининг ўсиш суръати эса 4% ортганда унинг илмий-техник таркибий қисми қиймати ўсиши 14%ни ташкил қилади.

Кўриб чиқиладиган нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналар фаолиятининг ўзига хосликлари, хусусан, нефт, газ, суюқ газ ва углеводородларни қазиб чиқариш ва қайта ишлашни ҳисобга олиб, корхона инновацион салоҳиятни ошириш мақсадида ўзининг ишлаб чиқариши доирасида қўллаши мумкин бўлган эҳтимолий янгиликлар сифатида тоғ кон техникаси, газ ва конденсат конларида суюқ углеводородлар ва табиий газни қазиб чиқариш техникасини модернизациялашда ушбу кўрсаткичлар асосида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш заруратини кўриш мумкин.

Бизнинг ҳисоб-китоблар кўрсатадики, кўрсаткичларга кадрлар таркибий қисмининг таъсири, жумладан, инновацион фаолият билан банд бўлганлар улушининг 3,3%, ходимлар иш ҳақининг 4% ўсиши айтиб ўтилган таркибий қисмнинг 9%га ортишига олиб келди. Натижада Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси корхоналарининг инновацион салоҳият кўрсаткичи 0,125 дан 0,136 гача (ёки 4%) ўсди. Шу билан бирга, моделнинг статик туридан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилган корхонанинг инновацион салоҳияти ҳам ушбу ҳолатда 0,507 дан 0,536 гача (ёки 3,3%) ўсди.

Олиб борилган ҳисоб-китоблар асосида, ишлаб чиқариш ва молиявий-иқтисодий таркибий қисмга таъсир кўрсатишда қуйидаги натижалар олинди: Фонд билан жиҳозланганлик кўрсаткичи 89%, меҳнат унумдорлиги

41% ўсганда ишлаб чиқариш таркибий қисми қиймати 8% (ёки 0,01 пункт) ўсди. Леверидж коэффициенти 25%, ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичи эса 10% ўсиши молиявий-иқтисодий таркибий қисм кўрсаткичининг 10% ўсишига олиб келади. Натижада моделнинг динамик тури бўйича ҳисоблаб чиқилган корxonанинг инновацион салоҳият кўрсаткичи 8,8% (ёки 0,011 пункт), моделнинг статик тури бўйича ҳисоблаб чиқилганда эса - 5,7% (ёки 0,029 пункт) ўсди.

Корxonанинг фонд билан жиҳозланганлик кўрсаткичи 10%, фонд қайтими 26,5%, меҳнат унумдорлиги 17,3%, капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръати 2 барабар ортган ва меҳнат таннарихи 5,4% пасайган ҳолатда ишлаб чиқариш таркибий қисми қиймати 0,11 дан 0,12 гача (ёки 9%) ўсди. Инновацион жараён босқичида бўлган янгиликлар сонининг 1 бирликка (ёки кўриб чиқилаётган ҳолатда 25%), сотув рентабеллиги 9,3% ортиши ва леверидж коэффициенти 5% пасайиши шунингдек, илмий-техник ва молиявий-иқтисодий таркибий қисмларнинг мос равишда 12,5% ва 4,8% (0,01 пункт) ўсишига олиб келди.

Хусусан, юқорида таърифланган каби, саноат корxonаларининг инновацион салоҳиятига маълум бир таъсир этувчи ички омиллар билан бир қаторда, инновацион салоҳиятдан фойдаланиш натижаларини ҳам, инновацион салоҳиятнинг ўзини ҳам сезиларли даражада кучайтириши ёки аксинча, пасайтирувчи ташқи омиллар бутун бир гуруҳи мавжуд. Давлат томонидан нефт ва газ қазиб чиқариш саноати корxonаларини, хусусан, уларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги давлат сиёсати шу омиллардан бири ҳисобланади. Давлат томонидан ушбу йўналишларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар мамлакатда нефт ва газ қазиб чиқариш корxonалари инновацион салоҳият даражасини сезиларли оширишга қодир, бу эса мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини кучайтиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ишда республика конларида газни циолитли тозалаш, қуритиш қурилмалари, газни бирламчи ва нефтни тайёрлаш қурилмаларини янги

технологиялар билан таъминлашда инновацион салоҳиятни рағбатлантириш бўйича механизм ишлаб чиқиш бугунги куннинг тармоқдаги муҳим масалаларидан эканлиги асосланган.

Фикримизча, инновацион салоҳиятни баҳолаш ва рағбатлантиришда асосий мақсадга эришишни таъминлаш учун нефт ва газ қазиб чиқариш ва ишлов бериш корхоналарининг инновацион салоҳиятини аниқлашда муаммоли вазиятларни ёритиб бериш ва рағбатлантиришга тавсиялар беришга имкон берувчи ривожланишининг иқтисодий омилларини ва уни ташкил қилувчи таркибий қисмларини тўлиқ ва ҳар томонлама баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Инновацион салоҳиятни рағбатлантиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантиришда унинг иқтисодий моҳияти, унга таъсир ўтказувчи омиллар, уларнинг таркибий қисмларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш усулини танлаш;

рағбатлантириш жараёнини зарурий, ишончли ва аниқ ахборотлар билан таъминлаш;

яратилган, харид қилинган, ўзлаштирилган (ёки ўзлаштирилаётган) инновация натижасига мувофиқ инновацион салоҳият даражасини аниқлаш;

рағбатлантириш мақсадида олинган натижаларнинг таҳлил ҳамда тадбиқ қилиниши;

инновацион салоҳиятни рағбатлантиришни такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқиш.

Республика нефт ва газ корхоналари инновацион салоҳиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, фаолият туридан қатъий назар ушбу корхоналарда инновацион фаолиятни амалга ошириш имкониятлари жуда паст даражада, йиллар давомида инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланилмаган. Тадқиқот объекти бўлган Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига тегишли бўлган корхоналарда салоҳиятни шакллантиришда керакли ресурсларни йўқлиги, рағбатлантириш механизмларини қўллаш имконияти ва инновацион салоҳиятни ташкил

этувчи кўрсаткичларини паст даражада эканлиги, бошқарма корхоналарида йиллар давомида салоҳиятни ошириш жараёнлари сезилмас ўзгаришларга эга эканлиги аниқланди.

Таҳлилларимиз кўрсатадики, нефт ва газни казиб чиқариш корхоналарида инновацион салоҳиятни шакллантиришда молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар энг муҳим бўлиб, иккинчи ўринда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, илмий-техник кўрсаткичлар аҳамияти эса жуда паст даражада ўсиш имкониятига эга эканлиги аниқланди.

Олинган натижалар асосида бугунги кунда нефт ва газ казиб чиқариш корхоналари инновацион салоҳиятни молиявий, илмий-техник, кадрлар, моддий-техник база ва ижодкорликни рағбатлантириш, ҳамда корхонанинг мавжуд имкониятларини самарали тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнларини кучайтириш лозимлигини кўрсатади. Бу эса самарали рағбатлантириш усулларини қўллаш заруратини келтириб чиқаради.

3.3. “Ўзбекнефтегаз” АЖ корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг устувор йўналишлари

Олдинги бобларда айтганимиздек, миллий иқтисодиётни технологик модернизациялаш жараёнида саноат корхоналари инновацион салоҳиятини оширишнинг энг мақбул усулларида бири рағбатлантиришдир. Бунинг учун албатта баҳолаш жараёни ва рағбатлантиришнинг анъанавий услларидан фарқли равишда кетма-кетликда бажариш имконини берадиган алгоритм ишлаб чиқиш зарурати юзага келади.

Нефт ва газ саноати корхонаси инновацион салоҳиятини таркибий рағбатлантириш усулида баҳолаш жараёнини асосий иштирокчиларини белгилаб оламиз. Буни амалга ошириш учун корхонада бевосита инновацион салоҳият бошқаруви билан шуғулланувчи махсус бўлим бўлиши лозим, буни инобатга олган ҳолда корхонада мазкур бўлим мавжуд деб қараб таҳлилни давом эттирамиз. Корхона инновацион салоҳиятини баҳолаш ва

рағбатлантиришни амалга ошириш жараёнида маълумотларнинг аниқ хажмини танлаб олиш, гуруҳлаш ва таҳлил қилиш лозим бўлади.


Диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар нефт ва газ саноат тармоғи инновацион фаолиятини самарали ривожлантириш йўналишлари тўғрисида қарор қабул қилишнинг турли даражаларида амалга ошириладиган жараёнларнинг бир бутун яхлит мажмуасини ишлаб чиқиш имконини берди. Шунинг учун мазкур бир-бири билан боғлиқ бўлган жараёнларни махсус алгоритмсиз амалга ошириш мумкин эмас. Алгоритм элементар буйруқларнинг кетма-кетликда бажарилиш тизими ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган услубият бир қатор кўрсаткичларнинг ички ишлаб чиқариш, ташқи омиллар, инновацион фаолият, маълумотлар базаси, натижалар таҳлили ва инновацион салоҳиятнинг эришилган даражаси билан тавсифланадиган нефт ва газ саноатини иерархик иқтисодий-ижтимоий тизим сифатида ифодалаб, белгиланган алгоритм кўринишида инновацион салоҳиятни баҳолаш асосида таркибий таҳлил усулида рағбатлантириш жараёнларини шакллантириш имконини беради. Таъкидлаш зарурки, мазкур алгоритмни шакллантиришдан мақсад мураккаб инновацион салоҳиятни кузатиш эмас, балки уни рағбатлантиришни тўғри ва оқилона баҳолашга имкон бериш жараёнидир. Моделлаштиришнинг мантиқий ва математик аниқ усулларида фойдаланишдан қатъий назар, баҳолаш ва рағбатлантиришнинг реал жараёни ҳар доим ҳам бир хил эмас. Чунки объектни тавсифлашда ҳар доим кўзда тутилмаган ўзгаришлар бўлиш эҳтимоли мавжуд. Шу мақсадда тадқиқот жараёнини амалга оширишда қуйидаги натижаларни олишга эътиборни қаратиш зарур: нимани ва нима учун амалга ошириш мақсадга мувофиқ ёки умуман мумкин эмас; нефт ва газ саноат тармоғи инновацион фаолиятини баҳолаш ва салоҳиятини рағбатлантиришда қандай критик нуқталар мавжуд ва қандай зиддиятли ҳодисалар доимий эътиборни талаб этади; инновацион салоҳиятни баҳолаш ва рағбатлантиришда мақбул қарорларни танлашга, идеал ҳолатда тармоқни барқарор ривожланишга ёрдам берувчи тавсия ва хулосалар.

Муаллиф томонидан нефт ва газ саноати корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг таркибий баҳолаш усулидан самарали ва оптимал фойдаланиш учун инновацион салоҳиятни рағбатлантириш алгоритми ишлаб чиқилди (3.2-расм).

Нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари инновацион салоҳиятини таркибий таҳлил усулида рағбатлантириш алгоритми қуйидагиларни акс эттиради:

рағбатлантириш жараёнида бажариладиган ишлар ва уларнинг турлари;
рағбатлантиришни амалга оширишнинг асосий босқичлари;



3.2-расм. Нефт ва газ саноати корхонаси инновацион салоҳиятини таркибий таҳлил усулида рағбатлантириш алгоритми⁷⁰

корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантиришни оптимал кўламини акс эттирувчи, ўзаро боғлиқ бўлган ҳаракатлар кетма-кетлиги;

⁷⁰ Муаллиф ишланмаси

нефт ва газ корхонаси инновацион салоҳиятини рағбатлантириш имконини аниқлашда шаффофликни таъминлаш.

Алгоритмда 1, 2, 3, 4 блоклар кўринишида келтирилган фаолиятларнинг таркибий таҳлили бу:

1.Инновацион салоҳиятни рағбатлантиришда кўрсаткичлар комплексини танлаш;

2.Корхона инновацион фаолиятини амалга ошириш, оширувчилар ва салоҳиятини аниқлашда маълумотлар базасини шакллантириш;

3.Инновацион фаолиятни белгиловчи кўрсаткичлар комплекс қийматларини шакллантириш;

4.Инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг таркибий таҳлили асосида натижаларни таҳлил қилишдан иборат.

Бунда тармоқ корхоналари фаолиятининг иқтисодий, технологик ва инновацион фаолияти бўйича шароитлари тавсифи тўғрисидаги маълумотлар банки тармоқни инновацион ривожлантириш йўналишларини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. 1, 2 ва 3 блоклардаги маълумотларни солиштириш орқали меъёрий-ҳуқуқий ва қонуний ҳужжатларга мувофиқ инновацион салоҳиятни баҳолаш блоклари шаклланади.

Яъни 1 блок (кўрсаткичлар комплексини танлаш)да: 1.1.Корхона инновацион салоҳиятини баҳолашнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш жараёни амалга оширилади.

2 блок (маълумотлар базасини шакллантириш)да: 2.1.Корхонанинг инновацион фаолиятини амалга ошириш режаси ва 2.2.Маълумотларни қайта ишлаш ва таркиблаш жараёнлари орқали умумий ва атрофлича маълумотга эга бўлиш имкони яратилади.

Ушбу маълумотлар базаси асосида 3 блок (кўрсаткичлар комплекс қийматларини шакллантириш)да: 3.1.Салоҳият таркибини ва унинг кўрсаткичларини аниқлашга имкон яратилади.

Ушбу олинган маълумотлар салоҳият таркибини аниқлаш имконияти 4 блок (натижаларни таҳлил қилиш)да: 4.1.Инновацион салоҳиятни ҳар бир

таркибий қисмини баҳолаш ва 4.2. Ҳар бир таркибий қисмларнинг инновацион салоҳиятини таҳлил қилиш ва 4.3. Инновацион салоҳиятнинг муаммоли таркибий қисмларини аниқлаш орқали 4.4. Инновацион салоҳиятни натижавий баҳолаш асосида 4.5. Ҳисобот тайёрланади.

Ушбу таркибий таҳлил асосида саноат корхонасининг инновацион салоҳиятининг эришилганлик даражасининг ҳолати баҳоланади (юқори, ўрта ва паст даражалар).

Шундан сўнг натижаларни таҳлил қилиш блоки орқали аниқ маълумотлар асосида корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантиришнинг ҳар бир вариантини иқтисодий-ижтимоий ва технологик кўрсаткичлари даражаси баҳоланади. Агар инновацион салоҳиятни эришилган даражаси паст бўлса, ҳолат рағбатлантиришга қабул қилинмайди.

Корхонанинг инновацион салоҳиятини таркибий таҳлил асосида эришилганлик даражасини баҳолаш натижасида (ўрта ва юқори) 5 блок (Инновацион салоҳиятни рағбатлантириш бўйича) да таклифлар ишлаб чиқилади.

6 блок (корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантириш бўйича тадбирларни шакллантириш) да 1, 2, 3 ва 4 блок маълумотларини эътиборга олган ҳолда тармоқни инновацион салоҳияти рағбатлантирилади ва унинг асосида инновацион салоҳиятни ошириш мумкин бўлган устуворликлари ёки стратегиялари рўйхати шакллантирилади. Шу асосда мезоннинг мақбул кўрсаткичига эга стратегиялар танлаб олинади.

Шундай қилиб, таклиф этилаётган алгоритм корхона инновацион салоҳиятини таркибий таҳлил этиш асосида рағбатлантириш имкони беради ва нефт ва газ саноати инновацион фаолиятини устувор ривожлантириш йўналишларини асослаш имконини беради.

Алгоритм кетма-кетлигида рағбатлантириш жараёнини тўғри ташкил этиш учун зарур маълумотларни тақдим қилувчи бўлимлар: молия, ходимлар, корхона инновацион фаолияти бошқаруви билан шуғулланувчи бўлимлар; ишлаб чиқариш ва технологик бўлим; илмий-тадқиқотлар бўлимларини

белгилаб олиш лозим. Маълумотлар корхона инновацион фаолиятини бошқарувчи бўлим томонидан талабларга кўра муайян вақт давомида белгиланган муддатда тақдим қилиниши талаб қилинади.

Фикримизча, Муборак нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантирувчи иқтисодий механизм қуйидагиларни кўзда тутиши лозим:

Нефт ва газ саноати корхоналарида инновацион фаолиятни амалга оширувчи субъектлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш;

корхонага инвестиция манбаи сифатида амортизацион жамғармаларни кўпайтириш имкониятини таъминлаш мақсадида амортизацион сиёсатини ўзгартириш;

илмга оид хажмдор ускуналар лизингини ривожлантириш;

чет эл шериклар билан маҳаллий илмга оид хажмдор маҳсулотни чиқариш ва уни ташқи бозорда сотиш бўйича ташкилотларни ташкил этиш учун шароитларни яратишни кўзда тутувчи ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш;

илмий салоҳиятни янада тўлиқроқ жорий этиш, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш учун олий мактаб, илмий ташкилотлар ва муассасаларда инновацияларни комплекс ҳолда қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

инновацион-саноат мажмуалари ва марказлари, технопарклар, инновацион корхоналар ва алоҳида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг молиявий-иқтисодий ва ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш;

миллий илмий-техник ишланмаларни ўзлаштиришда корхона фаолиятини рағбатлантириш ва инновацион фаолиятнинг инвестиция билан таъминлаш механизминини такомиллаштириш;

илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши учун меъёрий базани яратиш;

бюджет ва нобюджет инновация жамғармалари, инновацион фаолиятни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича чет эл жамғармалар вакилликларини ташкил этиш;

тез ўзини қоплай оладиган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида маҳаллий ва чет эллик хусусий инвесторлар учун жозибадор шароитларни яратиш (уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш);

инновацион лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ молиявий хатарларни суғурталаш тизимини жорий этиш.

Тадқиқотда муаллиф томонидан нефт ва газ қазиб чиқариш саноати корхоналарида инновацион фаолият ва унинг салоҳиятини ошириш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва унинг салоҳиятини рағбатлантиришнинг қуйидаги шакллари таклиф этилган:

бевосита молиялаштириш, айрим ихтирочиларга ва кичик корхоналарга бепул банк ссудаларини бериш;

сезиларли солиқ имтиёзларига эга венчур инновацион жамғармаларини яратиш, инновацион фаолият субъектларини моддий ва маънавий рағбатлантириш (қўллаб қувватлаш);

алоҳида ихтирочилар учун давлат патент божларини камайтириш ва ресурс-тежовчи ихтиролар учун патент божларини тўлашда имтиёзлар бериш ёки кечиктириш.

Шунингдек ишда муаллиф томонидан нефт ва газ саноати корхоналарини инновацион салоҳиятини ошириш ва рағбатлантириш асосида қуйидаги устувор вазифаларни амалга ошириш имкони асосланди:

республика нефт-газ саноатида углеводород хом ашёсини қазиб олиш ҳажмларини кўпайтириш, табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва етказиб беришда янги инновацион технологияларни қўллаш ишларини такомиллаштириш;

газ-транспорт тизимини модернизация қилиш ва нефт-газ тармоғи корхоналарида инновацион фаолиятни молиявий ва инвестициявий таъминлашни жадаллаштириш;

тармоқда инновацион фаолликни ошириш натижасида табиий газни ягона оператор сифатида етказиб бериш, жумладан экспорт ва импорт қилиш учун газ қазиб олувчи ва қайта ишловчи ташкилотлар, шу жумладан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар асосида фаолият юритувчи кўшма корхоналар ва хорижий компанияларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш;

табиий газни ва суюқ углеводородларни қазитиш, қайта ишлаш, ташиш, узатиш ва сотишнинг барча босқичларида инновацион технологиялар асосида ресурслар ҳисобини юритиш бўйича электрон ускуналарни қўллаш орқали самарали ҳисоб юритилишини жорий этиш;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ учун 2024 йилга келиб углеводород хом ашёси, шу жумладан табиий газ қазиб олиш ҳажмини 42,3 миллиард метр кубга ва суюлтирилган газни 1,5 миллион тоннага етказиш, шу билан иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни, шунингдек, компаниянинг даромади ортишини таъминлаш;

инвестиция киритишнинг хорижий амалиётда кенг тарқалган шартлари ва механизмлари асосида қазиб олиниши қийин бўлган конларда углеводород хом ашёсини қазиб олишга дунёнинг йирик нефт-газ компанияларидан замонавий инновацион қазитиш техникалари ва асбоб-ускуналарини жалб қилиш;

хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан «Рақамли кон» концепциясини амалга ошириш асосида иш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларини кенг жорий қилиш кабилар.

Шунингдек нефт ва газ саноатик орхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий таклифлар ишлаб чиқилди:

а) углеводород хом ашёсини қазиб олиш ҳажмларини кўпайтириш;

газ-транспорт тизимини модернизация қилиш;

табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, етказиб бериш ва сотишни ҳисоб-китоб ва назорат қилиш ишларини такомиллаштириш;

инвестициявий лойиҳаларни танқидий ўрганиш ва мақбуллаштириш, шунингдек, уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш;

нефт-газ тармоғи корхоналарида молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва нарх шаклланишини такомиллаштириш;

б) «Ўзбекнефтгаз» АЖ учун — 2024 йилга келиб углеводород хом ашёси, шу жумладан табиий газ қазиб олиш ҳажмини 42,3 миллиард метр кубга ва суюлтирилган газни 1,5 миллион тоннага етказиш, шу билан иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни, шунингдек, компаниянинг даромади ортишини, шу жумладан қўйидагилар ҳисобидан таъминлаш:

инвестиция киритишнинг хорижий амалиётда кенг тарқалган шартлари ва механизмлари асосида қазиб олиниши қийин бўлган конларда углеводород хом ашёсини қазиб олишга дунёнинг йирик нефт-газ компанияларини жалб қилиш;

мустақил хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда нефт-газ тармоғи корхоналарининг операцион самарадорлигини ошириш ва харажатларини мақбуллаштириш, шунингдек, уларнинг қарз юкламасини камайтириш;

ишлаб чиқилган конларда замонавий технологиялар асосида углеводород хом ашёси қазиб олишнинг унумдорлигини ошириш;

2020-2022 йилларда миллий нефт-газ ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари бўйича халқаро тендер савдоларида иштирок этиш учун камида 6 та хорижий нефтсервис ташкилотларини жалб қилиш;

в) газ қувурлари ва компрессор станцияларини, шу жумладан ХМИ/ХХМТ маблағларини жалб этиш орқали қуриш, реконструкция қилиш;

ер ости газни сақлаш станцияларида табиий газни сақлаш ҳажмларини ошириш;

юқори босимли газ тақсимлаш пунктларида табиий газ оқимларининг мониторинги ва бошқаруви тизимини (SCADA) ҳамда автоматлаштирилган назорат тизимларини жорий этиш ва бошқалар.

3-боб бўйича хулосалар

Корхона инновацион салоҳияти ҳисоб-китоби – жуда мураккаб вазифа. Корхонанинг жамланган инновацион салоҳияти ҳар қандай ҳолатда ҳам аниқ ижодий таҳлил предмети бўлган ресурсларнинг алоҳида турларининг мураккаб чизиксиз функцияларини ўзида намоён қилади. Корхона учун ҳар бир инновацион ресурс ҳиссаси ва камроқ молиявий маблағлар билан тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ташкилот самарадорлигини оширишни таҳлил қилиш муҳимдир. Бунда вақт муҳим омил саналади, яъни қарорларни қабул қилишнинг қайси: ўрта муддатлими ёки узоқ муддатлилиги аниқланади.

Диссертация тадқиқоти давомида аниқландики, нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари инновацион салоҳиятининг корхона ресурслар базаси ҳолатини тавсифлайдиган ва ушбу корхоналарнинг инновацион салоҳиятига бозорни белгилаб берадиган рақобатли устунликларини бириктиришга қодир бўлган энг муҳим таркибий қисмлари кадрлар, молиявий-иқтисодий, ишлаб чиқариш ва илмий-техник ресурслар ҳисобланади.

Диссертацияда ишлаб чиқилган кўрсаткичлар тизими саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш учун зарур бўлган кўрсаткичлар тизимлари эҳтимолий вариантларидан ҳисобланади, у баҳолаш мақсадида аниқланади ва кўп жиҳатдан мавжуд статистик маълумотлар тўплами билан белгиланади. Бундан ташқари, кўрсаткичлар таркиби корхонанинг эришилган ривожланиш даражаси, унинг қайси тармоққа мансублиги ва келгуси фаолиятидаги устуворликлардан келиб чиқиб ўзгартирилиши мумкин.

Нефт ва газ саноати корхоналарининг инновацион фаолияти ўзига хосликлари уларнинг инновацион салоҳиятини шакллантириш борасида қуйидаги хусусиятларни аниқлашга имкон берди:

1. Алоҳида компонентлар ва таркибий қисмлар мавжудлиги. Бу элементлари функционал декомпозиция тамойилидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш аста-секинлик билан ва структурали равишда инновацион салоҳиятни алоҳида қисмларнинг иерархик структура кўринишида тақдим этишга имкон беради, бу эса уни янада батафсилроқ таҳлил қилиш учун имконият яратади.

2.Таркибий қисмлар рўйхатидан келиб чиқиб, уни баҳолаш кўрсаткичлари умумий тизимида инновацион салоҳият кўрсаткичларининг айримларинигина миқдорий ифодалаш имконияти. Ушбу омил сабабли кўрсаткичлар доирасини қуйидаги уч гуруҳга ажратган маъқул:

- мантикий қийматлар билан ўлчанадиган ха/йўқ (бор/йўқ) туридаги кўрсаткичлар;

- ўлчамга эга бўлган мутлақ кўрсаткичлар (одатда натурал ёки пул бирлигидаги бирор ким ёки бирор нарсанинг сони);

-улушда ўлчанадиган ва ўлчамга эга бўлмаган нисбий кўрсаткичлар.

Ушбу жиҳатни ҳисобга олиш саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш давомида кўрсаткичларни умумий меъёрлаштиришдан фойдаланиш заруратини асослаб беради.

3.Улар фаолияти шароитларида сезиларли ҳудудий ва тармоқ тафовутлари мавжудлиги сабабли саноат корхоналарининг ривожланиш даражасига кўп сонли ташқи омиллар таъсир кўрсатиши. саноат корхоналарини улар фаолиятининг кўплаб кўрсаткичлари бўйича, жумладан, уларнинг инновацион салоҳиятига таъсир этувчи кўрсаткичлар бўйича мавжуд табақалаштириш алоҳида олганда корхонанинг ҳам, мавжуд тафовутлар сабаблари ва уларнинг инновацион салоҳияти кўрсаткичлардаги фарқларни аниқлаш мақсадида саноат корхоналари йиғиндисининг инновацион салоҳиятини таҳлил қилиш муҳимлигини белгилаб беради.

Саноат корхонаси фаолиятининг турли жиҳатларини акс эттирадиган кўрсаткичлар бўйича мавжуд маълумотлардан фойдаланиб, инновацион салоҳиятнинг таркибий қисмлари: кадрлар, ишлаб чиқариш, молиявий-иқтисодий ва илмий-техник салоҳияти таркибланади. Уларни тавсифлайдиган кўрсаткичлар умумий сони 60 та, шундан 11 та кўрсаткич кадрлар салоҳиятини, 17 та кўрсаткич ишлаб чиқариш салоҳиятини, 24 та кўрсаткич молиявий-иқтисодий салоҳиятни ва 8 та кўрсаткич илмий-техник салоҳиятни тавсифлайди.

Республикамиз нефт ва газ тармоғи корхоналари инновацион салоҳияти ҳолатини таҳлил қилиш уларнинг фаолият соҳаларидан қатъий

назар, ушбу корхоналарда инновацион фаолиятни амалга ошириш имкониятлари паст даражада эканлигини кўрсатади. Бу эса зарур миқдордаги ресурслар йўқлиги ва инновацион салоҳият таркибий қисмлари кўрсаткичларининг пастлигидан далолат беради. Корхоналарда инновацион салоҳият даражасининг ўзгариши беқарор тенденциялари кузатилиб, унинг қиймати йиллар бўйича сезларсиз ўзгариб туради.

Шундай қилиб, ўтказилган таҳлил республикада нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарида инновацион ривожлантириш жараёнида инновацион салоҳиятни бошқаришнинг самарали механизмлари ва ишлаб чиқаришнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш усулларининг йўқлигидан иборат бўлган асосий муаммоларини аниқлашга ёрдам берди.

Умуман олганда, саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини таклиф этилаётган услубият бўйича баҳолаш инновацион салоҳиятнинг иерархик структурасини алоҳида қисмлар – компонентлар, таркибий қисмлар ва алоҳида кўрсаткичлар кўринишида ҳисобга олиш имконини беради, бу эса уни батафсилроқ таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Тадқиқотда муаллиф томонидан нефт ва газ саноати корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг таркибий баҳолаш усулидан самарали ва оптимал фойдаланиш учун инновацион салоҳиятни рағбатлантириш алгоритми ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

Диссертация тадқиқотининг натижаси сифатида куйидаги илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

Миллий иқтисодийнинг нефт ва газ саноатини ривожлантириш учун корхоналар инновацион салоҳиятини ошириш ва рағбатлантириш бўйича мавжуд механизмлар ва уларни молиялаштиришнинг мавжуд кўлами етарли эмас. Самарали инновацион салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш унинг элементлари ўртасидаги тизим ҳосил қилувчи алоқаларни жонлантириш зарурати билан белгиланадиган турли ташкилий ва иқтисодий омилларга боғлиқдир.

Нефт ва газ саноати тармоғида инновацион салоҳиятни шакллантириш, уни ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш механизмини куйидаги кетма-кет босқичлардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш лозим: инсон ва интеллектуал капитални ривожлантириш, қулай шарт-шароитларни яратиш – молиявий-инвестицион таъминотни ташкил қилиш – баҳолаш – рағбатлантириш – рағбатлантиришни амалга ошириш. Босқичларнинг ҳар бири уларнинг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Ишда саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини оширишнинг тўртта асосий йўналиши аниқланган, жумладан: компанияларнинг технологик ривожланишида жаҳон тажрибасидан ва билимлардан фойдаланадиган илмий ва муҳандислик ташкилотлари (трансляция); компаниялар арзон нархлардаги ахборот ресурсларидан фойдаланиш, рақамли инфратузилмани ривожлантириш; инновацион технологиялар билан ишлаш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир бўлган таълим ва ишчи кучи; ишбилармонлик муҳити (бизнес юритиш), инновацион технологияларни яратиш ва ундан фойдаланиш учун маҳаллий ва хорижий корхоналарни рағбатлантириш.

Инновацион фаолиятни амалга оширишни таъминловчи ва рағбатлантирувчи институтлар (инновацион марказлар, бизнес инкубаторлар,

кичик саноат зоналари, аутсорсинг, технология узатиш марказлари, консалтинг, инновацион қўллаб-қувватлаш жамғармалари ва бошқалар)ни яратиш ва ривожлантириш механизмлари (тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот, тадбиркор университет, саноатда инновацион жараёнларни ишлаб чиқиш)га эътибор қаратилиши пировардида саноат корхоналарининг рақобатбардошлик даражасининг ошишига имкон яратади.

Нефт ва газ саноати корхонасининг инновацион салоҳияти иқтисодий салоҳиятнинг энг муҳим қисмларидан бири саналади, ҳамда корхонада ушбу тизимнинг ривожланиш даражасини, ресурсларнинг сифат ва миқдорига боғлиқ ҳолда тавсифлайдиган, ушбу имкониятлардан амалиётда фойдаланилишга мўлжалланган ғоя ва ишланмалар жамғармасининг мавжудлиги, иқтисодий тизимининг илмий-техник имкониятлари мажмуи сифатида белгиланади. Инновацияларни амалда жорий этиш жараёнида илмий-техник салоҳиятнинг қўлланилиши содир бўлади. Шундай экан, илмий, илмий-техник ва инновацион салоҳиятлар ягона инновацион циклнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирларини тўлдирувчи таркибий қисмлари ҳисобланади.

Муллифнинг фикрича, инновацион салоҳият тушунчаси турли ишланмалар ва тадқиқотларни амалга оширувчи ташкилотларнинг сони, фаолияти унумдорлиги, самарадорлиги, интеллектуал мулк объектлари, инновация соҳасидаги мутахассислар, олимлар, кадрлар сони, молиялаштириш ва моддий ишлаб чиқариш базаси, илмий ахборотлар, инновация ва инновацион фаолият ахборотлари, илмий мактаблар ва уларнинг миллий, дунё илм-фанида тутган ўрни кабиларни ўз ичига олувчи инновацион фаолият ресурсидир.

Инновацион салоҳиятни баҳолашнинг асосий мақсади - корхонага бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлашга имкон берувчи инновацион стратегияни танлаш ва амалга ошириш ҳисобланади. Корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантириш усуллариининг ривожланишида баҳолаш кўрсаткичлари таркиби ва уларнинг мезон қийматларини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади. Баҳолаш кўрсаткичлари таркиби, корхона инновацион

салоҳияти даражаси кейинчалик ҳам замонавий ва объектив қарорларни қабул қилиш мақсадида, инновацион салоҳиятнинг ҳолати ва уни ташкил қилувчи таркибий қисмлари ҳақида етарли маълумотлар билан таъминланиши зарур.

Нефт ва газ саноати корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш учун инновацион циклнинг барча таркибий қисмлари ва бўғинларини мавжуд рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш зарур. Бундай йўналишлардан бири инновацион жараёнда бевосита иштирок этувчи субъектларнинг рағбатлантириш механизмларини яратишдир. Рағбатлантириш истиқболда ишлаб чиқаришга таълим ва фаннинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Ушбу соҳаларга етарли даражада молия маблағларини киритиш ҳисобига ҳудуднинг инновацион ривожланиши яхшиланади, улардан самарали фойдаланишда эса, ҳудуднинг илмий-инновацион салоҳияти ошади. Буларнинг барчаси иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожланиши ва уни рағбатлантириш ҳолатини иқтисодий таҳлили амалга оширилди. Таҳлил натижаларига кўра кейинги йилларда инновацион маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқаришда кескин ўсиши таъминлаган бўлишига қарамасдан бир қатор муаммолар аниқланган. Хусусан, биринчи марта ўзлаштирилган корхоналарни инновацион маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар сонигаги улуши камайиш тенденциясига эга бўлмоқда, шунингдек ҳудудлар миқёсида номутаносиб иқтисодий ривожланиш мавжуд. Фикримизча мазкур муаммоларни баратараф этишда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда саноат корхоналарида янги маҳсулот ва хизматларни яратувчи, қўлловчи, амалга оширувчи субъектларни рағбатлантириш механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори \ \ lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефт-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори \ \ lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5544-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 мартдаги ПФ-4996-сонли “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони \ \ lex.uz.

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697-сон “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори \\ lex.uz.

10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сон қарори \\ lex.uz.

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони \\ lex.uz.

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йиллар учун ишлаб чиқаришнинг тузилмавий қайта тузилиши, замонавийлашиши ва диверсификациясини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони \\ lex.uz.

II. Методологик аҳамиятга молик нашрлар

13.Grossi G. Promoting Innovation in a big business. Long range planning. Vol. 23, N1, 1990, 240p.

14.Westley, F., Mintzberg, H. Visionary leadership and strategic management, Strategic Management Journal, 1995, P. 32.

15.Коробейников О.П. Роль инноваций в процессе формирования стратегии предприятия // Менеджмент в России и за рубежом. 2000. - № 3 [Электронный ресурс]. URL: <http://www.mevriz.ru/articles/2000/3/856.html> (дата обращения 21.11.2011).

16. Мосейко В. О. Определение инновационного потенциала предприятия на основе факторного подхода / В.О. Мосейко, С.А. Князев // Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3: Экономика. Экология. – 2008. – №2. – С. 28-34.

17. Шляхто И. В. Оценка инновационного потенциала промышленного предприятия / И. В. Шляхто // Вестник Брянского государственного технического университета. 2006. - №1 (9). - С.109-115.

18. Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябр 2011.

19. Нурибегов Р.И. <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/47582--innovatsion-salohiyat--zamonaviy-iqtisodiyotni-rivojlantirish-poydvori>.

20. Мустафакулов Ш. ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятига баҳо беришнинг мавжуд услублари таҳлили // Молия ва банк иши электрон илмий журнали, 3-сон апрель, 2016 5-16 бетлар.

21. Мухитдинов Х.Т. Инновацион салоҳият шаклланиши ва ривожланиши таҳлил қилишга институционал ёндашув // Иқтисодиёт ва молия, №2, 2012, 2-6 бетлар.

22. Умаров И., С.Саидкаримова, Ш.Облокулова. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 йил.

23. Қаххоров А. Автомобиль транспорт корхоналарининг инновацион салоҳияти ва уни баҳолаш // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2016 йил.

24. Рузиев Б.С. Олий таълим тизимида инновацион салоҳиятни ошириш // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2017 йил.

25. Brockhoff, K (1997) *Forschung und Entwicklung. Planung und Kontrolle*. München: Oldenbourg; Strebel, H. (ed.) (2003) *Innovations- und Technologiemanagement*. Wien: WUV.

26. Гилева Т. А. инновационный потенциал предприятия: структура, оценка, формирование / Т. А. Гилева, А. Р. Низаев // Актуальные вопросы управления в социальных и экономических системах: Межвузовский сборник научных трудов. Ч. II. – Уфа. УГАТУ. 2006. - С. 213-218.

27. Голиченко О. Г. Российская инновационная система: проблемы развития / О. Г. Голиченко // ВЭ — № 12. 2004. - С. 16-35.

28. Грошев, И. В. Проблемы оценки экономического потенциала предприятия: трудовой потенциал / И. В. Грошев, Е. М. Уланова // Вопросы оценки. – 2005. – № 16.

29. Бовин А. А. Управление инновациями в организации: учеб. пособие / А. А. Бовин, Л. Е. Чередникова, В. Я. Якимович. – М.: Омега – Л, 2006. – 415 с. 211-212 с.

30. Инновационный менеджмент: Концепции, многоуровневые стратегии и механизмы инновационного развития: Учеб. пособие / Под ред. В. М. Аньшина, А. А. Дагаева. – 3-е изд., перераб., доп. – М.: Дело, 2007. – 584 с. 270 - 271 с .

31. Горбунов В. Л., Матвеев П. Г., Методика оценки инновационного потенциала предприятия / В. Л. Горбунов, П. Г. Матвеев // Инновации. – 2002. - № 8. С. 67-69.

32. Шляхто И. В. Оценка инновационного потенциала промышленного предприятия / И. В. Шляхто // Вестник Брянского государственного технического университета. 2006. - № 1 (9). - С. 109.

33. Отажонов Ш. И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқариш самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: Фан, 2018. - 227 б.

Ш. Диссертация, автореферат, монография, илмий мақола ва илмий тўпламлар

34. Аллаева Г. Ж. Эффективное развитие предприятий топливно-энергетического комплекса республики узбекистан., автореферат дисс. Докт. Философии, Т.: 2018г.

35.Ахметова М.И. Механизм управления развитием инновационной системы региона на основе оценки взаимовлияния социально-экономической и инновационной среды / М.И. Ахметова – Автореферат кандидатской диссертации по экономике.М.: 2017.

36.Иванова О.Е. Инновационный потенциал энергетических сетевых компаний: оценка и использование при формировании инвестиционной стоимости / О.Е. Иванова – Автореферат кандидатской диссертации по экономике, СПб.: 2012.

37.Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.:2012, 24-б;

38.Земцов С.П. Инновационный потенциал регионов России / С.П.Земцов – Автореферат кандидатской диссертации по экономике. М.: МГУ им.Ломоносова, 2015.

39.Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на предприятиях машиностроения Республики Узбекистан., дисс.д.э.н., Ташкент 2004г.,

40.Набиева С.А. Функционирование инновационных механизмов на предприятиях промышленности в условиях глобализации //Иқтисодиёт ва таълим. -Тошкент, 2018.-№6. стр.108-112. (08.00.00; №11)

41.Набиева С.А. Организация и планирование инноваций на предприятии в условиях модернизации экономики // Бизнес эксперт, № 7 (127), - Тошкент, 2018. 87-92 стр. (08.00.00; №03)

42.Набиева С.А. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни амалга оширишнинг асосий тамойиллари // Бизнес эксперт, № 2 (134), - Тошкент, 2019. 93-98 б. (08.00.00; №03)

43.Набиева С.А. Совершенствование механизмов стимулирования экономической эффективности диверсификации производства предприятий. Научно- аналитический журнал. Наука и практика, Т.11. № 2 (34). 2019, Москва, 2019.стр. 59-66. (08.00.00; №19)

44.Nabiyeva S.A. “Improving the system of incentives for the development of innovative activities” // International Journal of Progressive Sciences and Tehnologies. September 2020. 26-28 p. ISSN:2509-0119. SJIF 2020: 5.616. ICV 2018: 79.77

45.Набиева С.А. Инновационная деятельность на предприятиях промышленности // “Иқтисодий ва модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг методологик асослари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами., ТДИУ, Тошкент, 14 январь 2018 йил.152-154 б.

46.Набиева С.А. Развитие методов использования резервов повышения эффективности инновационной деятельности предприятий // “Корпоратив бошқарув: назария ва замонавий амалиёт” республика илмий семинари. Илмий мақолалар тўплами. ТДТУ, Тошкент, январь 2019, 324-327 б.

47.Набиева С.А. Эффективное использование резервов инновационного потенциала предприятий в условиях модернизации экономики // XXXII Международные Плехановские чтения, Москва, 2019.стр. 275-278.

48.Набиева С.А.Саноат корхоналарида инновацион фаолият мотивациялари таснифи // “Ижтимоий-иқтисодий ва молия тизимларини институционал ривожлантириш: глобал миқёсда миллий иқтисодий” мавзусида XI Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. 2019 йил 16-17 май. Самарқанд–2019. 485-487 б.

49.Набиева С.А. “Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг замонавий ҳолати” // Замонавий корпоратив бошқарув: Муаммо ва ечимлар. Республика илмий амалий конференция материаллари тўплами 29 апрел 2020 й. 150 б.

50.Тухлиев И.С. Организационно-экономический механизм реализации научно-технического потенциала юго-западного региона Республики Узбекистан. -Т.: ГФНТИ, ГКНТ РУз, 1995.

51. Трещевский Д.Ю. Управление инновационным развитием регионов: Принципы, стратегии, инструментарий / Д.Ю.Трещевский – Автореферат кандидатской диссертации по экономике.

52.Шоназарова Г.Б. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштириш., ф.д.диссер., Т.: 2018й..

53.Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш., дисс. и.ф.д., Т.: 2018й..

54. Расулев А.Ф., Алимов Р. Стимулирование инновационной активности в экономике // Общество и экономика. –М.: 2007. –№5-6.

55. Хасанова Г.Ж. Саноат корхоналари инновация фаолияти самарадорлигини ошириш. Ихтисослик: 08.00.04 – “Микроиқтисодиёт”. – И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Бухоро давлат университети. – Тошкент, 2006. – Б.15.

56.Экономика Узбекистана: Аналитические обзоры. - Т.: ЦЭЭП, 2000-2005.

57.Узбекистан в цифрах - 2016. - Т.: Госкомстат, 2017.

58.Труд и занятость в Узбекистане: Статистический сборник. - Т.: Госкомстат РУз, 2017.

59.Основные показатели социально-экономического развития Республики Узбекистан. - Т.: Госкомстат, 2000-2017.

IV. Интернет ресурслари

60.www.stat.uz - Статистическое обозрение Республики Узбекистан.

61.www.cer.uz

62.<http://www.m-economy.ru>

63.<http://www.ebiblioteka.ru> (РФ электрон кутубхонаси сайти)

64.<http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали).

65.<http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)

66.<http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси).

67.<http://www.pmuc.ru/journal>

68.<http://www.moderniz.org.ru/>.-Конкурентоспособность и модернизация российской экономики.

69.<http://www.oecd.org/sti/inno/39374789.pdf>

<https://www.nsf.gov/nsb/publications/2012/nsb1203.pdf>

70.<http://www.cass.city.ac.uk/faculty-and-research/centres/>

71.<http://www.mckinsey.com/about-us/overview>

72.https://www.nesta.org.uk/sites/default/files/characteristics_behaviours_of_innovative_people.pdf,